

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 9 (575.1)*

ЭРКАЕВ ЭРГАШАЛИ МАХСУДОВИЧ

**СОВЕТ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ПАХТА ХОМ АШЁ
БАЗАСИГА АЙЛАНТИРИЛИШИ ВА УНИНГ ДЕҲҚОНЛАР
ҲАЁТИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ (1917-1940 йиллар)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, тарих фанлари доктори,
профессор И. А. АЛИМОВ

Андижон – 2011

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1. БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ПАХТАЧИЛИК СОХАСИНИНГ ТИКЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ: ПАХТА МОНОПОЛИЯСИНИНГ ОҚИБАТЛАРИ	
1.1. Туркистонда октябр тўнтаришидан кейин пахтачилик соҳасидаги умумий ҳолат.....	26
1.2. Пахтачиликни тиклаш ва ривожлантириш борасида совет ҳукуматининг амалга оширган чора-тадбирлар	41
1.3. Марказ стратегик хом ашёси – пахтанинг Республикадан олиб чиқиш жараёнини бошланиши ва унинг оқибатлари.....	58
II. БОБ. СССР ДИРЕКТИВ ОРГАНЛАРИНИНГ ПАХТА МУСТАҚИЛЛИГИНИ МАЖБУРИЙ ЙЎЛ БИЛАН АМАЛГА ОШИРИШИ ВА ЎЗБЕКИС-ТОННИНГ ПАХТА ХОМ АШЁ БАЗАСИГА АЙЛАНТИРИЛИШИ	
2.1. СССР пахта мустақиллигининг таъминланиши ва Ўзбекистоннинг асосий пахта етиштирувчи республикасига айлантирилиши.....	70
2.2. Зўравонлик ва тайзиқ асосида колхоз ва совхозларда пахта етиштиришнинг кўпайтирилиши.....	90
III. БОБ. ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИНИНГ ДЕҲҚОНЛАР ҲАЁТИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ	
3.1. Республика қишлоқ хўжалигида пахта монокультурасининг авж олиши.....	101
3.2. Ўзбекистон халқ хўжалигида озиқ-овқат муаммосининг юзага келиши.....	115
ХУЛОСА.....	128
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....	143
ИЛОВАЛАР	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин Ватан тарихини ўрганиш ва тадқиқ этиш, ўзликни англашга қизиқиш ортди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, “Ўз тарихини билмайдиган, ўтган кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат кишилик тарихида кўп бора ўз исботини топган”¹.

Шубҳасиз, тарих шоҳидлиги шахс камолоти учун сабоқ бўлиб, инсонга тегишли таълим-тарбия беради. Тарих сабоқлари эса халқни ўз озодлиги ҳамда истиқлолини кўз қорачиғидек асрашга, унинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етишга ундайди².

XXI асрга келиб собиқ совет ҳукмронлиги йилларида коммунистик мафкура тазйиқи билан сохталаштирилган тарихни қайта ўрганиш, тарихий ҳақиқатни тиклаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 1994 йил 22 сентябрда Парламент минбаридан яқин тарихимиздаги дардли-изтиробли воқеалар тўғрисида тўхталиб шундай деган эди:

“- Баъзи бир ғоят қийин, лекин табиий саволларга жавоб берайлик:

- Ўзингиз ўйлаб кўринглар, азиз дўстлар, мустабид тузум, мустамлакачилик даврида биз ким эдик?

- Такдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди?

- Юртимиз қандай ва қанча беқиёс бойликлар хазинаси эканидан қай биримиз хабардор эдик?

- Гуё миллий ифтихоримиз бўлмиш пахта, ҳақиқатда миллий ғурур ўрнига бўйинтуруқ бўлиб, халкимизни яланғоёқ қилишдан, бошимизга азоб-уқубат, таъна-маломатдан бошқа нима келтирди?”³

¹ Каримов И.А. Юсак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 4.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 25.

³ Ижобий ишларни охирига етказайлик. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 12 чақириқ XVI сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 1994, 23 сентябрь.

Республика тараққиётида Ўзбекистоннинг географик жойлашуви қадимдан қишлоқ хўжалиги соҳасини ижтимоий тараққиётининг муҳим омилларидан бири сифатида белгилаб қўйган. Шунинг учун ҳам ҳозирда аҳолининг қатта қисми, яъни 60 фоизга яқинини қишлоқ аҳолиси ташкил этади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, Республика Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, “Юртимизнинг янада обод, халқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлиши ва олдимизда турган юксак вазифаларнинг бажарилиши, ҳеч шубҳасиз, қишлоқларимизнинг тақдири ва келажаги билан боғлиқ эканини барчамиз яхши англаймиз.

Шунинг учун Ватанимиз тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлган қишлоқ аҳолининг ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага кўтариш ва, умуман, қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига ривож қўшиш, унинг самарадорлигини ошириш бугунги кунда энг долзарб, ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган муҳим бир вазифага айланмоқда”⁴.

Ватанимиз тарихининг мураккаб ва зиддиятли XX аср биринчи ярми ўтмиши оқибатларини миллий истиқлол мафкураси, янгича ёндашув асосида тадқиқ қилиш, тарихий ҳақиқатни тиклаш тарихчилар олдида турган ҳозирги кундаги муҳим вазифалар сирасига киради. Совет даврида мустабид тузум амалга оширган империяча иқтисодий сиёсатнинг натижаси ҳақида, Ўзбекистонни метрополиянинг пахта хом ашё базасига айлантирилиши, республикада етиштирилган пахтанинг марказга ташиб кетилиши тўғрисида лом-мим дейилмаган. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги бир томонлама ривожлангани, асосан, пахтачиликни ривожлантиришга йўналтирилгани оқибатида пахта монокультураси қарор топганлигини тарихий асарларда ёритишга, табиийки, совет давлати йўл бермаган.

⁴ Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадларимиз. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йилигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи, 2008 йил 6 декабрь.

Бунинг оқибатида мазкур масалалар ҳозирга қадар етарли даражада тадқиқ қилинмаган.

Юқорида билдирилган мулоҳазалар диссертация мавзуси қилиб танланган муаммонинг илмий жиҳатдан муҳим ва долзарблигидан далолат беради.

Тадқиқотнинг даврий чегараси 1917-1940 йилларни ўз ичига олади. Айнан шу даврда Ўзбекистон марказнинг асосий пахта хом ашё базаси бўлиб шаклланган эди. Бу жараён 1917 йилда, октябрь тўнтариши туфайли совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин бошланган.

Иттифоқ тўқимачилик саноатининг пахта хом ашёсига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш соҳасида кенг кўламли чоралар кўрилди. Совет ҳукумати республикага ирригация-мелиорация, пахтачиликни механизациялаш ва бу соҳада илмий тадқиқот, пахта селекцияси ишларининг тараққиёти учун катта миқдорда маблағ ажратди. Совет ҳукумати томонидан кўрилган тадбирлар натижасида пахта экин майдонлари кенгайди, етиштирилган пахтанинг ялпи ҳосили кўпайди. СССР зўравонлик йўли билан пахта мустақиллигига эришди. Республикада етиштирилган пахтанинг 90 фоизи марказга ташиб кетилди. Шулардан келиб чиқиб, тадқиқотнинг даврий чегараси қилиб 1917 йилдан бошлаб Иккинчи жаҳон урушигача бўлган давр белгиланган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Совет ҳукмронлиги даврида Ўзбекистоннинг пахта хом ашё базасига айлантирилиши ва унинг деҳқонлар ҳаётига салбий таъсири (1917-1940 йиллар) мавзуси ҳозирга қадар алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Мазкур муаммонинг айрим қирраларигина бошқа масалалар билан боғлиқ ҳолда қисман кўриб чиқилган.

Мавзуга оид адабиётларни назарий-методологик ёндашув ҳамда илмий таҳлил нуқтаи назарининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Совет ҳукмронлиги даврида чоп этилган адабиётлар, рисола ва мақолалар.

2. Мустақиллик йилларида нашр этилган адабиётлар, олиб борилган тадқиқотлар.

Биринчи гуруҳга кирувчи пахтачилик тарихига оид дастлабки мақолалар “Хлопковое дело”, “Народное хозяйство Туркестана”, “Народное хозяйство Средней Азии” ва бошқа матбуот органларида 1920 йилларда чоп қилинган. Бу мақолалар Я.Рудзутак, И.Е.Любимов, В.Нагин каби марказнинг Туркистонга юборилган раҳбар кадрлари томонидан ёзилган⁵. Уларнинг муаллифлари, табиийки, ўз лавозимларидан келиб чиқиб, совет давлатининг пахтачилик соҳасидаги сиёсати, Туркистонда пахта монополиясини юзага келтириш нуқтаи назарини кучайтиришга астойдил ҳаракат қилганлар.

Шу билан биргаликда, XX асрнинг 20-йилларида тарихий воқелик жараёнларини таҳлил қилишга ҳаракат қилинган адабиётлар ҳам чоп этилганини таъкидлаш лозим. Масалан, Г.Сафаров асарида совет давлатининг аграр сиёсати, жумладан, пахтачилик соҳасидаги сиёсати мустамлакачилик характерида экани таъкидлаб кўрсатилган⁶. Туркистон Республикаси ҳукумати раиси Турор Рискулов ҳам ўз асарларида советларнинг озиқ-овқат соҳасидаги сиёсати Фарғона водийсида даҳшатли очарчиликка олиб келганини яширмай очиб берган⁷. Бироқ бу адабиётлар совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистонда содир бўлган

⁵ Рудзутак Я. Выступление на 2-м съезде трудовых кооперативов дехкан-хлопкоробов Туркестана в феврале 1920 г. // Народное хозяйство Туркестана.- 1920. – №4. – С. 32-33; Любимов И.Е. Вопросы хлопковой политики и практики (критические заметки). // Хлопковое дело.- 1920. – №3-4. – С. 99; Нагин В.О. О положении хлопководства в Туркестане (докладная записка о поездке в Туркестан). // Хлопковое дело. – 1922. – №1. – С. 20-23.

⁶ Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). – М.: 1921

⁷ Рискулов Т. Революция и коренное население Туркестана. Часть I. 1917-1919 гг. – Ташкент: 1925.

ижтимоий-сиёсий воқеаларга бағишланган бўлиб, уларда пахтачилик соҳасидаги аҳвол умумий тарзда баён этилган.

Совет ҳукмронлиги даврида марказнинг Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратгани моҳиятидан келиб чиқиб, қатор тарихчи ва иқтисодчилар бу масалани ўрганиш, тарихий тажрибани умумлаштириш, соҳада эришилган ўзига хос ютуқларни кўрсатишга ҳаракат қилганлар. XX аср мобайнида Совет пахтачилиги тарихига оид кўплаб умумий адабиётлар, шунингдек, унинг муҳим йўналишларига бағишланган қатор тадқиқотлар ҳам вужудга келди. Пахтачилик тарихининг барча масалаларини ўз ичига олган умумий адабиётлар сифатида В.И.Юферьев, А.Иткин, Э.Воскобойников ва В.Ершов, К.Р.Раҳимов, А.Раззоқов, Ю.М.Исхаков, Х.Саидов, М.П.Новиков, М.Г.Ваҳобов ва бошқаларнинг асарларини алоҳида қайд этиш лозим⁸.

Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиши масаласининг айрим томонлари ҳам тарихчилар учун тадқиқот объекти бўлган. Масалан, А.Раззоқов монографияси Ўзбекистон меҳнаткашларининг собиқ СССР пахта мустақиллигига эришиши учун кураши масаласига бағишланган⁹.

Муаллиф Иттифоқнинг пахта мустақиллиги учун Ўзбекистон меҳнаткашларининг кураши икки даврни – биринчиси пахтачиликнинг тикланиши (1917-1928 йиллар), иккинчиси пахтачиликнинг янада ривожланиши (1929-1932 йиллар) даврларини ўз ичига олади дея таъкидлаган. Монографияда колхоз тузуми ғалабасининг пахтачилик

⁸ Юферьев В.И. Хлопководство в Туркестане.– Л.: 1925; Он же. Очерки по экономике хлопкового хозяйства. – М.: 1929; Иткин А. Хлопководческая кооперация на фронте социалистической реконструкции хлопководства. – Ташкент: 1931; Воскобойников Э. Ершов В. и др. Советский Узбекистан в борьбе за развитие хлопководства (1918-1948 гг.). – Ташкент: Госиздат, 1949; Рахимов К.Р. Хлопководство Узбекистана за 25 лет. – Ташкент: 1949; Раззаков А. Из истории борьбы трудящихся Туркестанской АССР за восстановление хлопководства (1917-1924 гг.). – Ташкент: Госиздат, 1957. – 128 с; Исхаков Ю.М. Развитие хлопководства в Узбекистане. – Ташкент: Госиздат, 1960; Саидов Х. Борьба за осуществление ленинских идей в развитии советского хлопководства. – Ташкент: Фан, 1966; Новиков М.П. Борьба Компартии Туркестана за разрешение земельного вопроса и восстановление хлопководства. – Ташкент: Фан, 1966. – 144 с; Вахабов М.Г. Формирование хлопково-промышленного комплекса в Узбекистане. – Ташкент: Узбекистан, 1981. – 139 с; История развития хлопководства в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1983. – 264 с.

⁹ Раззаков А. Борьба трудящихся Узбекистана за достижение хлопковой независимости СССР. – Ташкент: Фан, 1968. – 270 с.

ривожланишидаги ролини кўрсатишга алоҳида эътибор берилган. 1929 йил 18 июлдаги ВКП (б) МКнинг “Бош пахта қўмитаси иши тўғрисида”ги қарори асосида Иттифоқ ҳукумати кўрган чора-тадбирлар асосида биринчи беш йиллик (1929-1932 йиллар) якунида СССР пахта мустақиллигига эришганлиги қайд қилинган.

“История развития механизации хлопководства Узбекистана (Ўзбекистонда пахтачиликни механизациялаштиришнинг ривожланиши тарихи)”¹ деб номланган рус тилидаги китобда пахтачилик соҳаси бўйича фан ва конструкторлик ишларининг асосий ривожланиш босқичлари, машина-трактор станцияларининг пахта ишлаб чиқаришни механизациялашдаги роли, пахтачилик машиналарини таъмирлаш ва фойдаланиш хизматининг тараққиёти, пахтачилик техникасини ишлаб чиқариш саноатининг ривожланиши, инженер-техник кадрларни тайёрлаш масалалари ёритилган. Ҳар иккала китобда ҳам коммунистик мафкурадан келиб чиқиб, пахтачиликни механизациялаш ва пахта мустақиллигига эришишда қўлга киритилган ютуқлар, пахтакор деҳқонлар меҳнати туфайли эмас, компартия ва совет ҳукуматининг раҳбарлиги ва ёрдами билан боғлиқ эканлиги қайд этилган. XX аср 20-30-йилларида Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш масалалари пахта-саноат комплекси билан боғлиқ ҳолда республиканинг совет даври тарихига бағишланган тадқиқотларда умумий тарзда баён этилган². Шу билан бирга,

¹ История развития механизации хлопководства Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1985. 119 с.

² Ризаев Г. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. – Ташкент: 1957; Он же. Аграрная политика советской власти в Узбекистане. – Ташкент: Узбекистан, 1967. – 187 с.; Гулямов Я., Набиев Р., Вахабов М. История Узбекской ССР. – Ташкент: 1958; История народного хозяйства Узбекистана /А.У.Улмасов, Ш.Н.Ульмасбаев, О.Б.Джамалов и др. / ред.коллегия О.Б.Джамалов, М.А.Абдураимов, А.М.Аминов. – Ташкент: Фан, 1962. Т.I. – 339 с.; Непомнин В.Я. Очерки по истории социалистического строительства в Узбекистане (1917-1937 гг.). – Ташкент: 1967; История Узбекской ССР в 4-томах. / Х.Ш.Иноятлов, К.Е. Житов, Р.Х.Аминова и др.; отв.ред. Р.Х.Аминова, М.А.Ахунова, Х.Ш.Иноятлов. – Ташкент: Фан, 1967. Т.III. – 708 с; История Узбекской ССР. В 4-х томах. / Е.А.Дворкина, М.М.Мусаев, Р.Х.Аминова и др. / отв.ред. Р.Х.Аминова, М.А.Ахунова, Х.Ш.Иноятлов. – Ташкент: 1968. Т.IV. – 584 с; К социализму минувшего капитализм. Исторический опыт по социалистическому строительству в Средней Азии и Казахстане в 1917-1937 гг. / Росляков А.А., Каракеев К.К., Бесембаев С.Б. и др. / редколлегия Бейсембаев С.Б., Аксенов Ю.С., Андерсон М.Ф. и др. – М.: Изд-во политической литературы, 1974. – 431 с.

бирга, мазкур адабиётларда совет тузуми мафкуриси таъсирида пахтачилик тараққиёти масаласининг фақат ижобий томони ёритилган.

Айнан XX аср 20-30 йилларида, яъни ер-сув ислоҳоти ўтказилган даврда нашр этилган ва ундан кейин ёзилган асарларда ислоҳотга тайёгарлик ишларининг амалга оширилиши, якунлари масалалари билан бирга уларнинг қишлоқ хўжалигини, шу жумладан, пахтачиликни тиклашдаги аҳамиятини ёритишга алоҳида эътибор берилган. Бундай асарлар қаторига Е.Д.Ефанов, А.Икромов, А.Хожибоев, Е.Зелькина, Г.Ризаев, Л.З.Кунакова ва бошқаларнинг тадқиқотларини киритиш мумкин¹.

Пахтачилик кооперациясининг фаолиятига бағишланган бир неча рисола ва мақолаларда² пахтачилик кооперациясининг вужудга келиши, унинг давлат билан пахтакор деҳқонлар ўртасида воситачи бўлгани, давлат ташкилотларидан маблағ, танқис моллар олиб, пахта топшириш шарти билан пахтакорларга тарқатгани, кузда деҳқонлар пахтани кооперативга топшириб, қарзларини узгани, кооператив эса пахтани марказга топширгани кўрсатилган.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш тарихи, колхозларни ташкилий хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлаш, колхозларнинг пахтачиликни ривожлантиришда тутган ўрни масалалари кўпгина тарихчилар ва иқтисодчилар томонидан тадқиқ қилинган. Ўзбекистонда

¹ Ефанов Е. Д. Земельная реформа в Андижанском уезде (1925-1926 гг.). – Ташкент: Изд-во акционерного общества «Туркпечать», 1926; Икромов А. Итоги земельно-водной реформы и перспективы ее закрепления. Самарканд-Ташкент: Узгосиздат, 1926; Хожибоев А. Ер ислоҳоти нима учун керак. – Фарғона: Фарғона обком партияси қошидаги ер комиссияси нашри, 1926; Земельно-водная реформа в Средней Азии. Сборник материалов. – М.: Изд-во «Московский рабочий», 1927; Зелькина Е. Очерки по аграрному вопросу в Средней Азии. – М.: Изд-во Комкадемии, 1930; Ризаев Г. Краткий очерк земельно-водной реформы в Узбекистане. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1947; Кунакова Л.З. Земельно-водная реформа в Ферганской долине (1925-1926 гг.). – Ош: Изд-во Госпединститута, 1962; Она же. Земельно-водная реформа в Узбекистане (1925-1926 гг.). – Фрунзе: Изд-во «Мектеп», 1967.

² Рогожин Н.П. Кооперация в хлопковом деле за четыре года (1924/25-1927/28 гг.). // Хлопковое дело, 1927. – № 9-10; Карасев И. На путях к производственному кооперированию хлопководческих хозяйств // Хлопковое дело, – 1929. – №4; Ланкин И.Л. Колхозы в хлопководческой кооперации // Хлопковое дело, 1929. – № 11-12; Иткин А. Хлопководческая кооперация на фронте социалистической реконструкции хлопководства. – Ташкент: 1931; Ерзин Э.Х. Возникновение и начало деятельности специализированной хлопководческой кооперации в УзССР (1926-1927 гг.). // Научные труды ТашГУ. Вып.212. Исторические науки. Кн.42. – Ташкент: 1962.

коллективлаштиришга бағишланган дастлабки йирик монография А.Ю.Ибрагимованинг “Победа ленинского кооперативного плана в Узбекистане (1929-1933 гг.)” асари ҳисобланади¹. Бу ишда коллективлаштиришнинг тарихий шарт-шароити, ёппасига колхоз ҳаракатининг бошланиши, оммавий коллективлаштириш жараёнининг ривожланиши, унинг пахтакор районлардаги ўзига хос хусусиятлари, ёппасига коллективлаштиришнинг яқунлари очиб берилган. Ушбу муаммога бағишланган Р.Х.Аминованинг асарларида² коллективлаштириш ва пахтачилик тарихи масалалари нисбатан кенг тарзда тадқиқ қилинган. Юқорида қайд этилган муаммо, шунингдек, О.Б.Жамолов, А.Р.Шарипов, С.С.Саидалиев ва бошқаларнинг тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган³.

Ўзбекистон ССРнинг 20-йиллар охири – 30 йиллар бошларидаги раҳбарияти вакиллари Ф.Хўжаев, А.Икромов асарларида ҳам пахтачилик соҳасидаги ҳолат, унинг ривожланиш истиқболлари кўрсатилган⁴. Уларда XX аср 20-30-йилларида республикада амалга оширилган ер-сув ислоҳоти, пахта мустақиллиги учун кураш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, урушдан олдинги беш йилликлар даврида пахтачиликни янада ривожлантириш бўйича совет давлати томонидан кўрилган чора-тадбирлар баён этилган.

Р.Х.Аминова бой архив ҳужжатлари асосида республика қишлоқ хўжалиги ҳамда пахтачиликнинг ривожланиш босқичларини, умумий қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятларини, СССРнинг пахта мустақиллиги

¹ Ибрагимова А.Ю. Победа ленинского кооперативного плана в Узбекистане (1929-1933 гг.). – Ташкент: Фан, 1969. – 192 с.

² Аминова Р.Х. Осуществление коллективизации в Узбекистане (1929-1932 гг.). – Ташкент: Фан, 1977. – 312 с.; Она же. Победа колхозного строя в Узбекистане (1933-1940 гг.).-Ташкент: Фан, 1981.-292 с.

³ Шарипов А. Победа колхозного строя в Бухарской области. – Ташкент, 1958; Джамалов О.Б. Развитие материально-технической базы колхозов Узбекистана. – Ташкент: 1959; Саидалиев С.С. Борьба за осуществление ленинского кооперативного плана в Узбекистане. – Ташкент: Узбекистан, 1970.

⁴ Ходжаев Ф. О важнейших задачах нашего строительства. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1934; Ўша муаллиф. Узбекистан на подъеме. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1936; Икромов А. Итоги хлопкозаготовок 1934 года. – Ташкент: Узпартиздат, 1935. – 55 с; Ўша муаллиф. Итоги борьбы за хлопок за 4 года и очередные задачи хлопкового 1933-го. – первого года второй пятилетки. Акмал Икромов. Избранные труды. Т.III. – Ташкент: Узбекистан, 1974. – С. 193-245; Охунбобоев Й. Пахта проблемаси ҳақида. Йўлдош Охунбобоев. Танланган асарлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1976. – Б. 284-292; Ўша муаллиф.

учун кураш натижаларини, пахтачилик соҳасидаги ютуқларнинг коллективлаштириш билан узвий боғлиқлигини ёритиб берган¹.

Пахтачилик тараққиётининг асоси ҳисобланган ирригация, суғориш масалалари кўплаб олимларнинг диққат марказида бўлган. Ушбу масала Совет ҳукмронлиги даврида Ф.Шамсутдинов, С.И.Батурин, А.Мамедов, Р.Игамбердиев, А.Раззоқов, А.Г.Абдунабиев ва бошқа тарихчи ҳамда иқтисодчи олимларнинг асарларида ўз аксини топган². Ирригация тарихига бағишланган адабиётларда XX асрнинг 20-30-йилларида республикада суғориш тармоқларининг юзага келиши, уларнинг ривожланиши, маҳаллий ирригация шахобчаларининг муҳандислик усулида қайта қурилиши, серсув дарёлардан янги каналлар чиқарилиб, янги ерларнинг ўзлаштирилиши, пахта экин майдонлариининг ўсиши батафсил равишда ёритилган.

XX асрнинг 80-йиллари охиридан бошлаб совет даври тарихий воқелиги ва жараёнларини холисона ёритиш тенденцияси бошланди. Бу жараён, айниқса, Ўзбекистон мустақиллиги даврига келиб фаоллашиб, янгича тус олди.

Муаммонинг ўрганишга бағишланган асарларнинг **иккинчи гуруҳини** мустақиллик йилларида ёзилган адабиётлар туркуми ташкил этади.

¹ Аминова Р.Х. Осуществление коллективизации в Узбекистане (1929-1932 гг.). – Ташкент: Фан, 1977. – 312 с.; Она же. Победа колхозного строя в Узбекистане (1933-1940 гг.). – Ташкент: Фан, 1981. – 292 с.

² Шамсутдинов Ф. Ирригация Узбекистана за 25 лет. – Ташкент: 1949; Батурин С.И. Советская ирригация Узбекистана – всенародное творение. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1954; Мамедов А.М. Русские ученые и развитие ирригации Средней Азии. – Ташкент: Узбекистан, 1965. – 164 с.; Он же. Развитие ирригации в Узбекистане. – Ташкент: 1967. – 197 с; Абдунабиев А.Г. Борьба КПСС за увеличение орошаемых земель (на примере Голодной степи). – Ташкент: Узбекистан, 1966. – 240 с; Он же. Из истории развития ирригации в Советском Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1971. Игамбердиев Р. Осуществление ленинских идей об орошении и освоении Голодной степи. – Ташкент: 1969. – 179 с.; Игамбердиев Р.С., Раззаков А.А. История мелиорации в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1978. – 180 с; – 204 с; Ирригация Узбекистана. В 4-х томах. / Я.Т.Гулямов, К.И.Лапкин, А.М.Мамедов и др.– Ташкент: Фан, 1975. Т.1. – 352 с.

А.Раззоқовнинг мустақиллик даврида ёзилган китобини мавзуга оид илк мукаммал асарлар сирасига киритиш мумкин¹. Мазкур асарда масала моҳиятига янгича ёндашишга ҳаракат қилиниб, совет ва мустақиллик даврларида пахтачилик соҳасида юз берган жараёнлар эволюцияси, унинг мураккаб ва зиддиятли характери ёритилган. 1917-1940 йилларда совет ҳукумати пахтачилик соҳасида олиб борган сиёсатнинг моҳияти, унинг пахтачиликни юксалтириш мақсадида амалга оширган чора-тадбирлари, механизациялаш, ирригациянинг ривожланиши, советлар мамлакати пахта мустақиллигининг таъминланиши, пахтачиликнинг ривожланишида коллективлаштириш сиёсатининг тутган ўрни, пахтачилик соҳаси учун тегишли мутахасис кадрларнинг тайёрланиши каби масалалар ёритилган. Бироқ китобда совет ҳукмронлиги даврида Ўзбекистон марказнинг пахта хом ашё базасига айлантирилганлиги масаласи қайд қилинмаган. Мазкур адабиётда, асосан, совет даврида фойдаланилган маълумотлар берилиб, совет давлати иқтисодий сиёсатининг мустамлакачилик характери, республика миллий бойликлари, жумладан, пахта, пахта ёғи, линтер ва бошқаларнинг ўзлаштирилишини ёритувчи қатор янги манбалар, тегишли архив ҳужжатлари муомалага киритилмаган.

Совет ҳукуматининг Ўзбекистонда амалга оширган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий сиёсати Ўзбекистон янги тарихининг “Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида” номли иккинчи китобида баён этилган². Асарда Ўзбекистоннинг совет давридаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаёти босқичма-босқич ёритилган. Унда ўзбек халқи совет мустамлакачилиги даврида босиб ўтган мураккаб ва зиддиятли йўлнинг барча ижобий ва салбий жиҳатларини тадқиқ қилишга ҳаракат қилинган. Лекин унда 1917-1940 йилларда пахтачиликнинг

¹ Раззоқов А. Ўзбекистонда пахтачиликнинг тарихи (ўтмиш ва ҳозир). – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 302 б.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлачилиги даврида / М.Жўраев, Р.Нуруллин, С.Камолов ва б. Таҳрир ҳайъати А.Азизхўжаев ва б. –Тошкент: Шарқ, 2000. – 688 б.

ривожланиши масаласи қисқа тарзда, умумий равишда баён этилган. Жумладан, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида пахта монополиясининг жорий қилиниши, хусусий хўжаликлардаги пахта захираларининг мусодара қилиниши ва марказга юборилиши, Иттифоқнинг пахтачилик соҳасида хорижга қарамлигини тугатиш каби муҳим масалалар ёритилмаган. Шу билан биргаликда, 20-30-йилларда пахтачиликни ривожлантириш мақсадида фан-техника ютуқларининг татбиқ қилиниши, янги ҳосилдор, узун толали навларнинг яратилиши каби жараёнлар моҳияти очиб берилмаган.

Мустақиллик шароитида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида яратилган “Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши” монографияси тарихий воқелик ва жараёнларни бир томонлама қоралаб ёзишдан воз кечиб, унинг моҳиятини холисона тарзда ёритганлиги билан ажралиб туради¹. Монографияда шу вақтгача илмий истеъмолга киритилмаган кенг кўламли архив ҳужжатлари, вақтли матбуот материалларини ўрганиш асосида Россия империяси ва совет ҳукмронлиги даврида ҳукм сурган Туркистон ўлкаси ва Ўзбекистоннинг иқтисодий, табиий ва маданий бойликлари, жумладан, пахтани ташиб кетиш жараёни таҳлил қилинган. Айни пайтда, маданият ва иқтисодий соҳалардаги ютуқлар кўрсатилган. Шу билан бирга, монографияда кенг қамровли масалалар тадқиқ қилингани сабабли совет даврида пахтачиликнинг ривожланиши ва уни марказга ташиб кетиш жараёни деярли ёритилмаган.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда коллективлаштириш ва кулоқлаштиришнинг фожеали оқибатларини ёритиш имконияти вужудга келди. Мазкур мавзуни биринчилардан бўлиб Р.Х.Аминова,

¹ Тарих – шоҳидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши / Н.А.Абдурахимова, Д.А.Алимова, А.А.Голованов, И.А.Алимов ва б. Масъул муҳаррир: Д.А.Алимова. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 464 б.

А.А.Голованов, Р.Шамсутдинов, И.М.Саидовлар ўз асарларида янгича ёндашув, миллий истиқлол мафкураси асосида ёритдилар¹. Бу асарларда совет давридаги тадқиқотлардан фарқли ўларок, колхозлаштириш, кулоқлаштириш масалаларини ёритишда синфийлик, партиявийлик тамойилларидан воз кечилган, холислик, илмийлик, тарихийлик тамойилларига риоя қилинган. Р.Шамсутдинов асарларида бошқа муаллифлар тадқиқотларига нисбатан коллективлаштириш жараёни кенг ва чуқур ўрганилган, пахта учун кураш ниқобидаги кулоқлаштириш жараёни атрофлича ёритилган. Р.Шамсутдинов совет даврида мутлақо тадқиқ қилинмаган кулоқларнинг сургун қилиниши тарихини Украина, Шимолий Кавказ, Россия Федерацияси давлат архивлари ҳужжатлари асосида илк бор кенг баён этишга эришди. Р.Х.Аминованинг “Ўзбекистон совхозлари тарихи. 1917-1960 йиллар” номли асарида пахтакор совхозларнинг ташкил қилиниши ва фаолияти кенг баён этилган². Асарда совхозлар моддий-техника базасининг ривожланиши, совхоз кадрларини тайёрлаш масалалари батафсил ёритилган.

А.Абдуллаевнинг монографиясида совет даврида олиб борилган сиёсат пахта яккахокимлигини ривожлантиришга қаратилганлиги, унинг салбий оқибатлари ўрганилган. Китобда пахта яккахокимлиги муаммоси 1917-1991 йиллар даврий чегарасида кўплаб илмий манбалар, архив ҳужжатлари ва статистик маълумотлар асосида батафсил ёритилган³. Мустақиллик даврида Ўзбекистон тарихи бўйича, жумладан, совет даври тарихини ҳам ёритган мактаб, коллеж ўқувчилари, университетлар

¹ Аминова Р.Х. Коллективизация в Узбекистане: как это было? // Коммунист Узбекистана, 1989. – № 9; Она же. Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1995. – 85 с; Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. – Ташкент: Фан, 1992; Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 368 б; Ўша муаллиф. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Тошкент: Шарқ, 2003. – 544 б; Голованов А.А., Саидов И.М. Дехканство Узбекистана на историческом повороте второй половины XIX – первой трети XX вв.- Самарканд: Сам ГУ, 2007. – 383 с. Саидов И.М. Проблемы взаимоотношений рабочего класса и дехканства Узбекистана в ходе аграрных преобразований в 30-е годы. Самарканд: Суғдиёна, 1993г 203 с.

² Аминова Р.Х. История совхозов Узбекистана. 1917-1960 гг. Опыт, проблемы, уроки. – Ташкент: Фан, 1993. – 248 с.

³ Абдуллаев А. Пахта яккахокимлиги: оқибат ва сабоқлар (1917-1991 йиллар). – Тошкент: 2006.

талабалари учун ёзилган дарсликлар, илмий асарлар чоп этилган¹. Уларда Ўзбекистон тарихининг бошқа масалалари билан бир қаторда XX асрнинг 20-30-йилларида пахтачиликнинг тикланиши ва ривожланиши масаласи ҳам умумий тарзда берилган.

Шундай қилиб, муаммонинг ўрганилганлик даражасини умумий тарзда таърифлаб, шуни қайд қилиш лозимки, ўтган давр ичида илмий-назарий билимлар ва фактик материаллар йиғилган, совет давридаги пахтачилик тарихига оид кўплаб асарлар ёзилган. Лекин бу асарларда, жумладан, совет даврида муаммога коммунистик мафкура таъсирида ёндашилгани учун пахтачилик тарихи ҳолисона ёритилмаган, айрим масалалар, хусусан, Ўзбекистоннинг метрополия хом ашё базасига айлантирилиши, етиштирилган пахтанинг марказга ташиб кетилиши ва бошқалар очиб берилмаган. Истиқлол йилларига келиб эса пахтачилик тарихи янгича ёндашув асосида тадқиқ қилина бошланди. Бироқ Ўзбекистоннинг марказ пахта хом ашё базасига айланиши ва унинг деҳқонлар ҳаётига салбий таъсири муаммоси ҳозиргача махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Муаммонинг етарли даражада ўрганилмагани ва долзарблигини ҳисобга олиб, уни номзодлик диссертацияси мавзуси қилиб танладик.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасидан ўрин олган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Диссертациянинг асосий мақсади совет даврида – 1917-1940 йилларда Ўзбекистоннинг метрополия

¹ Ўзбекистон тарихи (1917-1993 йиллар). / Р.Я.Ражабова, К.Оқилов, И.А.Алимов ва б.; Масъул муҳаррир А.А.Асқаров. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. / Р.М.Абдуллаев, С.С.Агзамходжаев, И.А.Алимов и др; руководитель проекта Д.А.Алимова. – Ташкент: Шарқ, 2000. – 672 с; Ўзбекистон тарихи (олий ўқув юртларининг номутассислик факультетлари талабалари учун дарслик. / Р.Х.Муртазаванинг умумий таҳрири остида, масъул муҳаррирлар Б.Эшов, М.Ҳайдаров. –Тошкент: ЎАЖБНТ маркази, 2003. – 675 б. Ўзбекистон тарихидан материаллар. – Андижон, 2004;

пахта хом ашё базасига айлантирилиши ва унинг деҳқонлар ҳаётига салбий таъсирини тарихий адабиётлар ва архив ҳужжатлари асосида таҳлил қилишдан иборат. Диссертация олдига қўйилган мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги **вазифаларни** ҳал қилиш кўзда тутилган:

- Туркистонда Октябрь тўнтаришидан кейинги пахтачиликнинг ҳолати, пахта монополиясининг жорий қилинганини очиб бериш;
- пахтачиликни тиклаш ва ривожлантириш мақсадида совет ҳукумати томонидан қўрилган тадбирларни ёритиш ва унинг мустамлакачилик моҳиятини очиб бериш;
- пахтачиликнинг тикланиши, ривожланиши ва пахта хом ашёсининг марказга ташиб кетилишини архив ҳужжатлари асосида кўрсатиш;
- СССРда пахта мустақиллигининг таъминланиши ва Ўзбекистон Иттифоқнинг асосий пахта етиштирувчи республикасига айланиши жараёнини ёритиш;
- мажбурий коллективлаштириш ва совет органлари томонидан колхозларда зўравонлик билан пахта монокультурасининг жорий қилиниши масаласини таҳлил қилиш;
- республиканинг пахта хом ашё базасига айланиши, пахта яккаҳокимлигининг авж олиши, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг камайиши ва уларнинг деҳқонлар ҳаётига салбий таъсирини тадқиқ қилиш;
- мавзуга оид манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида хулосалар чиқариш, амалий таклиф ва тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг манбавий асослари. Мавзуни ёритиш жараёнида йигирмадан ортиқ архив фондлари материаллари илк бор илмий муомалага киритилган. Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг 17, 25, 29, 36, 44, 86, 88, 90, 111, 112, 192, 196, 197, 215, 218, 295, 296, 301, 474, 775, 837-фондлари, Фарғона вилояти давлат архивининг 121, 127-фондлари, Андижон вилояти давлат архивининг 230-фонди,

Самарқанд вилояти давлат архивининг 47-фонди материалларидан фойдаланилган.

Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитети (17-фонд), Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети (25-фонд), Ўзбекистон МИК (86-фонд) ва Ўзбекистон ХКС (837-фонд) архив фондларида Туркистон ва Ўзбекистон ССР олий ҳокимият ва давлат бошқарув органларининг пахтачиликка оид декретлари, қарорлари ва уларнинг бажарилишига оид маълумотлар мавжуд. Туркистон АССР Зироатчилик халқ комиссариати (29-фонд), Ўзбекистон зироатчилик халқ комиссариати (90-фонд) архив фондларида пахтачиликнинг тикланиши ва ривожланишини ёритувчи ҳисоботлар, статистик маълумотлар, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш тўғрисида ахборотлар мавжуд.

Туркистон АССР Зироатчилик халқ комиссариати қошидаги Сув хўжалиги бошқармаси (218-фонд) архив фондида Ўзбекистон дарё ва сойларида ирригация иншоотларининг қурилиши, янги ерларнинг ўзлаштирилиши, ирригациянинг ҳолати ва ривожланиш истикболлари, суғориладиган экин майдонлари, жумладан, пахта экин майдонларининг кенгайиши ҳақида ҳисоботлар, маърузалар, статистик материаллар сақланган. СССР Бош пахта комитети (473-фонд), Туркистон АССР ХКС қошидаги Туркистон пахта комитети (111-фонд), СССР Бош пахта комитетининг Ўрта Осиёдаги вакили бошқармаси (112-фонд) архив фондларида республикада пахтачиликнинг ривожланиши, жумладан, Ўзбекистонга саноат моллари, озиқ-овқат маҳсулотларининг келтирилиши, пахтакор хўжаликларни, колхоз, совхозларни янги техника, минерал ўғитлар билан таъминлаш, пахта ҳосилдорлиги ва ялпи маҳсулотининг ўсиши, пахта толасининг марказга ташиб кетилиши тўғрисида Бош пахта комитетининг йиллик ҳисоботлари, баённомалари, қарорлари, ёзишмалари ва бошқа ҳужжатлар кўплаб учрайди.

Диссертацияни ёзиш жараёнида даврий матбуот материалларидан ҳам фойдаланилди. Уларга “Иштирокиюн”, “Наша газета”, “Экономическая жизнь”, “Қизил Ўзбекистон”, “Узбекистанская правда”, “Правда Востока” газеталарида, “Хлопковое дело”, “Борьба за хлопок”, “За реконструкцию сельского хозяйства”, “Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана” журналларида эълон қилинган ахборотлар, расмий ҳужжатларни киритиш мумкин. Газета ва журналларда ҳар йилги пахта экин ва кузги пахта терими кампаниялари якунлари, эришилган ютуқлар, пахтакорларнинг машаққатли меҳнати, пахтачиликни механизациялаш, мелиорациялаш, химиялаштириш, ирригацияни ривожлантириш, янги пахта навларини яратиш масалалари бўйича батафсил маълумотлар баён этилган.

Шунингдек, ишда эълон қилинган ҳужжатлар тўпламларидан¹, республика раҳбарларининг танланган асарларидан² кенг фойдаланилган.

Тадқиқот объекти ва предмети. Совет даврида Ўзбекистоннинг пахта хом ашё базасига айлантирилиши ва унинг деҳқонлар ҳаётига салбий таъсирини 1917-1940 йиллар мисолида таҳлил этиш тадқиқот объекти ва предмети сифатида танлаб олинган.

Диссертациянинг назарий ва услубий асослари. Тадқиқотнинг етакчи илмий концепцияси умуминсоний қадриятларга йўғрилган илмий билиш методлари, холислик, тарихийлик тамойиллари ва миллий истиқлол мафкураси ҳисобланади.

¹ Социалистическое переустройство сельского хозяйства Узбекистана (1917-1926 гг.). Сборник документов. – Ташкент: Издательство АН УзССР, 1962; Подготовка условий сплошной коллективизации сельского хозяйства Узбекистана (1927-1929 гг.). Сб. документов. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1961; Сплошная коллективизация сельского хозяйства Узбекистана (1930-1932 гг.). Сб. документов. – Ташкент: Узбекистан, 1980; Организационно-хозяйственное укрепление колхозов Узбекистана (1933-1940 гг.). Сб. документов. – Ташкент: Узбекистан, 1983; Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. Т. I-III. Сост: Р.Т.Шамсутдинов, Б.М.Расулов. Под ред. Д.А.Алимовой. – Ташкент: Шарк, 2006.

² Акмал Икрамов. Избранные труды. В трех томах. – Ташкент: Узбекистан, 1969-1974; Йўлдош Охунбоев. Танланган асарлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1976; Файзулла Ходжаев. Избранные труды. В трех томах. – Ташкент: Фан, 1968-1973.

Методологик ёндашувдан келиб чиққан ҳолда асосий методлар сифатида таҳлил (текшириш объектини фикран таркибий қисмларга ажратиб тадқиқ қилиш методи) ва синтез (тарихий ҳодисаларнинг таркибий қисмларини ўзаро узвий боғланишда олиб ўрганишдан иборат тадқиқ қилиш методи), индукция (айрим фактлардан умумий хулосалар қилиш) ва дедукция (умумий ҳолатдан хусусий ҳолатга ўтиб мулоҳаза юритиш), тарихий-қиёсий, муаммоли-даврий ва тарихий-тизимли методлардан фойдаланилган. Тадқиқотнинг методологик асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг асарларида илгари сурилган концептуал, методологик характердаги ғоя ва фикрлар муҳим роль ўйнади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- биринчидан, совет ҳукмронлиги даврида ёзилган асарларда пахтачилик тарихи сохталаштирилган тарзда баён этилиб, Ўзбекистоннинг пахта хом ашё базасига айлантирилиши, пахта хом ашёсининг Ўзбекистондан марказга ташиб кетилгани “социалистик мажбурият”, “социализм ғояларига содиқлик”, “ягона халқ хўжалигининг муҳим бўғини” деб талқин қилинган;

- иккинчидан, яратилган асарлар коммунистик мафкура руҳида бўлиб, уларда пахтачиликни ривожлантиришда коммунистик партия ва совет ҳукуматининг роли бўрттириб кўрсатилган, мустамлакачилик сиёсати, пахта яккаҳокимлигининг оқибатлари, деҳқонлар ҳаётига салбий таъсири очиқ берилмаган;

- учинчидан, мустақиллик йилларида совет ҳукуматининг пахтачилик соҳасидаги сиёсати миллий истиқлол мафкураси нуқтаи назаридан тадқиқ этила бошланди. Бироқ биз танлаб олган мавзу тўлиқ акс эттирилган илмий тадқиқот ҳозирча яратилмаган.

Ишнинг илмий янгилиги. Диссертацияда илк бор совет ҳукмронлиги даврида Ўзбекистоннинг пахта хом ашё базасига

айлантирилиши ва унинг деҳқонлар ҳаётига салбий таъсири ўрганилган. Илгари республикада пахтачиликни ривожлантириш учун қўрилган тадбирлар совет ҳукумати ва коммунистик партиянинг “ўзбек халқига кўрсатган беғараз ёрдами” деб баҳоланган бўлса, диссертацияда бу тадбирлар ўзбек халқига эмас, аксинча, биринчи навбатда, марказ манфаатларини кўзлаб, марказдаги тўқимачилик саноатини пахта билан таъминлаш мақсадида қилинган ишлар эканлиги архив манбалари асосида очиб берилган. Муаллиф диссертация мавзусини ёритишга холис ёндашган, совет ҳукумати пахтачилик соҳасини ривожлантириш борасида кўрган чора-тадбирларнинг салбий ва ижобий томонлари очиб берган. Диссертацияда эришилган муҳим илмий янгиликлар қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

- Ўзбекистон ҳудудида 1917 йилги Октябрь тўнтаришидан кейин, 1918 йил февралда пахта монополияси эълон қилингани, ўлкадаги барча пахта захиралари мусодара қилингани, эгаси қаршилик кўрсатса жойида отишгача бўлган чоралар қўрилгани кўрсатилган;

- тадқиқ қилинган даврда марказнинг биринчи галда ўз манфаатини кўзлаб Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш мақсадида ирригация соҳасини ривожлантириш учун катта ҳажмдаги маблағлар ажратгани, магистрал ариқлар, каналлар, насос станциялари қурилгани, мелиоратор кадрлар тайёрлангани, соҳанинг механизациялаштирилгани, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун коллектор-дренаж шахобчалар тармоғи бунёд этилгани, натижада суғориладиган ерлар ва пахта экин майдонларининг ортиб бориши масалалари батафсил ёритилган. Ўзбекистонда ирригация ва мелиорация соҳасидаги тадбирлар Марказнинг манфаати учун бажарилган бўлса ҳам, СССРдаги илғор фан ва техника ютуқларининг бу тармоққа жорий қилиниши, илмий тадқиқот ишларининг ривожлантирилиши ижобий аҳамият касб этганлиги қайд қилинган;

- совет давлати Ўзбекистонда пахта етиштиришни кўпайтириш, марказдаги тўқимачилик саноатининг пахтага бўлган талабини тўла қондириш мақсадида Ўзбекистонда пахтачиликни химиялаштириш, механизациялаш, турли типдаги асбоб-ускуналар, трактор ва бошқаларни етказиб бериш масаласига катта эътибор бергани, Тошкент шаҳрида плуг, культиватор, сеялка ишлаб чиқарадиган “Ташсельмаш” заводи ишга туширилгани баён этилган. Шу билан бирга, Тошкент қишлоқ хўжалик заводининг қурилиши, пахтачиликнинг янги техника ва минерал ўғитлар билан таъминланиши ва бу соҳаларда илмий тадқиқот ишлари ташкил қилинганининг ижобий аҳамияти очиб берилган;

- совет ҳукумати пахтанинг серхосил, сифатли навларини яратиш, пахта етиштиришни кўпайтириш мақсадида пахтачилик бўйича илмий тадқиқот марказларини – селекция, тажриба станциялари, бутуниттифок пахтачилик ва ирригация бўйича илмий тадқиқот институтлари ташкил қилгани, селекция станцияларида таниқли рус селекционерлари Г.С.Зайцев, Е.Л.Навроцкий, С.С.Канаш ва бошқалар пахтанинг янги навларини кашф қилгани кўрсатилган. Шу билан бирга, Ўзбекистонда пахтачилик бўйича илмий марказларнинг вужудга келишининг ижобий ходиса бўлгани кўрсатилган;

- СССРнинг пахта мустақиллигини таъминлаш мақсадида совет ҳукумати Ўзбекистонда пахтачиликни янада ривожлантириш учун кенг қамровли тадбирларни амалга оширгани, пахта экин майдонлари, пахта ҳосилдорлиги ўсгани, ялпи ҳосилнинг ортгани, республика пахтакорларининг машаққатли меҳнати билан етиштирилган пахтанинг марказга ташиб кетилгани ва СССР чет эл пахтасига қарамликдан халос бўлиши кўрсатиб берилган;

- мажбурий коллективлаштириш, қулоқлаштириш амалга оширилгани, “қулоқ” хўжаликларининг катта миқдорда пахта топширишга мажбур қилингани, пахта режасини бажармаганларнинг аёвсиз

жазолангани, Украина, Шимолий Кавказ ва бошқа жойларда пахта мустақиллигини таъминлаш учун ўзбек “қулоқлари”дан фойдаланилгани, колхоз, совхозларда пахта экин майдонлари, пахта етиштиришнинг зўрлик билан кўпайтирилиши, натижада пахта якка ҳокимлиги вужудга келгани архив ҳужжатлари асосида таҳлил қилинган;

- Ўзбекистонда марказ кўрсатмаси билан пахта экин майдонларини кенгайтириш мақсадида суғориладиган ерлардан ғалла ва бошқа экинларнинг сиқиб чиқарилиши ва коллективлаштириш жараёнида чорвачиликнинг таназзулга учраши туфайли деҳқонларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги қийинчиликлар, Ўзбекистон пахта хом ашё базасига айлантирилишининг деҳқонлар ҳаётига салбий таъсири бирламчи манбалар асосида очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, 1917-1940 йилларда Ўзбекистон пахтачилиги тарихининг тарихшуносликда ҳозиргача номаълум бўлган қирраларини, айниқса, совет даврида сохталаштирилган ва четлаб ўтилган босқичларини, пахтачилик тарихи билан боғлиқ тарихий воқеаларни тўғри ёритишда, уни тўлдириш ва аниқлик киритишда, ҳолисона баҳо беришда ёрдам беради. Диссертация материаллари пахтачилик тарихининг тадқиқ қилинган даврини янада чуқурроқ ва атрофлича тадқиқ қилиш учун имкон яратади. Диссертация ишининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқотда баён этилган фактик материаллар ва илмий хулосалардан Ўзбекистон тарихининг совет даври бўйича илмий ишлар яратишда фойдаланиш мумкин. Ушбу тадқиқот олий ўқув юртлари талабалари, академик лицей, коллежлар, умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун Ўзбекистон тарихидан дарслик, ўқув қўлланмалар тайёрлашда манба сифатида хизмат қилади. Шунингдек, университетларнинг тарих факультетлари талабалари учун диссертация

мавзуси бўйича махсус курслар ташкил қилишда ва семинарлар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертация натижаларидан Андижон давқлат унеиверситети тарих факультети талабаларига, малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази тингловчиларига “Ўзбекитон тарихи” фанидан маъруза, махсус курс ва семинар машғулотлари ўтказишда фойдаланилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация юзасидан жами 11 та иш эълон қилинган. Тадқиқотнинг асосий мазмуни, хулоса ва натижалари диссертант томонидан эълон қилинган 4 та илмий мақола ва 7 та тезисда ўз аксини топган.

1. БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ПАХТАЧИЛИКНИНГ ТИКЛАНИШИ, РИВОЖЛАНИШИ: ПАХТА МОНОПОЛИЯСИНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

1.1. Туркистонда октябрь тўнтаришидан кейин пахтачиликнинг умумий ҳолати

Биринчи жаҳон уруши туфайли оғир аҳволга тушган ўлка иқтисодиёти, айниқса, қишлоқ хўжалигининг пахтачилик соҳаси Октябр тўнтариши, большевиклар амалга оширган иқтисодий қайта қуриш, қизил армия билан истиқлолчилар ўртасидаги қуролли курашнинг кучайиши натижасида чуқур таназзул домига тортилди.

Октябр тўнтариши натижасида ўрнатилган совет ҳокимияти Туркистон халқларининг озодлик, ҳамда ҳуррият тўғрисидаги асрий орзу-истакларига чек қўйди. Ўлкада ўрнатилган совет ҳокимияти деярли барча соҳаларда Россия империясининг мустанлакачилик сиёсатини амалда бошқача шакл ва кўринишда давом эттирди. Туркистонлик жадиидларнинг

большевиклар эълон қилган “миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлиш” йўлидаги саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ ташкил топган РСФСР таркибидаги Туркистон мухторияти Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети томонидан қуролли йўл билан тор-мор этилди¹. Тинч йўл билан эркинлик, озодликни қўлга киритиш мумкин эмаслигига ишонч ҳосил қилган маҳаллий халқ вакиллари большевиклар режимига қарши қуролли кураш бошладилар.

Совет ҳукумати томонидан Туркистон Мухториятининг зўравонлик билан тор-мор қилиниши ерли аҳолининг совет ҳокимиятига нисбатан норозилик кайфиятини янада кучайтирди. Натижад ўлка халқлари советларга қарши эркинлик ва мустақиллик учун курашни бошлади.

Биринчи жаҳон урушида йўқотилган ишчи кучлари, истиқлолчиларнинг қизил армия ва советларга қарши қуролли кураши ҳамда советлар томонидан “ҳарбий коммунизм” сиёсатининг амалга оширилиши оқибатида Туркистон қишлоқ хўжалиги чуқур таназзулга учради. Натижада, барча деҳқон хўжаликлари хонавайрон бўлди. Деҳқонлар, жумладан, пахтакорларнинг қашшоқлашиш даражаси ошиб кетди. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг кун кечириш учун зарур бўлган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминоти йўқ даражага тушиб қолди. 1917-1918 йилларда очарчилик ҳолати ўлкада ўзининг юқори чўққисига етди. Унинг қанчалик кенг кўламда бўлганлигини Туркистон АССР озиқ-овқат комиссарининг 1918 йил 15 майдаги телеграммасидаги хабардан ҳам билиш мумкин. Унда “Туркистон очарчилигининг даҳшати Марказий Россиянинг ҳар қандай очарчилигини босиб, ўтиб кетади. Кўп шаҳар ва қишлоқларда очдан ўлганларни йиғиштиришга одам йўқ. Фарғона вилояти очарчилик оқибатлари билан кураш комиссиясининг маърузасида таъкидлаб ўтадики, очарчилик йиллари аксарият очлар

¹ Агзамходжаев С. История Туркестанской автономии: (Туркистон мухторияти). – Ташкент: Тошкент ислом университети, 2006. – С. 262.

сунъий, ясама овқатлар, кўкатлар билан овқатлангани натижада болаларда ўлим ортган. Шаҳарлар очлар билан тўлиб тошган, улар кўпинча масжид ва қабристонларда туришади, шунингдек, кўчаларда ағанаб ётади. Буларнинг ҳаммаси очликдан, бор бисотидан маҳрум бўлишдан қочган маҳаллий аҳоли”¹.

Умуман, Туркистон ўлкаси бўйича очарчилик 1млн 200 минг кишини қамраб олган. Аҳоли рўйхатига кўра, фақат 1917-1920 йилларда республика аҳолиси 1 млн.дан ортиқ кишига, яъни тахминан бешдан бир қисмга камайган¹.

Тарихдан маълумки, оғир табиий шароитларда ҳам ҳосил олиб халқни боқа олган деҳқонлар оммасига таянган Туркистон халқлари оммавий очарчилик азобини кўрмаган. Тўғри оддий халқнинг қашшоқ қисми, мавжуд бўлган, аммо ўлка тарих учун арзимас бир неча йилда юз минглаб аҳолининг очликдан қирилиб кетишини бошдан кечирмаган эди.

Очарчилик, қизил армияга қарши қуроли ҳаракат туфайли далаларда пахтачилик, бошқа экинларни етиштириш билан шуғулланадиган деҳқонлар сони кескин камайиб кетди. Бундан ташқари, вайрон бўлган қишлоқларда ерни ҳайдаш, унга ишлов бериш учун фойдаланиладиган деҳқончилик асбоб-ускуналари, от-хўкизлар деярли қолмади. Буларнинг ҳаммаси, умуман, қишлоқ хўжалиги, жумладан, пахтачилик соҳасининг ҳам орқага кетишига асосий сабаблардан бири бўлди.

РСФСР ҳукумати октябр тўнтаришининг дастлабки кунларидан бошлаб Россия марказидаги тўқимачилик фабрикаларини пахта хом ашёси билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берган. Пахтачилик тармоғини бошқариш РСФСР Олий халқ хўжалик кенгашига (ОХХК)

¹ Голованов А.А., Саидов И.М. Дехканство Узбекистана на историческом повороте второй половине XIX-первой трети XX вв. – Самарканд: 2007. – С. 89.

¹ Семенюта В.А. Опыт решения продовольственного вопроса в Туркестане в первые годы Советской власти (1917-1920 гг.). Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент: 1991. – с. 17.

юкланган. ОХХК, биринчи навбатда, пахта давлат монополияси эканлигини барчага маълум қилишни зарур деб ҳисоблади. 1918 йил 12 январда РСФСР ОХХК “Пахтачилик ишларини монополияга айлантириш тўғрисида” қарор қабул қилди. Қарорда таъкидланишича, пахтачилик ва пахта савдоси билан боғлиқ барча масалалар фақат давлат монополияси ҳисобланди. Шунингдек, ўша вақтда мамлакатда мавжуд бўлган пахта захираларининг барчаси давлат мулкига айлантирилганлиги эълон қилинди.

“Пахтачилик ишларини монополияга айлантириш тўғрисида”ги қарорда, жумладан, шундай дейилган:

“3. Банкларда мавжуд бўлган пахтанинг накладной (пахта тойи ёки оғирлиги тўғрисидаги ҳужжат)ларига бўлган ҳуқуқ давлатга ўтади ва накладнойларнинг ўзи омборхоналар, темир йўл, пристань (кемалар тўхтайдиган жой) ва бошқа жойлардан дарҳол олиш ҳамда фабрикаларга тарқатиш учун “Центрохлопок” ташкилоти ихтиёрига берилади...

5. Кўрсатилган накладнойлар билан “Центрохлопок” олган барча пахта давлат мулки деб ҳисобланади ва “Центрохлопок” уни фабрикаларга нақд пулга ёки шу пахтадан тайёрланадиган газмол ҳисобига қарзга сотади. Пахта қарзга берилган фабрикалар идораларига “Центрохлопок” вакили киритилади.

6. Давлат монополиясини ва пахта савдосини тайёрлаш учун ислоҳ қилинган “Центрохлопок” Россияга пахта жўнатиш, сотиб олиш ва тозалаш бўйича идора ташкил қилиш учун Туркистонга ўз вакилларини жўнатиши даркор”¹.

1918 йил 24 мартда совет ҳукумати раиси В.И.Ленин раислигида ўтган комиссия мажлисида алоҳида расмий “пахта дастури” тасдиқланди ва Туркистон республикасига жўнатиладиган масъул ходимлар таркиби

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви. 473-фонд., 1-рўйхат, 194-йиғма жилд, 147-варақ. (Бундан кейин ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 194-йиғма жилд, 147-в.).

белгиланди. Унга большевиклардан В.С.Смирнов, Н.И.Сундатов, А.И.Лацис, В.Г.Гофмайстер, И.А.Севастьяновлар киритилди¹. Марказнинг Ленин ишонч билдирган, Туркистонда пахта монополиясига раҳбарлик қила оладиган вакиллари 1918 йилнинг иккинчи ярмида Тошкентга етиб келди. Улар Ленин топшириғини бажариш, совет давлати манфаатларини ҳимоя қилиш, “давлат мулки” деб эълон қилинган пахта заҳираларини аниқлаш ва Россияга жўнатиш масалаларини биринчи даражали вазифа деб қарадилар.

Совет ҳукумати ўрнатилгандан кейинги дастлабки йилларда Туркистон ўлкасининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳолати мураккаб ва зиддиятли тарзда кечаётган эди. Шунга қарамасдан, РСФСР ҳукумати ўлкада пахта етиштириш ва уни ташиб кетишни биринчи даражали масала сифатида қаради. Бундан кўзланган асосий муддао Россия тўқимачилик саноатини пахта билан таъминлаш, қизил армия ва ишчиларнинг кийим-кечакка бўлган эҳтиёжини қондириш эди. Шу мақсаддан келиб чиқиб, РСФСР ОХХКнинг “Пахтачилик ишларини монополияга айлантириш тўғрисида”ги қарори асосида Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети раиси Ф.Колесов 1918 йил 26 февралда “Ўлкадаги пахтани мусодара қилиш тўғрисида”ги декретни тасдиқлади. Декретда “Ҳозирги кунда Туркистон ўлкасида мавжуд бўлган барча пахта, қандай кўринишда, қайси жойда бўлишидан қатъи назар, мусодара қилинади ва давлат мулки деб эълон қилинади. Барча советлар, темир йўл комитетлари бу декретни амалга ошириш, барча пахтани темир йўл станцияларига олиб келиш ва дарҳол Тошкент станциясига жўнатиш учун ўз вакилларини ажратади. Мабодо эгалари қаршилиқ кўрсатса, жойида отиш чоралари кўрилсин”², дея таъкидланган эди. Пахтани мусодара қилиш тўғрисидаги декретни амалга ошириш учун Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлар Совети

¹ Тарих шохидлиги ва сабоқлари: Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 220.

² Наша газета. 28 февраля 1918 г.

ҳузурида пахта бўлими ташкил қилинди¹. Пахта бўйича комиссар қилиб Шмидт тайинланди ва шу мақсадда у Халқ Комиссарлар Совети таркибига киритилди.

Туркистон ўлкаси пахта бўйича комиссари пахтани мусодара қилиш тўғрисидаги декретни амалга оширишга фаол киришиб, барча пахта заводлари, хусусий омборлар, банк омборлари, транспорт ва суғурта жамиятларидаги барча кўринишдаги пахта, чигит, пахта ёғи, совунларни ҳисобга олишни, уларнинг миқдори, нави, кимга тегишли экани ва бошқаларнинг аниқ кўрсатилишини талаб қилган². Бу вазифа пахта заводи комитетлари, пахта, ёғ, совун заводларининг ишчи ва ходимлар касаба уюшмаларига юкланган эди. 1918 йил 10 мартда пахта бўйича комиссарнинг деҳқонларга пахта экишда ёрдам тадбирлари тўғрисидаги фармойиши эълон қилинди. Мазкур ҳужжатда пахта заводи комитетлари ҳамда пахта, ёғ, совун заводларининг ишчи ва хизматчилари касаба уюшмалари бўлимларига деҳқонларга биринчи нав уруғлик чигитини сотишга рухсат берилган. Бу уруғликни пахта топширганларга ёки нақд пулга бериш мумкин, деб кўрсатилган. Шунингдек, пахта заводи комитетларига туйилган кунжарани пахта далаларини ўғитлаш учун деҳқонларга сотиш ҳуқуқи берилган. Бундан ташқари, “деҳқонларда нақд пул бўлмаса, уруғлик чигит ва кунжарани куз мавсумидаги пахта ҳисобидан қарзга берилсин”, деб кўрсатма берилган³.

Совет ҳукумати Туркистон пахтасини марказга ташиб кетиш масаласига алоҳида эътибор берган. РСФСР Халқ Комиссарлари Совети 1918 йил 9 апрелда тўқимачилик саноатини пахта билан таъминлаш учун оборот (айланма) маблағ ажратиш тўғрисида декрет қабул қилди. Декретда “Олий халқ хўжалиги совети ҳузуридаги Пахта билан таъминлаш комитетига Ўрта Осиёдан пахта сотиб олиш ва темир йўл орқали жўнатиш

¹ ЎзР МДА, 25-ф., 1-р., 35-йиғма жилд, 99-в.

² ЎзР МДА, 25-ф., 1-р., 49-йиғма жилд, 19-в.

³ Наша газета. 10 март 1918 г.

бўйича ташкилий харажатлар учун давлат хазинасидан 250500 рубль ажратилсин ва уни нақд пул билан дарҳол берилсин”, дея таъкидланган. Пахтани Россиянинг Европа қисмига ташиш ва сотиб олиш масалалари учун Пахта билан таъминлаш комитетига давлат хазинаси маблағларидан 502424500 рубль маблағ ажратишга қарор қилинган¹.

1918 йил 11 апрелда Тошкентда “Центрохлопок” ташкилотининг бўлими очилган. Бу бўлим Туркистонда пахта монополиясини ҳаётга тадбиқ қилиш, пахтани сотиб олиш, тозалаш, транспортда марказга жўнатиш ва асосийси - пахта экин майдонларининг камайишига қарши курашиш масалалари билан шуғулланган. 1918 йил пахта экин кампанияси даврида эса пахтакорларга ун, буғдой ва газмол бериш режалаштирилган². Албатта, бу кўрсатмалар декларатив моҳиятига эга бўлиб, хом ашё талабида бўлган совет давлати учун меҳнаткаш омманинг иқтисодий аҳволи ҳақиқий қизиқиш уйғотмас эди.

Туркистонда мусодара қилинган катта миқдордаги пахта хом ашёси Россия тўқимачилик саноатига тинимсиз равишда жўнатиб турилди. 1918 йилда Оренбург ва Красноводск темир йўллари орқали марказга 1310 вагон пахта толаси юборилган. 1919 йил январь-май ойларида Оренбург йўналиши бўйича 443 вагон пахта толаси юборилган. Июнь ойида эса Красноводск йўналиши бўйича 131 вагон ва Оренбург йўналиши бўйича 549 вагон пахта толаси жўнатилган. Шунга мос равишда июлда 389 вагон ва 1149 вагон, августда 405 вагон ва 814 вагон, сентябрда 197 вагон ва 795 вагон, октябрда 389 вагон ва 189 вагон, жами 1919 йилда Красноводск йўналиши бўйича 1504 вагон, Оренбург йўналиши бўйича 3939 вагон пахта толаси совет ҳукумати кўрсатмаси билан марказий ҳудудларга ташиб кетилган³.

¹ Декреты Советской власти. – М., 1959. Т.2. – С. 73-74.

² ЎзР МДА, 25-ф., 1-р., 49-йиғма жилд, 187-в.

³ Қаранг: Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924 йй). -Тошкент: Университет, 2002. – Б. 99; Очерки хозяйственной жизни Туркесреспублики. - Ташкент: 1920. – С. 117-120.

1920 йилда 1919 йилга нисбатан бир ярим баробардан ортиқ пахта толаси олиб кетилган. Россия марказий хуудлари тўқимачилик фабрикалари учун 1920 йилда Туркистондан темир йўл орқали 8565 вагондан иборат 4 млн. 283 минг пуд пахта толаси юборилган. Бундан ташқари, 1919 йилда 3 млн. 150 минг пуд ва 1920 йилда 2 млн. 728 минг пуд хом пахта ҳам ташиб кетилган¹.

Совет ҳукумати марказни пахта билан таъминлашни яхшилаш, ўлкада пахта етиштиришни кўпайтириш мақсадида Туркистоннинг пахтакор деҳқонларига кенг истеъмол молларини етказиб бериш масаласига алоҳида эътибор берган. РСФСР Халқ Комиссарлар Совети 1920 йил 24 февралда Туркистон пахтакорларига шошилиш равишида газмол ортилган поезд жўнатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда Туркистонда пахта экин майдонларини кенгайтириш мақсадида 3 млн. аршин* газмол, 1 мингта гросс** ип юклаш учун тезда махсус поезд тузиб жўнатиш кўзда тутилган. Ушбу поездни тузиш Тверь ип-газлама фабрикалари бошқармасига топширилган. Поезд 25 та товар вагони, 3 та нефт ёқилғиси учун цистерна, 1 класс вагони ва 2 та иситилувчи вагон, жами 31 та вагондан иборат эди. Қарорда поездни ушлаб қолиш, унга ортилган газмоллар ва нефтни мусодара қилиш нафақат фуқаро идоралари, ҳарбий идораларга ҳам ман этилиши таъкидланган. Шунингдек, қарорда “поезд Туркистондан қайтишда пахта юклаб, уни Тверь ип-газлама фабрикалари бошқармасига етказиб бериши керак”, деб қайд этилган². Худди шундай поезд 1920 йил 18 январда ҳам Туркистонга жўнатилган эди. Бу поездларни юборишдан асосий мақсад эса юқорида таъкидлаганидек, Россиянинг тўқимачилик фабрикаларига Туркистондан пахта ташиб кетиш бўлган.

¹ ЎзР МДА, 111-ф., 1-р., 940-йиғма жилд, 123-в.

* Аршин – газ, 0,711 метрга тенг узунлик ўлчови.

** Гросс - баъзи атторлик молларини, жумладан ғалтак ипни санашда – ўн икки дюжина, дюжина – ўн икки дона. Демак, гросс ип 144 та ғалтак ип.

² Декреты Советской власти. – М.: 1974. Т. – С. 520-527.

Совет ҳукумати тўқимачилик саноатининг пахтага бўлган эҳтиёжини қондиришда капиталистик дунёдан мустақил бўлишга интилиб, Туркистон ўлкаси пахтакорларининг моддий манфаатдорлигини орттириш орқали пахта етиштиришни кўпайтиришга ҳаракат қилди. 1920 йил 31 августда РСФСР Халқ Комиссарлар Совети давлатга топширилган пахта учун пахтакорларга нақд пул ёки натура билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилди¹. Қарорда Америка чигитидан етиштирилган 1 пуд пахтанинг нархи совет пулига 1260 рубль деб белгиланган. Пул тўлашдан ташқари бир десятина* ердан давлатга 50 пуд пахта топширган пахтакорларга қуйидаги натурал буюмларни бепул бериш жорий қилинган: а) ҳар десятина ерга 7 пуд уруғлик; б) 24 фунт** пахта ёғи, 2 пуд 16 фунт кунжара ва шелуха; в) 30 аршин ип-газмол; г) 9 ғалтак тикувчилик ипи; д) 30 фунт керосин; е) 40 фунт темир (мих, темирчилик материаллари); ж) 60 фунт туз; з) 50 кутича гугурт. Ушбу қарорни бажариш, пахтакорларни юқорида кўрсатилган буюмлар билан таъминлаш учун жойларда мавжуд пахта ёғидан 450 минг пуд, 1,4 млн. аршин газмол, 1 минг гросс тикувчилик ипи, 7 минг пуд керосин, 100 минг пуд темир, 150 минг пуд туз ажратиш топширилган. Лекин, уларнинг тегишли жойгача етиб келгани ҳақида эса тегишли маълумотлар учрамайди.

Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки кунлардан бошлаб, 1917 йил 26 октябрдаги “Ер тўғрисида”ги декрет асосида, ўлкадаги йирик ер эгаларининг мулклари мусодара қилина бошланган. Жумладан, 1918 йил апрелда Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлар Совети қарори билан андижонлик йирик пахта етиштирувчи мулкдор, 5 та пахта тозалаш заводининг эгаси, Россия ва чет эллар билан пахта савдосини амалга оширадиган Миркомил Мирмўминбоевнинг экин ерлари, пахта заводлари

¹ Декреты Советской власти. – М.: 1960. Т.10. – С. 286-287.

* Десятина – 1,09 гектерга тенг ер ўлчов бирлиги.

** Фунт - кадок, 409,5 граммга баравар.

ва катта миқдордаги сармояси давлат мулки деб эълон қилинган¹. 1918 йил 18 майда Самарқанд уездининг Маҳалла волости ер-сув комитети қарори билан Пинхос Абрамовнинг 130 таноб ери, деҳқончиликда ишлатадиган от-хўкизлари, асбоб-ускуналари, 64 пуд уруғлик чигити ва бошқа мол-мулклари мусодара қилинган. Шу мажлисда Суюн Абрамов, Бахритдин Шамсидинов, Довуд Комилов, Комил Шокировларнинг мол-мулклари ҳам мусодара қилинган эди².

1918 йил сентябрда Фарғона вилоятининг Марғилон волостида Обо Пинхосовнинг 218 десятинадан иборат экин ери, пахта заводи, уй-жойлари ва бошқа мол-мулклари мусодара қилинган³.

1918 йил апрелдан 1919 йил апрелигача Фарғона вилоятининг Скобелев уездида 22 нафар йирик ер эгаларининг мулки национализация қилинган эди. 12315 десятина ер, ишчи ҳайвонлар ва деҳқончилик асбоб-ускуналари ер эгаларидан тортиб олинган⁴. Андижон уездида ҳам барча европалик йирик ер эгаларининг мулклари мусодара қилинган. Фарғона вилояти ижрокоми ер-сув бўлимининг ер ислоҳоти бўлинмаси маърузасида кўрсатилишича, Андижон уездида “11 минг пуд уруғлик чигит бор. Заводларда уруғлик чигит кўп”⁵, - деган маълумот мавжуд. Йирик ер эгаларининг мулкларини мусодара қилиш бўйича Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида ҳам айрим ишлар амалга оширилди. Советлар ҳукмронлигининг дастлабки йилларидаёқ кўплаб йирик ер эгаларининг мулклари мусодара қилинган эди.

Марксизм таълимотидан келиб чиқиб, большевиклар партияси дастурида олға сурилган асосий ғоялардан бири – “синфсиз жамият” барпо этиш эди. Шу ва бошқа коммунистик ғояларни амалга ошириш мақсадида

¹ Андижон вилояти давлат архиви (АВДА), 230-ф., 2-р., 4-йиғма жилд, 42-в.

² Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917-1926 г.г.) Сборник документов. – Ташкент: 1962. – С. 63-64.

³ ЎЗР МДА, 29-ф., 3-р., 1516-йиғма жилд, 52-в.

⁴ ЎЗР МДА, 29-ф., 3-р., 1516-йиғма жилд., 86-87 в.

⁵ Ўша манба. Ўша жойда.

ҳеч қандай тайёргарлик кўрмасдан совет ҳукумати ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб, РСФСРда, жумладан Туркистонда ҳам шаҳар ва қишлоқ мулкдорлар синфларига қарши қатъий курашни бошлади. 1917 йил 26 октябрдаги “Ер тўғрисида”ги декрет асосида ўзбек қишлоқларида ҳам катта ер эгаларининг мол-мулк, ерларини мусодара қилишга киришилди. Совет органларининг бу ҳатти - ҳаракатлари маҳаллий бойлар ерларини тортиб олиб, улар асосида қишлоқ хўжалик артеллари, коммуналар ташкил қилиниши, асрлар давомида ер ва мол-мулкни муқаддас деб тушунган халқ, айниқса бойларнинг ерларини ижарага олиб кун кечираётган деҳқонларнинг норозилигини келтириб чиқарди. Бу эса советларга қарши курашаётган истиқлолчилар сафини кўпайтиришга яна бир сабаб бўлди.

Совет ҳукумати аграр сиёсатининг асосий мақсади ерга хусусий мулкчилиكنи бекор қилиш, уни умумхалқ, давлат мулкига айлантириш, якка деҳқон хўжаликларини тугатиш, уларнинг ўрнига коллектив хўжаликларни ташкил қилиш бўлган. Туркистонда дастлабки коллектив хўжаликлар 1918 йилда асосан бойларнинг национализация қилинган ерларида вужудга кела бошлаган.

Туркистон Ер ишлари халқ комиссарлиги қишлоқ хўжалигини умумлаштириш бўлимининг 1919 йилдаги хисоботида кўрсатилишича, Тошкент уездида 150 тага яқин, Мирзачўл уездида 20 та, Чимкент уездида 2 та, Перов уездида 1 та, Самарқанд уездида 200 та, Еттисув вилоятида 5-6 та, Фарғона вилоятида 50 та коммуна ва артель ташкил қилинган. Ҳаммаси бўлиб 35 минг десятина ерда 40 мингтага яқин деҳқонларни бирлаштирувчи 400-420 та коллектив хўжалик мавжуд бўлган¹.

Пахтачилик соҳасини умумлаштириш, коллективлаштириш мақсадида якка пахтакор хўжаликлар асосида пахта кооперативлари ташкил қилинди. Давлат органларига якка хўжаликлардан кўра пахта

¹ Алимов И.А. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида социалистик ўзгаришлар. – Тошкент: 1972. – Б. 26-31.

кооперативларини назорат қилиш қулайроқ эди. Кооперативлар пахта заводига пахта топшириш шарти билан заводдан аванс- қарз, уруғлик, саноат ва озиқ- овқат маҳсулотларини олар эди. 1919 йилда Туркистонда 70 минг пахтакорни бирлаштирувчи 49 пахта кооперативи бўлган.

Бу коллектив, кооператив хўжаликлар – коммуна, артель, пахта кооперативлари давлат томонидан мажбурий йўл билан ташкил қилиниб, давлат ёрдамида фаолият юритар эди. Янги иқтисодий сиёсат жорий қилинганда корхоналар, хўжаликлар хўжалик ҳисобига ўтганда деярли барча коллектив хўжаликлар, пахта кооперативлари тарқалиб кетиб, улар якка деҳқон хўжаликларига айланди.

Туркистон Республикаси ҳукумати 1918 йил 5 мартда пахта саноатини национализация қилиш тўғрисида декрет қабул қилди. Ушбу декретга асосан, хусусий мулклар, жумладан пахта тозалаш заводлари ҳам “давлат мулки” деб эълон қилинди. Партия ва хўжалик раҳбарлари капитализмни тугатиш, социализмни барпо этишга зўр бериб интилишлари билан пахта тозалаш саноатини национализация қилишни кўп ҳолларда зарур тайёргарлик кўрмай, шошма-шошарлик билан ва ҳатто ҳеч қандай иқтисодий заруриятсиз амалга оширдилар. Пахта тозалаш саноатини тартибсиз равишда жадал суръатлар билан национализация қилиш, ишлаб чиқаришни издан чиқариб, тармоқни орқага кетиш сабабларидан бирига айланган эди. Мулкдорлар синфини тугатиш сиёсатини олиб борган совет органлари мулкдорларининг мол-мулкини шундай зўравонлик йўли билан тортиб олган эдилар.

Совет ҳокимиятининг аграр сиёсати “Ер тўғрисида” ги декретининг асосий ғояси ерга хусусий мулкчиликни тугатиш ва ерни умумхалқ, давлат мулкига айлантиришдан иборат эди. Бундан назарда тутилган мақсад кишлоқда мулкдорлар синфини тугатиш, якка деҳқон хўжаликларини коллектив хўжаликларига бирлаштириш бўлган. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида большевикларнинг марксистик-коммунистик

ғояларининг амалга оширилиши, ўзбек қишлоқларида бой хўжаликлар ерларини национализация қилиниши, бу ерларда коммуна, артелларнинг ташкил қилиниши ўзини иқтисодий жиҳатдан тўлиқ самарасизлик даражасини кўрсатди.

Туркистонда пахтачиликни ривожлантириш мақсадида амалга оширган чора тадбирлари совет ҳукуматининг мафкуравий қобик ва чекланган ҳарактердаги аграр сиёсати туфайли кутилган натижани бермади. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида якка пахта хўжаликлар ўрнига шундай хўжаликларни бирлаштириб, пахта кооперативлари ташкил қилди. Тадбиркор хўжаликларнинг пахта заводлари национализация қилинди. Бу тадбирлар ҳам ўзини оқламади. Ўлкада пахтачилик тармоғи тобора орқага кета бошлади. Совет ҳукуматининг “ҳарбий коммунизм” сиёсатидан янги иқтисодий сиёсатга ўтиши натижасида пахта кооперативлари тугатилиб, давлат тасарруфига ўтказилган пахта заводларининг асосий қисми ўз эгаларига қайтариб берилди.

Хулоса тарзида таъкидлаш жоизки, октябрь тўнтаришидан сўнг Туркистонда юзага келган мураккаб сиёсий вазият, истиқлолчилар билан қизил армия ўртасидаги жанглар, Туркистон билан совет Россияси ўртасидаги иқтисодий алоқанинг узилганлиги, “ҳарбий коммунизм” сиёсати ва бошқа сабаблар туфайли пахтачилик соҳаси таназзулга юз тутиб, пахта етиштириш кескин камайиб кетди.

Совет ҳокимияти ўзининг дастлабки ҳукумронлик йилларида Туркистонда етиштирилаётган пахтани тўла мусодара қилиб, уни олиб чиқиб кетишга катта аҳамият берган. Совет ҳокимияти ўлкадаги катта ер эгалари, жумладан, пахта етиштирадиган мулкдорларнинг мол-мулкани мусодара қилган. Пахта етиштиришга ихтисослашган йирик хўжаликларни тугатиш билан совет ҳукумати ўлкада пахтачиликнинг ривожланишига катта зарар етказган. Бунинг натижасида 1920 йилга келиб ўлкада

пахтачилик соҳаси оғир аҳволга тушиб қолди. Совет давлати учун стратегик аҳамиятга эга бўлган пахта ҳом ашёсини етиштиришга улкан аҳамият бериш ва уни ривожлантириш совет Россияси олдида турган муҳим вазифалардан бирини ташкил этди.

1.2. Пахтачиликни тиклаш ва ривожлантириш борасида совет ҳукумати амалга оширган чора-тадбирлар

Совет давлати Россия империясининг ўлкани “пахта ҳом ашё базасига айлантириш, етиштирилган пахта ҳом ашёсини Россияга ташиб кетиш йўлини янги мафкуравий қобик ва ниқобида давом эттирди. Тъкидлаш жоизки, совет ҳукумати пахтачиликни ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ирригация тармоқларини тиклаш, қишлоқ хўжалик кооперациясини ривожлантириш, пахта ҳосилини кўпайтириш тадбирларини амалга оширган. Зеро, Туркистонда қишлоқ хўжалигининг, биринчи навбатда, пахтачиликнинг тикланишидан совет ҳукумати манфаатдор бўлиб, у ўлкада етиштирилган асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари – пахта, буғдой, ипак, қоракўл, тери, жун, қурук мева ва бошқалар тақдирини ҳал қилар эди. Шунинг учун қишлоқ хўжалигини тиклаш, маҳсулотни кўпайтириш мақсадида 1920 йилда марказдан Туркистонга 1234 та плуг, 128 та культиватор, 32741 та ўроқ, 66 та борона, 22 та жоди, 22 та сенокосилка (пичан ўрадиган машина), 96 та сеялка (экиш машинаси), 128 та культиватор (ерни юмшатадиган асбоб), 26 та лобогрейка (ўроқ машина), 127 та самосброска (ўрилган нарсани ўзи тўплаб кетадиган ўроқ машина), 10 та хаскаш, 388 та сепаратор (сутдан қаймоқни ажратадиган машина), 19290 та чалғи-ўроқ юборилган¹. Бу деҳқончилик асбоб-ускуналари Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Еттисув, Каспий орти вилоятлари ўртасида тақсимланган. Марказнинг маълумотига кўра, Туркистонга яна 15 мингта плуг, 2 мингта борона, 400 та терим

¹ Экономическая жизнь. 4 апреля 1921 г.

машиналари, 140 та сенокосилка, 140 от хаскаши, 75 мингта чалғи-ўроқ, 50 мингта ўроқ, 100 та молотилка (ғалла янчадиган машина) юбориш мўлжалланган.

Туркистон республикаси Зироат халқ комиссариати коллегиясининг 1921 йил 23 майдаги қарори билан экинларни экиш, ўстириш ва парвариш қилишнинг янги усуллари ташвиқот қилиш, деҳқончилик асбоб-ускуналарининг бўлиниб кетиши ва улардан мақсадга номувофиқ фойдаланишга қарши кураш мақсадида агрономия таянч пунктлари ташкил қилинди².

Россиядан келтирилган деҳқончилик асбоб-ускуналари айрим хўжаликларга тарқатилмасдан, шу таянч пунктларга берилиши кўзда тутилган. Агрономия таянч пунктлари эса уезд ер бўлимлари қошида бўлган. 1921 йил августида Туркистон республикасидаги агрономия таянч пунктлари 36 та бўлиб, жумладан, Фарғона вилоятида – 12 та, Самарқандда – 11 та, Сирдарёда – 6 та, Каспий ортида – 4 та пункт фаолият кўрсатган. Республикада деҳқонларга агрономия соҳасида ёрдам берадиган 63 та машина ижара пунктлари ва деҳқончилик асбоб-ускуналари, машиналарини таъмирлайдиган устахоналар, 13 та тажриба далалари ва станциялари бор эди³.

Деҳқонларга қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари Зироат халқ комиссариати қошидаги таъминот бошқармасининг Андижон, Самарқанд, Тошкент, Полторацк ва бошқа шаҳарлардаги қишлоқ хўжалик омборхоналари орқали сотилган. Жойлардаги омборхоналарни қишлоқ хўжалик машина ва асбоблари билан марказий омборхона таъминлаб турган. Омборхоналар деҳқончилик асбобларинининг 20% ини ер эгаларига нақд пулга сотган, 80% ини эса енгил шартлар билан маҳаллий

² ЎзР МДА, 29-ф., 2-р., 105-йиғма жилд, 2-в.

³ ЎзР МДА, 29-ф., 3-р., 2243-йиғма жилд, 4-в.

ер органлари гувоҳномаси асосида сотган ва тўлов муддатини ҳосилни йиғиб олгунга қадар чўзган⁴.

Янги иқтисодий сиёсат талабларидан келиб чиқиб, 1922 йил 24 апрелда Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлар Совети қишлоқ хўжалик машиналари, асбоб-ускуна, ўғит ва материалларга эгалик ҳуқуқи ва улар билан савдо қилишга давлат монополиясини бекор қилиб, давлат ва кооператив, шунингдек, хусусий шахсларга ҳам сотишга рухсат берилди. Зироат халқ комиссариати қошидаги таъминот бошқармаси ўрнига хўжалик ҳисобидаги Туркистон давлат қишлоқ хўжалик машиналар ва асбоблар омборхоналари бошқармаси – Туркгоссельсклад ташкил қилинди⁵.

Туркгоссельсклад 1922 йилда ҳаммаси бўлиб 67 минг рублга, бошқа кооператив ташкилотлар 15 минг рублга деҳқончилик асбоблари сотган. 1915 йилда эса 1200 минг рублга деҳқончилик асбоб-ускуналари сотилган⁶. Кўриниб турибдики, 1922 йили 1915 йилга нисбатан деҳқонларга асбоблар 15 маротабага яқин кам сотилган. Деҳқончиликнинг моддий-техника базасини реконструкция қилиш, деҳқонларнинг анъанавий меҳнат қуролларини янги қишлоқ хўжалик техникаси билан алмаштириш пахтачиликнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этди. Бу ишга, айниқса, 1921 йилдан бошлаб алоҳида эътибор берила бошлади. Агар 1918-1920 йилларда Ўрта Осиёда деҳқонларга атиги 64 та борона, 173 та сеялка, 571 та культиватор ва 375 та плуг берилган бўлса, 1921-1925 йиллар мобайнида қишлоқ аҳолиси давлат таъминот органларидан 1063 та культиватор, 938 та сеялка, 8044 та борона, 10116 та плуг олди⁷.

⁴ ЎзР МДА, 44-ф., 1-р., 9-йиғма жилд, 71-в.

⁵ Известия ЦК КПТ и ЦИК Туркесепублики, 1922, 20 мая; ЎзР МДА, 25-ф., 1-р., 766-йиғма жилд, 131-в.

⁶ Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917-1926 гг.) Сборник документов. – Ташкент: 1962. – С.315.

⁷ Алимов И.А. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида социалистик ўзгаришлар – Тошкент: Ўзбекистон, 1972. – Б. 21.

Пахтачилик соҳасини ривожлантиришдан манфаатдор бўлган СССР Бош пахта кўмитаси 1925 йил 28 августда Ўрта Осиё ва Кавказ ортида пахтачиликни механизациялаш тўғрисида қарор қабул қилди⁸.

Қарорда пахтачиликни ривожлантириш ва пахтакор хўжаликларда европа типдаги деҳқончилик асбобларини қўллаш бўйича тадбирларни кучайтириш талаб қилинган. Бу ишни амалга оширувчи асосий ташкилотлар қишлоқ хўжалик кооперацияси ва Зироат халқ комиссариати органлари деб белгиланган. Пахтакор республикалар Зироат халқ комиссариатларининг пахтакор хўжаликларни европа типдаги деҳқончилик асбоблари билан таъминлаш бўйича тадбирлар дастурини ишлаб чиқиши, бу тадбирларни амалга оширишга қишлоқ хўжалик кооперацияси ва қишлоқ хўжалик банкини жалб қилиши назарда тутилган эди. Шунингдек, Зироат халқ комиссариатларига пахтакор республикаларга қанча европа типдаги деҳқончилик асбоблари келтириш кераклиги ва бунинг учун мавжуд молиявий имкониятларни ўрганиш, деҳқончилик қуроллари ғамлаш учун зарур маблағлар топиш масаласини ҳал қилиш вазифаси юклатилган.

Деҳқонларнинг ер ҳайдаш қуролларига бўлган эҳтиёжи, ишчи ҳайвонларнинг етишмаслиги ва қимматга тушишини ҳисобга олиб, Ўзбекистон пахта кўмитаси қишлоқ хўжалигида тракторлар қўллашни зарур деб ҳисоблади. Тракторларни дастлаб ушбу муассаса совхозларида синовдан ўтказди. Маҳаллий қишлоқ хўжалиги шароитида трактордан фойдаланиш усули самарали эканлиги аниқлангач, пахтакор хўжаликлар орасида турли даражадаги ташвиқот ишлари олиб борилди. Пахтакор деҳқонларга тракторда ер ҳайдашни кўрсатиш, ташвиқот қилиш учун ерларини бепул равишда ҳайдаб берганлар. Деҳқонлар тракторда ер ҳайдашни от-хўкизда шудгор қилишга нисбатан афзаллиги жиҳатларини кўриб, тушунганидан сўнг, пахта кўмитаси трактор отрядлари тузиб,

⁸ ЎзР МДА, 90-ф., 1-р., 17-йиғма жилд, 7-8-в.

пахтакор хўжаликлар ерларини арзон нархда ва ҳосилни йиғиб олгандан кейин тўлаш шарти билан кредитга ҳайдашни ташкил қилди.

Дехқонларни деҳқончилик асбоблари билан таъминлашдан ташқари, чет элдан, асосан, АҚШ дан тракторлар олиб келина бошланди. Синаб кўриш ва пахтачилик талабларига жавоб берадиганларини танлаб олиш мақсадида Главхлопком 1924 йилда Ўзбекистонга бир нечта “Фордзон” тракторларини юборган эди. Шу тракторлардан 5 таси Фарғона вилояти ер бўлимига берилган. 1924 йил 23-24 сентябрда бўлиб ўтган ер бўлимининг коллегия мажлисида бу тракторларни Қўқон, Андижон, Наманган, Марғилон ва Ўш уездларига биттадан тақсимлашга қарор қилинган⁹.

1925 йил баҳорида Ўзбекистонда ҳам трактор билан ишлаш жараёни бошлаб юборилди. Ўзбекистон Зироат халқ комиссариатининг тракторлаштириш бўйича мутахассиси Н.Н.Голиковнинг 1927 йил 17 ноябрдаги маълумотига кўра, Ўзбекистонда 1923-24 хўжалик йилида 156 та, 1924-25 йилда 504 та, 1925-26 йилда 1017 та, 1926-27 йилда 1048 та трактор ишлаган¹⁰.

Европа типдаги деҳқончилик қуролларини пахтакор ва бошқа хўжаликларга жорий қилиш қишлоқ хўжалик органлари ҳамда кооператив ташкилотларнинг диққат марказида турган. Бундай қуролларни Ўзбекгоссельсклад ташкилоти Россиядан сотиб олиб, деҳқонларга тарқатган. 1926/27 - 1927/28 йилларда Ўзбекистонга 11660 та плуг, 10000 та борона, 5250 та пахта сеялкаси, 6700 та культиватор ва окучник (чопик асбоби)лари келтирилди¹¹. Булардан ташқари, Самарқанддаги “Дехқон”, Тошкентдаги “Ильич” қишлоқ хўжалик заводлари анъанавий деҳқончилик асбоблари - кетмон, ўроқ ва бошқа асбоблар ишлаб чиқарган. Ўзбекистон маҳаллий саноат уюшмасига қарашли ҳунармандчилик артеллари,

⁹ Фарғона вилояти давлат архиви. 121-ф., 1-р., 30-йиғма жилд, 100-в.

¹⁰ ЎзР МДА, 90-ф., 1-р., 341-йиғма жилд, 155-в.

¹¹ Аминова Р.Х. Аграрные преобразования в Узбекистане накануне сплошной коллективизации (1925-1929 гг.). – Ташкент: Фан, 1969. – С. 345.

темирчилик устахоналарида ҳам деҳқончилик асбоблари ясалган. Барча асбоб-ускуналар қишлоқ хўжалик кооперативлари орқали деҳқонларга тарқатилар эди.

Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш, пахта экин майдонларини кенгайтириш мақсадида давлат пахтакор деҳқонларни европа типигаги замонавий иш қуроллари билан таъминлаб турган. 1928 йил 1 январдан 1 октябргача қишлоқ хўжалик кооперацияси республика деҳқонларига 9882 та плуг, 2669 та окучник, 7447 та борона, 66 та ғалла сеялкасини тарқатган¹².

Ерларни сунъий суғориш Туркистон шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида қизил армиянинг истиқлолчиларга қарши кураши натижасида ирригация шахобчалари вайрон бўлган, ирригация тизими - сойлар, каналлар, магистрал ариқлар тозаланмай, таъмирланмай қолган эди. Ирригация таназзулга учраб, натижада суғориладиган экин майдонлари қисқариб кетган эди. Ўлканинг асосий деҳқончилик райони ҳисобланган Фарғона вилоятида, 1915 йилда унинг умумий экин майдони 866 минг десятина бўлган бўлса, 1919 йилда 396 минг десятинага, 1922 йилга келиб 361 минг десятинага тушиб қолган, бу эса 1915 йилдаги экин майдонининг 1919 йилда 44,7% ини, 1922 йилда 40,7% ини ташкил қилган.

НЭП сиёсати натижасида саноатнинг, жумладан, тўқимачилик саноатининг тикланиши пахта хом ашёсига бўлган эҳтиёжни ошириб, Туркистонда пахтачиликни тиклаш, пахта етиштиришни кўпайтиришни талаб қилган. Шунинг ҳисобга олиб, совет ҳукумати Туркистонда пахтачилик соҳасини шошилиш равишида тиклаш чора-тадбирларини кўрган.

¹² Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1921-1926 гг.) Сборник документов. – Ташкент: 1962. – С. 149.

Туркистонда ирригациянинг оғир аҳволда эканлиги, пахтачиликни тиклаш ирригация шахобчаларини таъмирлашга боғлиқлигини ҳисобга олиб, совет ҳукумати 1923 йил учун бу ишга 6 млн. сўм (олтин пул ҳисобида) ажратди. Бу, албатта, суғориш тизимини яхшилашга салмоқли таъсир кўрсатди. Ушбу маблағ фақат жорий таъмирлашгина эмас, балки муҳим ирригация шахобчаларини капитал таъмирлаш, қатор муҳандислик иншоотларини қуришга имконият берди. Амалга оширилган ишлар канал ва магистрал ариқлар ҳолатини яхшилади. Суғориладиган майдонларнинг қисқаришини тўхтатди ва экин майдонларини кенгайтирди, пахта ялпи ҳосилини оширди. 1923 йилда пахта экиладиган майдонлар 192,8 минг гектарни, пахта ялпи ҳосили эса 37,7 минг тоннани ташкил қилган. 1922 йилга нисбатан 1923 йилда пахта майдони 123,5 минг гектар, ялпи ҳосил эса 25 минг тонна ортиқ бўлган¹³.

1924 йилда Туркистон сув хўжалик бошқармаси иттифок бюджетидан 6,5 млн. сўм (олтин пул ҳисобида) олган. Бу маблағ янада катта ҳажмдаги ирригация ишларини амалга оширишга имконият яратиб бердики, 1924 йилда бажарилган муҳим ишлар; жумладан, Сирдарё вилоятидаги Зах ва Хоним ариқларининг бош қисмини қайта қуриш, Бектемир узели (тугуни)нинг қирғоқларини мустаҳкамлаш, Фарғона вилоятида Андижонсой ва Шахрихонсой каналларини таъмирлаш, Янгиариқ тизимини қайта қуриш, Самарқанд вилоятидаги Дарғом узели (тугини)ни таъмирлаш ва бошқалар бўлган.

1923 ва 1924 йилларда ирригация соҳасини тиклаш ишларига бюджетдан маблағ ажратишнинг ортиши билан бирга, деҳқонларнинг суғориш тизимини тозалаш ва таъмирлашдаги иштироки ҳам ўсди. Деҳқон хўжаликлари 1923 йилда 3,5 млн. кун меҳнат мажбуриятини ўтаб, 3,5 млн

¹³ Заготовка хлопка в СССР. Справочник о Средней Азии. – Ташкент: 1948. – С.26.

сўмлик иш бажарган бўлса, 1924 йилда 2,5 млн кун ва 3,8 млн сўмлик иш бажарган¹⁴.

Кенг миқёсдаги тиклаш дастурини бажариш малакали ирригатор кадрларни тайёрлашни талаб қилган. 1923 йилда Тошкентда кечки гидротехникум очилган. 1924 йилда эса кундузги гидротехникум ва десятник (иш боши)лар мактаби ташкил қилинди. 1922 йилда Ўрта Осиё давлат университетида очилган муҳандислик-мелиоратив факультетини 1923 йилда 8 нафар муҳандис-гидромелиоратор битириб чиққан бўлса, 1924 йилда шу факультетни яна 8 нафар талаба тугатган¹⁵.

1923-24 ўқув йилида муҳандислик-мелиоратив факультетига олдинги йилларга нисбатан анча кўп талабалар қабул қилинган: 1924 йил апрелида факультетнинг биринчи курсида 136, II курсида 79, III курсида 39, IV курсида 19, жами 258 нафар талаба ўқиган¹⁶.

Тошкент кечки гидротехникумида 200 нафар, кундузгида 100 нафар, десятниклар мактабида 63 нафар ўқувчи ўқиган. Техникумда ўқиш муддати 3,5 йил бўлган. 1924 йил декабрда кечки гидротехникумда ўқувчиларнинг биринчи битириб чиқиш маросими бўлган¹⁷. Таъкидлаш лозимки шундай равишда, Ўзбекистонда муҳандис ва техник гидромелиораторларни тайёрлаш тизимига асос солинган эди.

Совет ҳукумати томонидан катта миқдорда маблағ ажратилиши, сув хўжалиги органларининг малакали кадрлар билан таъминланиши, ирригаторлар ва меҳнаткаш деҳқонларнинг фидокорона меҳнати ирригация тизимини тиклаш ва янгидан қурилишида маълум ютуқларни қўлга киритиш имкониятини яратиб берди. Ирригациянинг риволаниши, ўз навбатида, суғориладиган, жумладан пахта экиладиган ерларнинг

¹⁴ ЎзР МДА, 215-ф., 1-р., 473-йиғма жилд, 41-47 в.

¹⁵ Среднеазиатский государственный университет к десятилетнему юбилею Октябрьской революции. – Ташкент: 1927. – С. 52.

¹⁶ ЎзР МДА, 88-ф., р-1., 86-йиғма жилд, 262-в.

¹⁷ ЎзР МДА, 215-ф., 1-р., 465-йиғма жилд, 12-в.

кенгайишига олиб келди ва суғориладиган ерларнинг йилдан-йилга ортиб борганлигини яққол кўрсатади. (1- илова)

Туркистон пахта қўмитасининг маълумотига кўра, пахта экин майдонлари 1922 йилдаги 51 минг десятинадан 1923 йилда 152 минг десятинага, 1924 йилда эса пахта майдони 300 минг десятинани ташкил қилган. Пахта майдони ва пахтачиликнинг ўсиши совет ҳукумати томонидан марказий ҳудудлар тўқимачилик саноатини пахта хом ашёси билан таъминлаш мақсадида амалга оширилган қатор чора-тадбирлар, ирригацияни тиклаш ва ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, деҳқонларни моддий манфаатдор қилиш, пахта экинидан олинадиган солиқлар миқдорини камайтириш ва бошқаларнинг натижаси эди.

Табиийки давлат томонидан яратиб берилган нисбатан анча қулай шароит туфайли Ўзбекистонда экин майдонлари тез суръатлар билан тиклана бошланди. Агар, 1923-24 йилда Ўзбекистонда экин майдонлари 1009,8 минг гектарни ташкил қилган бўлса, 1924-25 йилда у 1144,9 минг гектарга кўпайган, 1925-26 йилда эса 1240,8 минг гектарга етган¹. 1923/24-1925/26 йилларда экин майдони 60,7% дан 74,6% га кўтарилган. Пахта хом-ашёсининг совет давлати тўқимачилик саноати учун долзарб аҳамият касб этишини ҳисобга олиб иттифоқ ҳукумати пахтачилик соҳасини тиклаш масаласига алоҳида эътибор берган. Пахта экин майдонлари 1924 йилдаги 275 минг десятинадан 1925 йилда 372,1 минг десятинага кўпайди². 1921-1928 йилларда пахта экин майдонини кенгайтириш ва пахта хом ашёсини кўпайтириш мақсадида Ўзбекистонда ирригация соҳасида маълум ишлар амалга оширилди. Ўз навбатида давлат ҳам ирригация-мелиорация қурилиши, янги ерларни ўзлаштириш соҳасига кўп

¹ История народного хозяйства Узбекистана. – Ташкент: 1962. – С. 153.

² Ўша манба. – С. 157.

миқдорда маблағ сарфлади. Бунинг натижасида республиканинг барча ҳудудларида канал, магистрал ариқ, коллекторлар қайта тикланди.

Туркистон пахтачилик комитети бошчилигидаги пахтачилик ширкатлари пахтакорларга кредитлар бериш соҳасида ҳам катта ишларни амалга оширди. Кредит бериш миқдори йил сайин ортиб борди, бу эса пахтачиликни тиклаш ва деҳқон хўжалигини мустаҳкамлаш ишига ёрдам берди. Деҳқон хўжаликларига кредитлар бериш мақсадида Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети 1922 йил декабрда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик банкини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Шу мақсадда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги банки ҳам ташкил этилиб, 20-йилларнинг иккинчи ярмида унга таниқли арбоб И.Хидиралиев бошчилик қилган. Унинг бу соҳадаги фаолиятини ибрат қилиб бутун Иттифок бўйича тарғиб этилган¹. Қишлоқ хўжалик банкнинг асосий вазифаси ҳам пахтачилик соҳасини ривожлантириш бўлган. Шу мақсадда банк томонидан қишлоқ хўжалик кредит ширкатлари ташкил қилиниб, улар орқали пахтакор ва бошқа деҳқон хўжаликларига аванс берилган.

Қишлоқ хўжалигини тиклаш ва янада ривожлантириш, шунингдек, қизил армия хонавайрон қилган деҳқон хўжаликларига давлат томонидан кенг ёрдам кўрсатиш зарурияти илгариги пахтачилик кооперациясини қайта қуриш ва унинг ўрнида универсал қишлоқ хўжалик кредит кооперацияси ташкил қилишни талаб этар эди. 1923 йил февралда бўлиб ўтган пахтачилик кооперативлари вакиллариининг съездида Туркхлопсоюз тугатилиб, унинг бошланғич ташкилотлари Туркистон қишлоқ хўжалик кооперативлари уюшмаси (Турксельсоюз) ихтиёрига ўтказилди.

Турксельсоюз дастлаб тугатилган Туркхлопсоюзнинг пахта ширкатлари хизматини қилган, аванс бериб турган. Кейинчалик Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик банки ташкил қилган ширкатларни ҳам бирлаштирган ва барча қишлоқ хўжалик ширкатлари унинг ихтиёрига ўтган. Шу тариқа

¹ Шамсутдинов Р. Жасоратларга тўла ҳаёт соҳиби. – Андижон: 1991. – Б. 87.

Турксельсоюз универсал қишлоқ хўжалик кредит кооперациясига айланди. 1924 йилнинг бошларида уюшманинг 238488 аъзоси бўлиб, ўзида 869 ширкатни бирлаштирар ва уларга хизмат кўрсатар эди.

1924 йил 18 апрелгача қишлоқ хўжалик банки Турксельсоюз ва бошқа қишлоқ хўжалик кооперативлари ҳамда давлат ташкилотлари орқали бевосита қишлоқ хўжалик ссудалари учун 2183076 рубль сарфлади, шу жумладан, қишлоқ хўжалик кредит ширкатларига 888028 рубль миқдорида ссуда берди. Қишлоқ хўжалик ширкатлари ҳам, ўз навбатида 52286 аъзога ссуда берди.

Ўзбекистонда 1925 йилда пахта экиш ишларини ташкил қилишда қишлоқ хўжалик кооперациясининг роли катта бўлган. Қишлоқ хўжалик кооперациясига аъзо бўлишнинг афзаллик жиҳатларини деҳқонлар амалий ҳаётида сеза бошлаганлар. Шунинг учун Ўзбекистонда кооператив аъзоларининг сони 1924 йил 1 октябрдан 1926 йил 1 октябригача 141959 нафардан 396067 нафарга кўпайган. 1926 йил 1 октябрга 654 та ширкатдан 540 таси ёки 82,4 % и пахта экишни ва етиштиришни ташкил қилиш билан шуғулланган. Пахта экиш билан банд бўлган кооператив аъзолари 346983 нафарни ёки 87,7% ни ташкил қилган. Айрим пахтакор районларда пахта ширкатлари барча ширкатларнинг 97% игача, пахта ширкатлари аъзолари эса барча кооператив аъзоларининг 90% игача етган¹.

Қишлоқ хўжалик кооперацияси пахтакор ва бошқа хўжаликларни пул, уруғлик, деҳқончилик қуроллари, ғалла, газмол ва бошқа саноат, озиқ-овқат маҳсулотлари билан товар айирбошлаш асосида таъминлаб турди. Универсал қишлоқ хўжалик кооперацияси деҳқончиликнинг барча тармоқларига хизмат қилиш билан бирга, пахтачиликка алоҳида эътибор берар эди. Ихтисослашган пахтачилик кооперациясининг ташкил қилиниши пахтакор хўжаликларни аванс билан таъминлаш ишини янада яхшилади. Давлат органлари, пахтачилик ташкилотлари – Главхлопком ва

¹ ЎзР МДА, 90-ф., 1-р., 249-йиғма жилд, 20-в.

унинг маҳаллий комитетлари якка деҳқон хўжаликларида пахтачиликни ўстиришни, асосан, кооперация орқали амалга оширар эди. Қишлоқ хўжалик ва пахтачилик кооперациялари Россия тўқимачилик фабрикаларини пахта хом ашёси билан таъминлашда муҳим роль ўйнадилар.

1921-1928 йилларда республиканинг совет, зироатчилик, пахтачилик ташкилотлари совет ҳукумати топшириғи билан Ўзбекистонда пахтачиликнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ирригация тизимини тиклаш ва ривожлантириш, қишлоқ хўжалик кооперациясини юксалтириш соҳасида маълум ишларни амалга оширди ва бази ютуқларни қўлга киритди. Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши-пахтачиликнинг ривожланиши, пахта ялпи ҳосилининг ўсиши учун зарур шарт-шароитлар яратди. Бундан кўзланган асосий мақсад эса ўз навбатида таъкидланганидек СССР тўқимачилик фабрикаларини пахта хом ашёси билан таъминлаш бўлган.

Иттифоқ ҳукумати томонидан Бош пахта қўмитаси таклифи асосида Ўрта Осиёда пахтачиликни тез суръатлар билан тиклаш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Бош пахта қўмитаси совет ҳукумати тавсия билан ирригация соҳасини ривожлантириш, пахта экин майдонларига солинадиган солиқни камайтириш, пахтакор деҳқонларни саноат моллари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берди. Суғориладиган ерлардаги ғалла экин майдонларини сиқиб чиқариш ва бу ерларга пахта экиш мақсадида пахтакор деҳқонларни дон билан етарли миқдорда таъминлаш масаласи пахтақўмнинг диққат марказида бўлди. Пахта ҳосилдорлигини ошириш мақсадида қўмита пахтакор деҳқонларни минерал ва органик ўғитлар билан таъминлаш, илмий-тадқиқот ва тажриба ишларини кенгайтириш, деҳқонларга агрономия соҳасида ёрдамни ташкил қилиш, пахтачиликни механизациялаш, қишлоқ хўжалик кооперациясини кенг ривожлантириш каби кенг қўламдаги тадбирларни амалга оширди.

Улар Ўзбекистон ва бошқа республикаларда пахтачиликни тез сураатлар билан тиклаш ва ривожлантириш, марказий ҳудудларидаги тўқимачилик саноатининг пахта хом ашёсига бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим роль ўйнади.

Пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар орасида совет ҳукумати томонидан амалга оширилган пахта экин майдонига солиқ белгилаш сиёсати муҳим роль ўйнаган. 1922-1928 йилларда Ўрта Осиёда пахта экин майдонлари 56185 гектардан 781814 гектарга, яъни деярли 14 мартага ортган¹. Пахта майдонининг бундай тез суъратлар билан ўсишида совет ҳукумати солиқ сиёсатининг аҳамияти катта бўлган.

1923 йилда пахта экин майдонларини тезда кенгайтириш мақсадида пахтакорларга катта имтиёзлар берилди. Деҳқон эккан пахта майдонлари солиқдан озод қилинган, бундан ташқари, режадан ортиқ экилган ҳар бир десятина пахта майдони ҳисобига икки десятина бошқа экинлар майдони ҳам солиқдан озод қилинган. Натижада, Ўрта Осиёда 1923 йилда 1922 йилга нисбатан пахта майдони уч барабардан ортиқ ҳажмда ўсди. Кейинги йили эса пахтакор деҳқонларни манфаатдор қилиш мақсадида фақат пахта экин майдонларигина солиқдан озод қилинди. Кейинги уч йил давомида, яъни 1925-1927 йилларда, солиқ солишда пахта майдонининг даромадини шу районнинг ғалла майдони даромадига тенглаштириш қондаси амал қилинган. 1927/28 – 1928/29 йилларда пахта майдонларига янада катта имтиёз берилди. Солиқ солишда пахта майдонининг бир десятиnasi даромади шу районнинг ғалла майдони даромадининг 50 фоизига тенглаштирилган эди².

Бош пахта қўмитаси пахтакор деҳқонларни саноат моллари билан таъминлаш масаласига доимий тарзда эътибор бериб келган. Пахта етиштириш миқдори ортиб боргани сари пахтакор районларга саноат

¹ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 1551-йиғма жилд, 1-в.

² ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 1551-йиғма жилд, 1-2 в.

молларини етарли миқдорда етказиб беришга ҳаракат қилинган. Қишлоқ аҳолисини ўз навбатида саноат моллари билан таъминлаш матлубот кооперацияси зиммасида бўлган. Бош пахта қўмитаси ташаббуси билан “Ўзбексавдо” давлат ташкилоти акционерлик жамиятига айлантирилди. “Ўзбексавдо” акционерлик жамияти 7 млн. рубл капитал билан ташкил қилинган бўлса, ундаги Бош пахта қўмитасининг ҳиссаси 1530 минг рублни ташкил қилган эди³. “Ўзбексавдо” давлат ташкилоти бўлган вақтда пахтакорларга етарли равишда эътибор бермаган бўлса, акционерлик жамиятига айлангандан кейин, Бош пахта қўмитаси таъсирида деҳқонларни пахтачиликни ривожлантиришдан манфаатдор қилиш мақсадида уларга бўлган эътиборни кучайтирди.

Йилдан-йилга пахтакор районларнинг истеъмол ва хўжалик молларига эҳтиёжининг ортиб борганлигини ва Россиядан Ўрта Осиёга саноат моллари келтирилиши динамикаси ишлаб чиқилди. (2- илова). Бундан шу ҳол намоён бўладики, 1922/23-1927/28 йилларда Россиядан Ўрта Осиёга катта миқдорда саноат моллари келтирилган. Шу даврда газмол келтириш 12 марта, қанд – 13 марта, металл моллар – 17 марта, ёғоч деярли 32 марта, лампа мойи келтириш 7,6 мартага ортган. Бу катта ҳажмдаги ишлар Бош пахта қўмитаси саъй-ҳаракати билан амалга оширилган эди. Бундан қўланган асосий мақсад эса саноат моллари бозорини тўлдириш, пахтакорларни истеъмол ва хўжалик моллари билан етарли даражада таъминлаш, кўпроқ пахта етиштириш, даромад келтиришга ҳаракат қилдириш ва шу йўл билан пахтачиликни ривожлантириш эди.

Пахтачиликни тиклаш ва ривожлантиришнинг иттифоқ ҳукумати томонидан белгиланган асосий йўлларида бири суғориладиган ерлардан ғалла экинларини сиқиб чиқариш ва бўшаган ерларга пахта экиш эди. Биринчи жаҳон уруши туфайли Туркистон иқтисодиёти таназзулга учраб

³ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 937-йиғма жилд, 31-в.

орқага кетган эди. Бош пахта қўмитаси фикри бўйича, пахта ташкилотлари пахтакорларни арзон нархда ғалла билан таъминлаб, пахтани ғаллага нисбатан фойдалироқ қилиши керак эди. Шу мақсаддан келиб чиқиб, Бош пахта қўмитаси 1922/23 йил Меҳнат ва Мудофаа Совети олдида Ўрта Осиёга ғалла ташиб келтириш ва махсус ғалла фондини ташкил қилиш масаласини қўйган. Меҳнат ва Мудофаа Совети қарори билан 1 млн. пуд ғалла ажратишга қарор қилинган. Бошқа ташкилотлар орқали Ўрта Осиё шаҳарларига 1 млн. пудга яқин ғалла олиб келинган эди. Шундай қилиб, Бош пахта қўмитаси Ўрта Осиёга йирик ғалла етказиб берувчига айланди. Пахтачиликнинг тез суръатлар билан ўсиши пахтакорларни ғалла билан янада кўпроқ таъминлашни талаб қилди. Бош пахта қўмитаси ва пахта билан шуғулланувчи ташкилотлар 1924/25 хўжалик йилида Ўрта Осиёни ғалла билан таъминловчи махсус ташкилот ташкил қилиш масаласини қўйдилар. Бош пахта қўмитаси ташаббуси билан Ўрта Осиёни ғалла билан таъминлаш акционерлик жамияти - “Средазхлеб”, кейинроқ “Азияхлеб” ташкил қилинган эди⁴. Дон экинларини сиқиб чиқариш ҳисобига пахта экин майдонлари ҳажми кенгайиб борди. Натижада Ўрта Осиёда ғалла етиштириш миқдори камайиб, йилдан йилга ғалла-озуқа танқислиги ортиб борди. Иттифоқнинг бошқа жойларидан келтирилган ғалла республика аҳолисининг дон ва дон маҳсулотларига бўлган талабини тўла қоплай олмас эди. Натижада, 1926-1928 йилларда пахта экиш кампанияси вақтида ғалла танглиги вужудга келди. Бир вақтлар четга ғалла чиқарган Ўзбекистон (Туркистон) энди ўзи ғалла танглигига дучор бўлди. (3- илова)

Марказ тўқимачилик саноатининг пахта хом ашёсига бўлган талаби йилдан-йилга ортиб борди. Ғалла экинлари майдони ҳисобига пахта етиштиришни кўпайтириш мақсадида Иттифоқ ҳукумати Ўрта Осиёга юбориладиган дон миқдорини йилдан-йилга орттириб борди. Айниқса, 1925/26 йилдан бошлаб марказдан юборилган ғалла миқдори кескин

⁴ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 937-йиғма жилд, 33 в.

ўсганлигини сезиш мумкин. 1922/23 хўжалик йилида Ўрта Осиёга 2 млн. пудга яқин дон келтирилган бўлса, 1925/26 йилда бу рақам 15 млн. пудни ташкил қилди.

Ўзбекистонга 1926/27 йилда 26 млн. дан, 1927/28 йилда 34 млн. пуддан зиёд ғалла келтирилган. Бош пахта қўмитасининг саъй-ҳаракатлари билан Иттифоқ ҳукумати томонидан Ўрта Осиёга юборилган дон миқдорининг ортиши ғалла экин майдонларининг камайиши ва пахта экин майдонларининг кенгайишига олиб келди.

Ўрта Осиёда пахтачилик соҳасини тиклаш даври, яъни 1922-1928 йиллар икки босқични ўз ичига олади. Биринчи босқичда, яъни 1922-1924 йилларда, пахтачилик экстенсив йўл билан, асосан, пахта экин майдонини кенгайтириш ҳисобига ривожланган. Иккинчи босқич 1925-1928 йилларни ўз ичига олади. Бу босқичда пахтачилик соҳаси ҳам экстенсив, ҳам интенсив йўл билан ривожланган.

Пахта хом ашёсини кўпайтиришнинг асосий йўлларида бири пахта ҳосилдорлигини ошириш эди. Шу мақсадда Бош пахта қўмитаси 1925 йилдан бошлаб пахтачилик соҳасида илмий тадқиқот ва тажриба ишларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор берди. Туркистон селекция станциясининг фаолияти ҳам 1925 йилдан бошлаб анча кенгайди. Бир қанча уруғлик далалари ташкил қилиниши туфайли пахта-уруғлик иши яхшиланди. 1925 йилда пахтакор районларга хизмат қилиш учун ўғитлаш станцияси ташкил қилинди. Минерал ва органик ўғитлар келтириш ва пахтакорларни улар билан таъминлаш бўйича кенг миқёсда тадбирлар амалга оширилди. Кўрилган тадбирлар пахта ҳосилдорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Туркистон селекция станцияси пахтанинг янги тезпишар, ҳосилдор, толаси кўп навларини етиштириш борасида самарали ишларни бажарди. Янги пахта навлари уруғларини деҳқонлар орасида кенг тарқатиш борасида ҳам катта ишлар қилинган. 1924 йили Мирзачўлда дастлабки

уруғлик хўжалиги (семхоз) ташкил қилинган эди. Кейинги йилларда эса уларнинг сони кўпайиб, 1928 йилда Ўрта Осиёда 12 та уруғлик хўжаликлари мавжуд бўлган. Бу хўжаликларда суғориладиган, экин экиладиган маданий ерлар майдони 16.200 гектарни ташкил қилган бўлса, шундан 12480 гектарини пахта майдони эгаллар эди. Биринчи жаҳон урушидан олдин 18-20 минг пуд уруғлик чигит тайёрланган бўлса, 1928 йилда 400 минг пудгача уруғлик чигит етиштирилган.⁵ Кўпчилик пахтакор районлар навли уруғлик билан таъминланган эди. Ўрта Осиёда навли чигит билан экилган пахта майдони умумий пахта майдонининг 1923 йилда 1,8 фоизини, 1924 йилда 3,7 фоизини ташкил қилган бўлса, 1926 йилда 29,6 фоизини, 1927 йилда 56,9 фоизини эгаллаган эди⁶.

Пахта навларини яхшилаш ишлари тўқимачилик саноати учун сифатли пахта толасини, узун толали пахта навларини яратиш имконини берди. Пахта ҳосилдорлигини ошириш мақсадида совет ҳукумати пахтакорларни ўғит билан таъминлаш ишига алоҳида аҳамият берди.

1924 йилдан бошлаб чет эл мамлакатларидан пахтакор районларга минерал ўғитлар келтирила бошланган. Агар чет элдан 1924 йилда 39 тонна суперфосфат келтирилган бўлса, 1925 йилда жами 319 тонна, 1926 йилда 1000 тонна, 1927 йилда 1932 тонна, 1928 йилда 4006 тонна минерал ўғит келтирилган эди. 1927 йилдан бошлаб Иттифоқнинг ўзида ҳам минерал ўғит ишлаб чиқарила бошланди. Пахтакор районларга 1927 йилда 32 тонна, 1928 йилда 1534 тонна Иттифоқда ишлаб чиқарилган сульфат аммоний, 1927 йилда 21 тонна, 1928 йилда 1524 тонна диаммофос келтирилган⁷.

Пахта ҳосилдорлигини оширишда агропунктларнинг ҳам аҳамияти катта бўлган. Пахтачиликни тиклашнинг биринчи босқичида пахтачилик ташкилотлари агропунктларга унча аҳамият бермаган. Натижада 1924

⁵ЎЗР МДА, 473-ф., 1-р., 937-йиғма жилд, 78-в.

⁶ЎЗР МДА, 473-ф., 1-р., 937-йиғма жилд, 41-в.

⁷ЎЗР МДА, 473-ф., 1-р., 937-йиғма жилд, 45-в.

йилда Ўрта Осиёда агропунктлар сони 21 тадан 16 тага, машина-ижара пунктлари 34 тадан 23 тага қисқарган эди.

1925 йилдан бошлаб Бош пахта қўмитаси пахтакорларга агрономия соҳасида ёрдамни кучайтириш мақсадида Ўрта Осиё Зироат халқ комиссариатлари билан шартномалар тузди. Зироат халқ комиссариатларининг агроном ходимлари пахтакорлар орасида агрономия ёрдамини ташкил қилиши учун Бош пахта қўмитаси махсус маблағ ажратган. Натижада, пахтакорларга хизмат қиладиган агропунктлар шахобчалари йилдан-йилга кенгайиб борди. 1926 йилда Ўрта Осиёда агропункт сони 33 тага етган бўлса, уларнинг ярмидан кўпи, яъни 25 таси Ўзбекистонда эди. 33 та агропунктлар қошида 66 та машина ижара пункти ва 937 та намуна участкалари бўлган⁸.

Масалага хулоса тарзида шуни таъкидлаш жоизки, унинг учун стратегик аҳамиятга эга бўлган, совет ҳукумати Туркистонда пахтачилик соҳасини тиклаш ва ривожлантиришдан манфаатдор эди. Ўлкада етиштирилган пахта хом ашёси марказ тўқимачилик саноати эҳтиёжини қондириши учун олиб кетилар эди. Шу ва бошқа кўплаб мақсадларни кўзлаб совет ҳукумати ўлкада пахтачилик соҳасини ривожлантириш учун барча зарур чораларни кўрди. Совет ҳукумати томонидан пахтачилик соҳасида амалга оширилган кенг кўламли тадбирлар, яъни пахтачиликни механизациялаш, кимёлаштириш, ирригация-мелиоратив ишларни кенгайтириш, қишлоқ хўжалик кооперациясини шакллантириш ва унга пахтакор хўжаликларни жалб қилиш, пахтачилик соҳасида турли илмий - тадқиқот ва тажриба ишларини ташкил қилиш, пахтакорларга солиқ солишда имтиёзлар бериш, Иттифоқ ҳудудларидан ўлкага саноат ва озиқ-овқат молларини ташиб келиш, пахтакорларга агрономия ёрдамини уюштириш кабилар пахтачилик соҳасини қисқа муддатларда тиклаш ва ривожлантириш, пахта экин майдонларини кенгайтириш ва ҳосилдорлини

⁸ ЎзР МДА, 473 - ф., 1-р., 937-йиғма жилд, 50-в.

оширишга замин бўлди. XX аср 20-йилларининг биринчи ярмида пахтачилик соҳасини экстенсив йўл билан, асосан пахта экиш майдонини кенгайтириш, иккинчи ярмидан эса интенсив йўл билан, яъни, пахта ҳосилдорлигининг ортиши ҳисобига ривожланиш уствор йўналиш сифатида қаралиб, амалий ҳаётга татбиқ этилган.

1.3. Марказ стратегик хом ашёси – пахтанинг Республикадан олиб чиқиш жараёнини бошланиш ва унинг оқибатлари

Совет ҳукумати Туркистонда большевиклар ҳукумронлигини ўрнатгач, ўз ҳукумронлигининг дастлабки кунларидан бошлаб ўлка табиий бойликлари, жумладан, пахта хом ашёсини олиб кетиш сиёсатини изчил давом эттирди. Бундай сиёсатни даставвал Россия империяси ҳукумати бошлаган бўлиб, бу сиёсат оқибати ўлароқ ўлкада пахтачилик тез суръатлар билан ривожланишига йўл очилди. Империя ҳукумронлиги даврида пахта ялпи ҳосили кўпайтирилиб, уни Россия марказидаги тўқимачилик корхоналарига доимий равишда етказиб берила бошланди. Россия империясининг мазкур мустамлакачилик характеридаги сиёсатини совет давлати ҳам амалий ҳаётида янги мафкуравий тамға остида, турли даражада давом эттирди.

Советларнинг Туркистонда олиб бораётган иқтисодий сиёсатининг моҳиятини Туркистон иқтисодий кенгаши (ТуркЭКОСО) раиси С.Паскуцкий 1923 йил мартда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўрта Осиё республикалари – Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг биринчи иқтисодий конференциясида қилган маърузасида аниқ очиб берган эди. У жумладан шундай деган эди: “Ҳозирги куннинг навбатдаги вазифаси бу федерация бизга берган ўша имкониятидан кенг фойдаланиб, хом ашё етиштиришни

ва биринчи ўринда, пахтачиликни тиклашдан иборатдир. Пахтачиликни тиклаш вазифаси алоҳида муҳим аҳамият касб этадики, бу ерда масала фақат Туркистоннинг келажаги устида эмас (Туркистоннинг келажаги яна узоқ вақт унинг хом ашё имкониятлари билан белгиланади), балки бизнинг тўқимачилик саноатимизнинг гуллаб-яшнаши ва шунингдек, биз хорижий мамлакатларга чопиб борамизми ёки республикамизнинг ички кучларидан фойдаланиш эвазига ўзимизнинг хўжалигимизни ривожлантирамизми, шунинг устида боради”⁹. С.Паскуцкийнинг “Туркистоннинг келажаги узоқ вақт давомида хом ашё етказиб берувчи ўлка бўлиб қолади”, деган фикри ҳукуматнинг кўпгина қарорларида ҳам ўз аксини топган эди.

1921 йил 24 августда Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши РСФСР Олий халқ хўжалик кенгаши қошидаги Бош пахта қўмитаси тўғрисида қарор қабул қилди. 1921 йил 22 сентябрда эса “Пахтачилик, пахта тозалаш саноати ва пахта сотиб олишнинг давлат томонидан ташкил қилиниши тўғрисида Низом”ни тасдиқлади¹⁰. Бу ҳужжатларда Бош пахта қўмитасига қуйидаги вазифалар юклатилган: 1) пахтачиликни тиклаш ва ривожлантириш, жумладан, пахта экин майдонларини кенгайтириш, ерларни мелиорациялаш, пахтакор хўжаликларни кредит, уруғлик, ўғит, деҳқончилик машина ва қуроллари билан таъминлаш, уруғчилик бўйича тажриба ишларини яхшилаш; 2) пахтакор районларда ирригация тизимини сақлаш ва яхшилаш, шунингдек, янги ерларни ўзлаштириш; 3) пахтакор районларда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш; 4) пахтакор хўжаликлар учун кредит ташкил қилишга кўмаклашиш; 5) пахтакорларнинг колхоз, кооператив ва бошқа бирлашмаларини ташкил қилиш ва бошқалар. Табиийки, ушбу қабул қилинган қарорлар пахта етиштирувчи ўлкаларда, жумладан, Ўзбекистонда пахта якка ҳокимлигини

⁹ Бюллетень первой экономической конференции среднеазиатских республик (Туркестанской, Бухарской и Хорезмской). – №1. 6 марта 1923 г. – С. 10.

¹⁰ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 194-йиғма жилд, 41-45-в.

шакллантиришга ва келажакда республикани пахта хом ашё базасига айлантиришга асос яратиб берди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, аввал РСФСР, кейинчалик СССР ҳукумати фақат пахтани ўзлаштириш билан чекланмай, 20-йилларда пахтачиликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистонда қатор чоратadbирларини ҳам амалга оширган. 20-йилларнинг бошида пахтачилик бўйича Туркистон селекция станцияси ташкил қилинди. Станция ходимлари пахта селекцияси ва уруғчилик бўйича бир қатор илмий – тадқиқот ишларини олиб борганлар, натижада эса пахтанинг бир неча янги навлари яратилди. Бу ишда совет олимларидан Г.С.Зайцев, Е.Л.Навроцкий, Р.Р.Шредер, С.С.Канаш ва бошқаларнинг хизматлари катта бўлган¹¹. Станция ходимлари агропунктлар тажриба далаларида янги пахта навларини синовдан ўтказиб, кейингина уларнинг уруғини семхоз (уруғчилик хўжалик)ларга кўпайтириш учун берганлар.

1918 йили Тошкентда Машина синаш станцияси, Ўрта Осиё давлат университети профессори М.М.Якуб раҳбарлигида қишлоқ хўжалик машиналарини тадқиқ қилиш институти вужудга келди. Бу илмий муассасалар янги типдаги машина ва қуролларни синаш, уларни пахтачиликка мослаш, маҳаллий шароитга тўғри келадиган машиналар типини танлаб олиш ишлари билан шуғулландилар. Институт ва станция ходимлари А.Е.Самойлов, М.В.Сабликов, М.М.Михайлов ва бошқалар қишлоқ хўжалигини механизациялаш, замонавий машина ва тракторларни деҳқон хўжаликларига жорий қилишда фаол меҳнат қилдилар¹².

XX аср 20-йилларида республикада мавжуд ирригация тармоғида ҳам маълум илмий-тадқиқот ишлари ҳажми анча кенгайди. Гидрометрик станция ва постлар тиклана бошланиб, қатор тажриба-мелиоратив станциялари иш бошлади. Бу ерларда суғориш норма (меъёр)лари, қишлоқ

¹¹ История развития хлопководства в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1983. – С. 92.

¹² Ўша асар. – С. 207.

хўжалик суғориш тартиби масалалари ўрганилди. 1925 йилга келиб, соҳада яна бир ўзгариш бўлди, яъни Гидротехника илмий-тадқиқот институти ташкил этилди¹³. Шу институт базасида кейинчалик Ўрта Осиё илмий-тадқиқот ирригация институти вужудга келган. Умуман, 20-йилларда пахтачиликни механизациялаш, мелиорациялаш, кимёлаштириш соҳаларида дастлабки самарали ҳамда, ижобий ҳолатдаги ишлар амалга оширилди.

Туркистонда 1916 йилда 533,8 минг десятинага етган пахта экин майдони 1917 йилдан камайиб бориб, 1920 йилга келиб 87,7 минг десятинага, 1922 йилда 50,7 минг десятинагача қисқариб кетган. Бош пахта қўмитаси кўрган чора-тадбирлар натижасида пахта экин майдонларининг пасайиши 1923 йилга келиб амалда тўхтатилди, мазкур соҳанинг кейинги истиқболи фақат тикланишда деб қаралди. Зироат ва сув хўжалик органлари партия ва совет идораларининг пахтачиликни тиклашга биринчи даражали иш сифатида қараш тўғрисидаги кўрсатмаларидан келиб чиқиб, пахтачилик районларида ирригация шахобчаларини яхшилаш ва суғориладиган ерлар майдонини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор бера бошлаган. Натижада, 1923 йилнинг ўзида пахта экин майдонлари ҳажми кескин равишда ўсган. Буни Бош пахта қўмитаси маълумотидан ҳам аниқ тарзда кўриш мумкин. (4- илова)

Мазкур маълумотга кўра Туркистон ўлкасининг бешта вилоятида 1922 йилда 51428 десятина пахта экин майдонлари мавжуд бўлган бўлса, унинг ҳажми 1923 йилда 152322 десятинага етган, яъни уч баробарга ўсган. Пахта қўмитаси қишлоқ хўжалик кооперациясига аъзо бўлган, аванс олган пахтакор хўжаликлар пахта майдонини ҳисобга олган, холос. Мабодо аванс олмаган хўжаликлар ҳам ҳисобга олинса, унда 1923 йилдаги

¹³ Ўша жойда. – С. 237.

пахта экин майдонлари сув хўжалик бошқармаси маълумотига кўра унинг ҳажми 180 минг десятинага етади¹⁴.

Сув хўжалик бошқармасининг ирригация шахобчаларини тиклаш борасидаги чор-тадбирлари, пахтакор деҳқонларга пахта кўмитаси томонидан аванс берилиши ва бошқалар пахта экин майдонлари ҳажмининг кескин ўсишига кўмак берди. 1924 йилда пахта экин майдонлари Фарғона вилоятида 131939 десятинани, Сирдарёда 94699 десятинани, Самарқандда 31242 десятинани, Каспий ортида 41000 десятинани ташкил этди. Туркистон Республикаси бўйича пахта экинларининг умумий майдони деярли 300 минг десятинани ташкил этган ва 1923 йилга нисбатан 2 баробар ўсган. Бу ҳолат кейинги йилларда ҳам давом этди. 1928 йилда Ўзбекистонда пахта экин майдони 1917 йилдан аввалги энг ўсган 1915 йилдаги даражага эришган. 1928 йилга келиб Ўзбекистонда пахта экин майдонлари ҳажми 599 минг гектарга етган ёки 1915 йилдаги 542 минг гектардан анча ортиб кетган¹⁵.

Пахта экин майдонларининг ўсиши, сув билан таъминлаш даражасининг яхшиланиши, механизация, селекция ишларидаги ютуқлар, деҳқон хўжаликларига агрономия ёрдамининг кенгайиши, минерал ўғитлар билан таъминлашнинг ортиши ва бошқа чора-тадбирлар пахта ялпи ҳосилининг йилдан-йилга кўпайишига олиб келди. Ўзбекистонда Биринчи жаҳон урушидан олдин – 1913 йилда 521,7 минг тонна хом пахта олинган бўлса, 1925 йилда 375,4 минг тонна, 1927 йилда 474,7 минг тонна, 1928 йилда 543,7 минг тонна хом пахта йиғиб олинган¹⁶. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, 1928 йилда Ўзбекистонда пахтачилик тикланиб, пахтанинг ялпи ҳосили урушдан олдинги даражага етган.

¹⁴ ЎзР МДА, 215-ф., 1-р., 229-йиғма жилд, 12-в.

¹⁵ Аминова Р.Х. Аграрные преобразования в Узбекистане накануне сплошной коллективизации (1925-1929 гг.) – Ташкент: Фан, 1969. – С. 414.

¹⁶ Аминова Р.Х. Кўрсатилган асар. – С. 414.

Ўзбек деҳқонларининг машаққатли меҳнати эвазига етиштирилган пахта хом ашёсини Иттифоқ ҳукумати марказ тўқимачилик фабрикалари эҳтиёжларини қондириш учун олиб кетишни мақсад қилиб қўйган эди. Ўзбекистонда мустабид зўравонлик сиёсатини амалга оширган Совет давлати ва компартия пахта хом ашёсини “давлат монополияси” деб эълон қилиб, пахтани марказга олиб чиқиб кетиш учун барча шарт-шароит яратиб, моҳиятан империя ҳукуматининг пахта хом ашёсини ўзлаштириш сиёсатини давом эттирди. СССР Бош пахта қўмитаси саноат бўлимининг маълумотиغا кўра, 1923/24 хўжалик йилида Туркпахта – Туркистон пахта акционерлик жамияти томонидан Марказга темир йўл орқали Оренбург йўналиши бўйича 32.084.493 кг, Красноводск йўналиши бўйича 5.545.912 кг пахта толаси жўнатилган. Жами жўнатилган пахта 37.630.405 кг ни ташкил қилган¹⁷.

Юқорида Туркистон ўлкасида 1924 йили пахта экин майдони ва пахта ялпи ҳосилининг 1923 йилга нисбатан деярли 2 баробар ўсганлигини тегишла далиллар асосида кўрсатиб ўтилган эди. Пахтачиликдаги бундай ютуқлар Иттифоқ ҳукумати Россиядаги тўқимачилик саноатининг эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида кўрган чора – тадбирлар натижасида юзага келган эди. 1924/25 йилда 1923/24 йилга нисбатан Туркистондан Россияга ташиб кетилган пахта толаси ҳам деярли икки баробар ортди. (5-илова)

Марказга Оренбург йўналиши бўйича 44.496.990 кг ва Красноводск йўналиши бўйича 20.695.877 кг пахта толаси жўнатилган эди. Мазкур жадвалда Россияга ташиб кетилган пахта толаси миқдори тўғрисида транспорт бўлими маълумотлари кўрсатилган. Ҳужжатда берилган изоҳдан маълум бўлишича, саноат бўлими маълумотида кўра, 1924/25 йилда Россияга жўнатилган пахта толасининг миқдори 67680700 кг ни ташкил қилган, орадаги 2487833 кг фарқнинг сабаби транспорт бўлими

¹⁷ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 107-йиғма жилд, 107-в.

ҳисобининг қониқарли эмаслиги билан изоҳланган¹⁸. Транспорт бўлимининг маълумотиға кўра, 1924/25 йилда Туркистондан Россияга 6902 та пахта юкланган эшелонда 390471 та той пахта юборилган. Пахта толасининг 58 фоиздан кўпроғи Фарғона вилоятидан юборилган эди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, 1924/25 йилда Россияга жўнатилган пахта толаси йил давомида, ҳар ойда маълум миқдорда юборилиб турган. Масалан, 1924 йил июлда 12.876 той – 1368939 кг юборилган, августда 6908 той – 786002 кг, сентябрда 6411 той – 659338 кг, октябрда 27975 той – 4729862 кг, ноябрда 59754 той – 10542744 кг, декабрда 77852 той – 13687949 кг, 1925 йил январда 64577 той – 11150279 кг, февралда 58605 той – 9864035 кг, мартда 57927 той – 9640867 кг, апрелда 15038 той – 2393535 кг, майда 954 той – 133027 кг, июнда 1594 той – 236292 кг пахта толаси юборилган¹⁹.

Юқорида келтирилган маълумотлар шундан дарак берадики, пахта йиғим-терими ва уни пахта заводларида қайта ишлаш даврида Россия тўқимачилик фабрикаларига пахта толасини ташиб кетиш ҳажми анча кўпайган. Энг кўп тола юбориш эса 1924 йил ноябрдан 1925 йил март оралиғидаги даврга тўғри келган. Апрель ойидан бошлаб тола юбориш камая бошлаб, қолдиқ пахта жўнатиб турилган.

Пахта толаси билан бирга пахтанинг бошқа маҳсулотлари – пахта ёғи, совун, линтер пахта, кунжара, шелухалар ҳам марказга юборилган. Бу маҳсулотларни Россияга ташиб кетиш ҳам тола каби йилдан-йилга ортиб борган. 1924/25 йилда 1923/24 йилга нисбатан сотилган пахта ёғи 70,4 фоизга, совун 42,8 фоизга, шелуха 24,3 фоизга ортган²⁰.

1925/26 йилда Бош пахта қўмитаси СССР тўқимачилик саноатига 9729774 пуд пахта толасини топширган, бу 1924/25 йилдаги 6051378 пуддан 67 фоиз кўп эди. 9729774 пуд толанинг 7521115 пудини

¹⁸ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 107-йғма жилд, 109-в.

¹⁹ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 107-йғма жилд, 141-в.

²⁰ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 107-йғма жилд, 141-в.

Ўзбекхлопок – Ўзбекистон пахта акционерлик жамияти топширган, яъни 76,3 фоизини қолганини Туркманхлопок, Закавказхлопком ташкилотлари топширганлар. Пахта толасидан ташқари, 262877 пуд линтер пахта, 73624 пуд чахбут пахта тўқимачилик фабрикаларига топширилган²¹. Бош пахта қўмитаси иқтисодий-статистика бўлимининг маълумотиغا кўра, Ўзбекпахта бўйича 1925/26 йилда Марказга 12657 вагон пахта толаси юборилган. Шундан 9214 вагони Оренбург йўналиши бўйича, 3443 вагони Красноводск йўналиши бўйича жўнатилган. Марказга тола ортиб юборилган барча вагонларнинг 7420 тасини Ўзбекистоннинг Фарғона район контораси, 2030 тасини Сирдарё, 2381 тасини Бухоро ва 826 тасини Хоразм район контораси жўнатган²². Бош пахта қўмитасининг 1925/26 йили ҳисоботида Ўзбекпахта бўйича Марказга ойма-ой неча вагон ва неча кг пахта толаси жўнатилганлиги аниқ кўрсатилган. (6- илова)

Иловада берилган маълумотдан кўриниб турибдики, пахта терими авжга чиққан октябрь ойидан бошлаб кейинги йил март ойига қадар жадал суръатлар билан Марказга тола жўнатиб турилган. Бу ўртача ҳисобда ҳар ойда 1500-2600 вагон толани ташкил қилган. Кейинги ойларда (март-сентябрь) пахта толаси юбориш суръати анча пасайган, 1926 йил сентябрда бор-йўғи 6 вагон тола жўнатилган. Бош пахта қўмитасининг йиллик ҳисоботида кўра, 1925/26 йилда 13222 вагонда 129463020 кг (129463 т) пахта толаси марказга ташиб кетилган.

Ўзбекистонда ва бошқа пахтакор республикаларда пахта етиштиришнинг ортиб бориши билан Марказнинг ип-газлама саноатини Иттифоқ пахтаси билан таъминлаш даражаси ҳам ортиб борди. 1923/24 йилда Марказнинг тўқимачилик фабрикаларига етказиб берилган Иттифоқ пахтасининг улуши 36,6 фоизни ташкил қилган бўлса, 1924/25 йилда у

²¹ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 419-йиғма жилд, 29-30 в.

²² ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 256-йиғма жилд, 219-в.

51.9, 1925/26 йилда 58,9 фоизни ташкил қилган эди²³. Келтирилган рақамлар шундан далолат берадики, тўқимачилик саноатини таъминловчи иттифоқ пахтасининг ҳиссаси йилдан-йилга ортиб борган. 1925/26 йилда 1924/25 йилга нисбатан иттифоқ пахтасининг миқдори 53,5 фоизга ўсган ва фабрикаларни таъминлашда унинг улуши бир йил ичида 7 фоизга ортган. Россия тўқимачилик фабрикаларининг чет эл пахтаси билан таъминланиши эса 1923/24-1925/26 йиллар ичида 63,4 фоиздан 48,1 фоизга камайган.

XX аср 20-йилларида иттифоқ тўқимачилик саноати учун етишмаган пахтани Америка, Миср, Ҳиндистон, Туркия, Эрон ва бошқа чет мамлакатлардан сотиб олинар эди. Натижада, совет давлатининг катта миқдордаги валютаси чет элга чиқиб кетар эди. Шунинг учун ҳам совет ҳукумати Иттифоқнинг асосий пахта базасига айлантирилган Ўзбекистонда пахтачиликни бутун чоралар билан кенгайтиришга, яъни пахта ҳосилини кўпайтиришга интилар эди. Марказнинг бу соҳадаги мустамлакачилик характеридаги сиёсати туфайли Ўзбекистон СССРнинг пахта хом ашё манбаига айланди. Пахта ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар – пахта ёғи, совун, кунжара, шелуха ва бошқалар миқдори йил сайин ортиб борди ва шунга мос равишда бу хом ашёларни Россияга ташиб кетиш ҳам кенгайиб борди.

Ўзбек деҳқонларининг оғир меҳнати билан яратилган 1926 йилдаги пахта ҳосили Ўзбекистондан Россиянинг тўқимачилик фабрикаларига юборилган, 1926/27 йилнинг биринчи ва иккинчи чоракларида, яъни 1926 йилнинг октябридан 1927 йилнинг 1 апрелига қадар Ўзбекпахта ташкилоти тайёрлаган пахта толаларидан 111516 тонна ёки 6808476 пуд тола 9668 та

²³ ЎЗР МДА, 473-ф., 1-р., 256-йиғма жилд, 195-в.

вагонда Марказга ташиб кетилган. Учинчи чоракда, яъни 1927 йил 1 апрелдан 1 июлгача Ўзбекпахта тайёрлаган пахта толасидан яна 10256 тонна ёки 631687 пуд 977 вагонда Россияга юборилган. Бундан ташқари, 1926/1927 йилнинг I-III чоракларида 282648 пуд линтер пахта ва 46336 пуд чахбут пахта тўқимачилик фабрикаларига жўнатилган. Тўртинчи чоракда (июль-сентябрь) одатда фабрикаларга оз тола юборилган. Ўзбекпахта ташкилотининг маълумотига кўра, 1926/27 йилда Москвага 10817 та вагонда 122235 тонна тола жўнатилган²⁴. Ўзбекистондан жўнатилган пахтанинг асосий қисми Москва яқинидаги Рыбное станциясига ва қисман Москвадаги омборхоналарга юборилган. У ердан пахта толаси юкланган транзит поездлар тўппа-тўғри тўқимачилик фабрикаларига юборилган.

Пахта толасидан ташқари, Бош пахта қўмитаси марказга Ўзбекистон ва бошқа пахта етиштирувчи республикалардан тозаланган пахта ёғини ҳам ташиб кетган. Бошпахтакўмнинг 1926/27 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботида кўрсатилишича, ҳисобот йилида Ўрта Осиё республикаларидан марказга 12259469 кг, чет элга 3971178 кг тозаланган пахта ёғи олиб кетилган²⁵. Бу рақамлар олдинги йилдаги ташиб кетилган пахта ёғидан анча кўп бўлиб, 1925/26 йилда чет элга сотилган тозаланган пахта ёғи фақатгина 2402130 кг ни ташкил қилган эди. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган Бошпахтакўмнинг архив фондидан топилган ҳужжатлар 1927/28 йилда 1926/27 йилга нисбатан Марказга кўп пахта толаси ташиб кетилганлигидан гувоҳлик беради. (7 – илова). Келтирилган маълумотларга кўра, 1927/28 йилда Ўзбекпахта Марказга 11975 та вагонда 139222 тонна пахта толаси

²⁴ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 621-йиғма жилд, 42-в.

²⁵ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 573-йиғма жилд, 112-в.

юборган. Марказга жўнатилган толанинг ярмидан кўпини, яъни 77806 тоннасини Фарғона район контораси жўнатган. Кейинги ўринда Бухоро район контораси – 25465 тонна, Сирдарё – 22062 тонна, Хоразм район контораси 7710 тонна пахта толаси юборган.

Ўзбекистон пахта акционерлик жамияти 1927/28 йилда 1926/27 йилга нисбатан 16987 тонна кўп пахта толаси жўнатган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССР маҳаллий давлат арбоблари ва бошқалар ўлканинг пахта хом ашё манбаига айлантирилишига, пахта яккаҳокимлигига нисбатан ўзларининг маълум норозиликларини билдирганлар. Масалан, РКП МҚнинг миллий масалага бағишланган IV кенгашида А.Икромов шундай деган эди: “Ҳозирги Туркистон билан Чор Туркистони ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ, фақат вивескаси ўзгарди, холос”²⁶. Марказнинг мустамлакачилик характердаги сиёсатига ўз муносабатини билдирган маҳаллий раҳбарлардан яна бири ЎзССР Халқ Комиссарлар Совети раиси Ф.Хўжаев бўлган. У 1925 йил ноябрда чақирилган Ўзбекистон Компартиясининг II съездида қилган “Иқтисодий қурилишнинг вазифалари тўғрисида” номли маърузасида пахта яккаҳокимлигига қарши чиқиб шундай деган эди: “Пахтачиликнинг жадал суръатлар билан кенгайтирилиши деҳқонларни Иттифокдан ғалла ва саноат моллари келтирилишига қарам қилиб қўйди, мабодо, Иттифокда қурғоқчилик бўлса ёки темир йўл ишида камчилик бўй берса, унда жиддий ҳалокат келиб чиқади. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тўла тўқис пахта харид нархига, Иттифокдаги саноат моллари ва унда етиштирилган ғалла ҳосилига қарам бўлиб қолмаслиги керак”²⁷. Ўзбекистон марказнинг пахта хом ашё базасига айлантирилишига қарши фикр- мулоҳазаларни Турор Рисқулов, Султонбек Хўжанов, Иномжон Хидиралиев каби давлат

²⁶ Тайны национальной политики ЦК РКП. – Стенографический отчет секретного IV совещания ЦК РКП, 1923. – М.: 1992. – С. 80.

²⁷ Хўжаев Ф. Танланган асарлар. -Тошкент: Фан, 1978. II – жилд – Б. 657.

арбоблари ҳам Москвадаги, Тошкентдаги партия, совет курултойларида ва бошқа турли йиғинларида кўп мартаба айтишган. Иттифок ҳукумати раҳбарлари миллий республика вакиллари фикрлари билан асосан ҳисоблашмас эдилар, ҳамда уларни маҳаллийчиликда айблаб, стратегик ҳом ашё бўлиш пахтани марказга ташиб кетиш сиёсатини қатъий равишда давом эттирдилар.

Юқоридаги таъкидланган материаллар тахлили асосида шундай ҳулоса келиб чиқадики, совет ҳукумати ва унинг бошида турган коммунистик партия аграр соҳада Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатини давом эттириб, аввал Туркистон, кейин Ўзбекистонни марказнинг пахта ҳом ашё базасига айлантириш ва етиштирилган пахтани олиб чиқиб кетиш сиёсатини юргизган. РСФСР ва кейинчалик иттифок ҳукумати қарорларида республикани узоқ вақт марказга ҳом ашё етказиб берувчи ўлка бўлиб қолиши белгиланиб қўйилган эди. РСФСР Меҳнат ва Мудофаа Советининг 1921 йилдаги Бош пахта қўмитасини ташкил қилиш тўғрисидаги қарорида пахтачиликни тиклаш ва ривожлантириш ҳамда етиштирилган пахтани марказга олиб кетиш вазифаси юкланган эди. Бош пахта қўмитаси пахтачиликни тиклаш ва ривожлантириш мақсадида барча зарур чора-тадбирларни кўрган. Туркистон, кейинчалик Ўзбекистонда етиштирилган пахтанинг 90 фоизи марказнинг тўқимачилик корхоналари учун ташиб кетилган. Пахтачилик соҳаси тикланиб, пахта етиштириш ҳажми ортган сари марказ томонидан ташиб кетиладиган пахта миқдори ҳажми ҳам ортиб борган. Ўзбекистон пахтаси марказга поезд тармоғи орқали Оренбург ва Красноводск йўналишлари бўйича жўнатилиб, йил давомида ҳар ойда маълум миқдорда юборилиб турган. Шу билан бирга, пахтадан олинadиган бошқа маҳсулотлар – пахта ёғи, совун, линтер пахта, кунжара, шелуха ҳам доимий равишда марказга жўнатиб турилган.

СССР нинг тамомила режали иқтисодиётига ўтиши, беш йиллик режаларнинг белгиланиши, қишлоқ хўжалигида коллективлаштириш сиёсатини амалга оширилиши-пахтага бўлган эҳтиёжни юқори поғонага

кўтариб борди. Ташқи сиёсатдаги қарама-қаршилик руҳи эса ҳарбий саноатга пахта таъминотини кескин тарзга солиб қўйди.

II. БОБ. СССР ДИРЕКТИВ ОРГАНЛАРИНИНГ ПАХТА МУСТАҚИЛЛИГИНИ МАЖБУРИЙ ЙЎЛ БИЛАН АМАЛГА ОШИРИШИ ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ПАХТА ХОМ АШЁ БАЗАСИГА АЙЛАНТИРИЛИШИ

2.1. СССР пахта мустақиллигининг таъминланиши ва Ўзбекистоннинг асосий пахта етиштирувчи республикасига айлантирилиши

Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йиллардан бошлаб аввал Туркистон, кейинчалик Ўзбекистон ҳукумати олдида ўлкани марказнинг асосий пахта хом ашёси базасига айлантириш вазифаси қўйилди. Ўрта Осиёда пахтачилик соҳасини жадал суръатлар билан тиклаш ва ривожлантириш борасида тегишли чора-тадбирлар амалга оширила бошланди. Натижада, 1924-1928 йиллар оралиғида Ўзбекистон деҳқонлари давлатга 1961,1 минг тонна пахта топширдилар. Республикада етиштирилган пахтанинг асосий қисми, яъни 90 фоиздан кўпроғи табиийки марказга олиб чиқиб кетилар эди.

XX аср 20-йилларининг иккинчи ярмида совет ҳукумати томонидан Иттифокни индустрлаштириш сиёсатига доир тадбирлар комплекси ишлаб чиқилиб тез орада у амалга оширила бошланди. Шу муносабат билан Иттифокда тўқимачилик саноати хом ашё базасини кенгайтириш ва

СССРнинг пахтачилик соҳасидаги “капиталистик дунёга” қарамлигини тугатиш вазифаси олға сурилди. Бундан кўзланган асосий мақсад-пахта етиштиришни кўпайтириб, тўқимачилик саноатини Иттифоқда етиштирилган пахта хом ашёси билан таъминлаш, индустрлаштириш сиёсати учун маблағни тежаш ҳам бўлган. Шу билан биргаликда чет мамлакатлардан пахта сотиб олишдан тежалган валютани янги технологиялар сотиб олишга ишлатиш ва индустрлаштиришни жадаллаштириш назарда тутилган эди. Шундай қилиб, индустрлаштиришни тезлаштириш учун маблағни мамлакат қишлоқ хўжалиги, жумладан, пахтакор хўжаликлардан олиш ҳам марказ ҳукумати режаларидан жой олган эди. Шу мақсадда 1929 йил 18 июлда ВКП (б) МК си “Бош пахта кўмитасининг иши тўғрисида” қарор қабул қилди. Ушбу қарор Иттифоқ ҳукуматининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муштамлака зўравонлик сиёсати моҳиятидан келиб чиқиб, марказнинг тўқимачилик саноатини Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон пахта хом ашёси билан таъминлашга, СССРни чет эл пахта қарамлигидан озод қилишга қаратилган эди. Шу билан бирга, бу қарор Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Қарорда пахтачилик соҳасида илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш, пахтакор районларда тажриба ишларини яхшилаш, пахта далаларини янги техника билан таъминлаш, пахтачиликни механизациялаштириш, химиялаштириш бўйича қатор тадбирлар белгиланди, мутахассис кадрлар тайёрлаш, пахтакорлар орасида агротехника билимларини кенг тарқатиш чоралари кўрилди. Бир вақтнинг ўзида аҳолини саноат ва озиқ-овқат моллари билан таъминлаш масаласига ҳам эътибор берилди. Пахта майдонларини кенгайтириш мақсадида ирригация қурилишларини жадаллаштириш ҳам режалаштирилди. Қарорда белгиланган тадбирлар мамлакатда, жумладан, Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантиришда муҳим роль ўйнади.

Қарорда пахта майдонларини кенгайтириш учун сув хўжалик ишлари режасини қайта кўриб чиқиш, кичик ирригация қурилиши, яъни маҳаллий аҳоли суғориш тизими – ариқлар қурилиши ва тикланишини жадаллаштириш ҳамда дам берилган партов ерларни ўзлаштириш, ишга солиш вазифаси ҳам қўйилган эди.

ВКП(б) МК топшириғидан келиб чиқиб, сув хўжалик органлари беш йиллик режасини қайта кўриб чиқди. 1929/30 йилда Ўрта Осиёда майда ирригация қурилиши бўйича пахта майдонининг ўсиши 50615 гектар миқдорида мўлжалланган бўлса, бу рақамлар оширилиб, майда ирригация қурилиши ҳисобига пахта майдонининг ортиши 101715 гектар қилиб белгиланди. Жумладан, Ўзбекистон бўйича ВКП(б) МК қарорига қадар 1929 йилги ўсиш 26040 гектар этиб белгиланган бўлса, режа қайта кўриб чиқилиб, кичик ирригация қурилиши ҳисобига пахта майдонининг ўсиши 41200 гектар қилиб белгиланди²⁸. 1929 йилда майда қурилиш ишлар ҳажмида эски бузилган ариқ ва анҳорларни тиклаш ва қисман қайтадан қуриш йўли билан амалга оширилган.

Қарорда йирик ирригация қурилишига ҳам алоҳида эътибор берилган. Марказкомнинг Чирчиқ-Ангрен, Вахш, Мирзачўл ирригация қурилишларини тезлаштириш тўғрисидаги кўрсатмасини бажара бориб, Бош пахта кўмитаси бу объектлар бўйича илмий-тадқиқот ишларини ва лойиҳалар тузишни жадаллаштириш чораларини кўрган.

Чирчиқ-Ангрен районини суғориш схемаси Олий сув техник совети томонидан 1930 йил февралда кўриб чиқилган ва тасдиқланган. Бу райондаги Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилидаги Бўзсув, Зах ариқларидаги ва Ангрен тармоғининг чап соҳилидаги қурилиш ишлари биринчи навбатдаги суғориш объеклари ҳисобланган. Бу ишлар туфайли 242 минг гектар майдонни, шундан 172 минг гектар янги ерларни суғориш мўлжалланган эди.

²⁸ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р, 1059-йиғма жилд, 16-в.

Вахш водийсидаги ирригация қурилиши ишларини тезлаштириш чоралари ҳам белгиланган. Техник лойиҳани ишлаб чиқишни якунлаш ва тасдиқлаш 1931 йил 1 майга мўлжалланган эди. Бу лойиҳа бўйича Вахш водийсида 208 минг гектар майдон, жумладан, 100 минг гектарга яқин янги ерларни суғориш белгиланган эди²⁹. Мирзачўлни суғориш лойиҳаси ҳам қайта кўриб чиқилган ва техник лойиҳани тасдиқлаш 1930 йил 1 октябрга мўлжалланган эди. Меҳнат ва Мудофаа Советининг 1929/30 йилги пахта бўйича назорат рақамлар тўғрисидаги қарорида сув хўжалиги органларига ирригация қурилишлари натижасида Ўрта Осиё бўйича пахта майдонини 130 минг гектарга ўстириш топширилган³⁰.

ВКП(б) МК қарорида пахта экин майдонларини кенгайтириш мақсадида пахта етиштириш учун яроқли бўлган суғориладиган ерлардан бошқа экинларни лалми ерларга сиқиб чиқариш вазифаси қўйилган эди. Бу кўрсатмани амалга ошириш учун Ўрта Осиё иқтисодий кенгаши (Средаз ЭКОСО) президиуми 1929 йил 12 августда “Ғалла экинларини суғориладиган ерлардан лалми ерларга сиқиб чиқариш” масаласини кўриб чиқди. Қабул қилинган қарорда 1930 йилги ғалла экинларини суғориладиган ерлардан сиқиб чиқариш режаси 120 минг гектар ҳажмида белгиланган³¹. Ўрта Осиё республикалари Халқ Комиссарлари Советларига қарорни округлар, районлар, қишлоқлар бўйича пировардида ҳар бир деҳқон хўжалигигача етказиш ва ғалла экинларини сиқиб чиқариш режасини белгилаш топширилди. Қишлоқ режаларини камбағал-батрақлар мажлисларида муҳокама қилиш зарурлиги уқтирилган. Қулоқ хўжаликларида пахта экиш ва режа билан белгиланган миқдорда кузги ғалла экиш бўйича қатъий топшириқлар бериш вазифаси юкланган.

Совет давлатида етакчи мафкуравий йўлбошчи бўлан Коммунистик партия 20-йиллардан бошлаб нафақат сиёсий вазифалар билан, балки

²⁹ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 1059-йиғма жилд, 17-в.

³⁰ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 1424-йиғма жилд, 14-в.

³¹ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 2737- йиғма жилд, 44-в.

давлат, хўжалик ишларини бошқаришни ҳам ўз қўлида мужассам қилди. ВКП(б) МКнинг 1929 йил 18 июлдаги қарорига асосан, Бош пахта қўмитаси ва бошқа давлат-хўжалик ташкилотларининг пахта майдонларини кенгайтириш борасида амалга оширган чора-тадбирлари натижасида пахта экин майдонлари жадал равишда ўсди. Ўрта Осиё бўйича пахта майдонлари 1928 йилда 781,8 минг гектарни ташкил қилган бўлса, 1929 йилда 1084,2 гектарга етган, яъни 40 фоизга ёки 302464 гектарга ўсган³². Ўрта Осиё ва Қозоғистонда 1931 йил баҳорида суғориладиган ерлардаги пахта майдони 351,9 минг гектарга ўсган³³. Ўсиш, асосан, ирригация қурилиши ва ғалла экинларини сиқиб чиқариш ҳисобига амалга ошган. Пахта экин майдонларини кенгайтиришга қулай шароит яратиш учун 1929-1932 ва кейинги йилларда пахтакорларга қишлоқ хўжалик солиғи ва сув учун йиғинлар бўйича турли хил имтиёзлар берилиб, пахта экин майдонларига сув учун йиғинлари имтиёзли ставкалар бўйича олина бошланди. Сув хўжалик бошқармаси эса пахта экинларига биринчи навбатда сув беришни кафолатлади³⁴.

Илгари ғалла экилган суғориладиган ерларга экилган пахта майдонларини солиқдан озод қилиш, лалми ерларга ғалла эккан деҳқонларга солиқ бўйича имтиёзлар бериш ва суғориладиган ерларда экилган ғалла майдонларига солинадиган солиқ миқдорини ошириш, уларга сув беришни қисқартириш каби чора-тадбирлар ғалла экинларини лалми ерларга сиқиб чиқарди. Суғориладиган ерлар ўз навбатида пахта экинига бўшатиб берилди. Пахта мустақиллиги учун курашнинг дастлабки йилларида пахта майдонлари, асосан, шу йўл билан кенгайтирилди. Суғориладиган ерларда ғалла экинлари экиладиган майдонлар ҳажми пахта мустақиллиги учун кураш йиллари муттасил қисқариб борди. 1928 йилда Ўзбекистонда 495 минг гектар суғориладиган ерларда дон экинлари

³² ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 1551- йиғма жилд, 1-в.

³³ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 1603- йиғма жилд, 2-в.

³⁴ ЎзР МДА, 86-ф., 1-р., 3628- йиғма жилд, 8-в.

экилган бўлса, 1930 йилда 335, 1931 йилда 282, 1932 йилда 204, 1933 йилда 192 минг гектар суғориладиган ерга дон экилди, холос³⁵. 1928-1933 йиллар ичида 300 минг гектардан ортиқ дон экинлари экиладиган суғориладиган ерлар пахта ва бошқа экинлар экиш учун бўшатиб берилди. Дон экинларини сиқиб чиқаришда, айниқса, колхозларда иқтисодий усуллар билан бир қаторда, ўша йиллари авж олган бошқарувнинг зўравонлик ҳамда маъмурий-буйруқбозлик усуллари ҳам кенг қўлланди.

Пахта экин майдонларини кенгайтиришнинг яна бир йўли янги ерларни ўзлаштириш бўлган. Шу мақсадда давлат ирригация-мелиорация ишларига катта ҳажмда капитал маблағ ажратди. Ўзбекистон ирригациясини ривожлантириш учун 1929-1932 йилларда 235 млн. рубль сарфланди. Шу даврда йирик ирригация қурилиши ишлари олиб борилиб, қатор янги ерлар ўзлаштирилди, мавжуд суғориладиган ерларнинг сув билан таъминланиш даражаси яхшиланди ва пахта экин майдонлар ҳажми ортди. Ўша йилларда Тошкент вилоятидаги Мирзачўл, Далварзин чўлларида ва бошқа ер массивларида 84725 гектар, Фарғона вилоятидаги Учқўрғон, Савай, Бўз чўлларида 25904 гектар, Самарқанд вилоятида 21386 гектар, Бухоро вилоятида 15 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилди³⁶.

Республикада олиб борилган катта ҳажмдаги ирригация-мелиорация ишлари натижасида 1929-1932 йилларда суғориладиган ерлар майдони 1180 минг гектардан 1516 минг гектарга ўсди. Шу даврда пахта экин майдонлари 70 фоизга ортиб, 1932 йилда 1027 минг гектарни ташкил қилди. Пахта ялпи ҳосили 804 минг тоннага етди ёки 1928 йилга нисбатан 1,5 баравар кўпайди³⁷. Пахта етиштириш 1929-1932 йилларда, асосан, пахта экин майдонининг кенгайиши ҳисобига ортди. Ўз навбатида пахта ҳосилдорлиги даражаси эса ўсмади, пастлигича қолди. 1931 йилда Ўзбекистонда пахта ҳосилдорлиги гектаридан 7,4 центнерни, 1932 йилда

³⁵ Раззоқов А. Ўзбекистонда пахтачилик тарихи. –Тошкент: 1994. - Б.134.

³⁶ Ирригация Узбекистана. - Ташкент: Фан, 1975. Т.1. - С. 182-183.

³⁷ Хлопководство Узбекистана за 50 лет. – Ташкент: 1967. - С. 23-24.

7,9 центнерни ташкил қилган эди. Шундай қилиб, биринчи беш йилликнинг охирига келиб, яъни 1932 йилда амалда Иттифоқнинг пахта мустақиллиги таъминланди. 1928 йилда СССРнинг пахтага бўлган эҳтиёжи ички ресурслар ҳисобига 59 фоизга қондирилган бўлса, бу кўрсаткич 1932 йилга келиб 94,2 фоизга етган. Чет элдан келтирилган пахта ҳажми эса шу даврда 41 фоиздан 5,2 фоизга камайган³⁸.

Пахтачиликни ривожлантириш, пахта майдонларини кенгайтиришда янги европача типдаги деҳқончилик қурулларининг аҳамияти катта эди. Шунини ҳисобга олиб, пахта мустақиллиги учун кураш шароитида пахта экин майдонларини жадал ўстиришда янги типдаги деҳқончилик қурулларини кенг жорий қилиш муҳим вазифалардан бири эди. Россиядан келтирилган қишлоқ хўжалик машиналари Ўзбекистонда пахтачиликнинг ўсишини таъминламай олмас эди. Шунинг учун “Бош пахта кўмитаси тўғрисида”ги қарорда Ўрта Осиёда махсус пахта асбоб-ускуналари (сеялкалар, культиваторлар, окучник-чопик асбоблари) ишлаб чиқариш учун завод қуришга шошилишч киришиш ва бир йил ичида тугатиш топширилган эди. Завод Бош пахта кўмитасининг Тошкентдаги механик устахоналари асосида қурилди. Завод қурилишига фақат ишчи, инженерларгина эмас, балки республика колхозчилари ҳам жалб қилинди. Заводнинг биринчи навбати 1930 йил 1 майда ишга туширилди. Мазкур корхона К.Е.Ворошилов номи “Сельмаш” заводи деб номланди. “Сельмаш” заводи 1932 йилдан бошлаб сеялкалар, культиваторлар, культиватор-чизеллар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқара бошлади³⁹.

ВКП(б) МҚ қарорида биринчи беш йилликда пахтакор районларга 15 минг трактор, шундан 1929/30 хўжалик йилида 2200 та трактор етказиб бериш топширилган эди. Бош пахта кўмитаси бу топшириқни бажариш

³⁸ Вахобов М.Г. Формирование хлопково-промышленного комплекса в Узбекистане. – Ташкент: Узбекистан, 1981. – С.79.

³⁹ История развития механизации хлопководства в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1985. – С.55.

учун аниқ режа тузди. Пахтакор районларга 1929/30 йилда 2307 та, шундан баҳорги экин компаниясига 2043 та, кузги экин компаниясига 254 та трактор келтириш режалаштирилди. Баҳорги экин компаниясига белгиланган 2043 трактордан 1664 тасини Ўрта Осиёга, 210 тасини Кавказ ортига, 169 тасини янги пахта районларига юбориш режалаштирилган эди. 1930 йил 10 мартига Ўрта Осиёга 1425 та трактор етказиб берилган ва 239 таси йўлда эди⁴⁰.

Бош пахта қўмитаси пахта ҳосилдорлигини ошириш учун пахтакор хўжаликларга агрономия ёрдамини кенгайтирган, аҳолининг агрономия саводхонлигини ўстиришга ҳар тарафлама кўмаклашган. 1928 йилда Ўрта Осиёда аҳолига агрономия ёрдами 68 та агропункт орқали амалга оширилган эди. 1929 йилда пахтакорларга агрономия ёрдамини кучайтириш учун Бош пахта қўмитаси 112 та агропункт очишга 1.017618 рубль, комплекс агрономия тадбирларини ўтказишга 94548 рубль ажратган.

ВКП(б) МҚнинг қарори асосида Меҳнат ва Мудофаа Совети 1929 йил 13 сентябрда 1930 йилда Ўрта Осиёдаги агропунктлар сонини 280 тага етказишга қарор қилган эди. Бош пахта қўмитаси ва пахта кооперацияси ташкилотлари томонидан баҳорги экин компаниясига Ўрта Осиё республикаларида 305 та агропункт тузилди⁴¹. Агротехника фани ва пахтачилик соҳасидаги тажриба ишлари ютуқларини пахтачиликка жорий қилишда, пахтакор деҳқонларнинг агрономия бўйича саводхонлигини оширишда агропунктлар муҳим аҳамият касб этган. Улар пахта ҳосилдорлигини ошириш, умуман, пахта етиштиришни ўстириш ишига маълум даражада ҳисса қўшган.

Пахта заводлари чигитларини навли чигитлар билан алмаштириб экиш, булғанган уруғликни тоза навлиси билан алмаштириш, чигит

⁴⁰ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 1019- йиғма жилд, 22-в.

⁴¹ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 2641- йиғма жилд, 2-в.

навларини районлаштириш, яъни ҳар бир районнинг табиий шароитига мос келадиган навни экиш чигитдан чиқадиган тола миқдорининг ортишида, пахта ҳосилдорлигининг ўсишида катта аҳамиятга эга бўлган. Шунини ҳисобга олиб, ВКП(б) МҚ ўз қарорида пахта экишни тоза навли уруғлик материали билан тўла таъминлаш, булганган уруғликни тоза навлисига ўз вақтида алмаштириш ва бунинг учун уруғлик хўжаликларини ривожлантириш вазифаси қўйилган эди. Пахтакор совхозларнинг суғориладиган ерлари майдонини Иттифоқ бўйича беш йилликда 250 минг гектарга етказиш тўғрисида марказком директива берилган эди. Бош пахта қўмитаси бу топшириқни бажариш учун пахтакор совхозлар сони ва пахта экин майдонларини йилдан-йилга орттириб борди. 1928 йилда совхозларнинг умумий экин майдони 51,7 минг гектар, шундан 38,6 минг гектари пахта майдони бўлган бўлса, 1931 йилда уларнинг умумий экин майдони 282,2 минг гектар, шундан 177,2 минг гектари пахта майдони бўлган⁴². Бу совхозлар пахтачиликни тоза навли уруғлик материал билан таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнаган. 1930 йил 1 мартга келиб совхозлар 5 минг тонна уруғлик етказиб берган. Бундан ташқари, Америкадан 41 тонна, Мисрдан 816 тонна уруғлик ҳам олиб келинган⁴³.

Пахта ҳосилдорлигини оширишдаги энг самарали омил ўғит ҳисобланади. Шунини ҳисобга олиб, Бош пахта қўмитаси пахта далаларини ўғитлашни ташкил қилишга алоҳида эҳтибор берган. Пахта кунжараси ва гўнгдан фойдаланишни кенгайтириш, улардан самарали фойдаланиш чораларини кўрган. Иттифоқ ҳукумати олдида минерал ўғитларни чет элдан сотиб олишни ва иттифоқда ишлаб чиқаришни кенгайтириш таклифларини қўйган. Натижада, Ўрта Осиёга келтирилган минерал ўғитлар миқдори ва жойида етиштирилган кунжара ва органик ўғитлар миқдори йилдан-йилга ортиб борган. 1929 йилда пахта майдонларини ўғит

⁴² ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 1695- йиғма жилд, 13-в.; 1654- йиғма жилд, 29-в.

⁴³ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 1059- йиғма жилд, 23-в.

билан таъминлаш учун Бош пахта қўмитаси Ўрта Осиёга 9,6 млн. рубль ажратиб шу билан Ўрта Осиёда 220 минг гектар ерни ўғитлаш мўлжалланган эди. Шу даврда пахта далаларини ўғитлаш ишлари учун минерал ўғит, кунжара ва гўнг ишлатилган. Бош пахта қўмитаси минерал ўғитни кунжара билан аралаштириб, пахта кооперацияси ширкатлари орқали пахтакорларга таннархидан анча арзон 16 кг.ни 80 копейкадан тарқатган. Ўрта Осиёнинг узоқ районларига (Тошҳовуз, Хоразм, Қорақалпоғистон) кунжаранинг ўзини юбориб, ўша нархда тарқатган⁴⁴.

Ўз навбатида совет ҳукумати 1930 йилда чет элдан минерал ўғит келтириш учун 13,5 млн. рубль ажратган. Бу минерал ўғитларнинг 75 фоизи пахтакор районларга баҳорги экин кампаниясига келтириб берилган⁴⁵. ВКП(б) МКнинг 1929 йил 18 июлдаги қарорида қўйилган мамлакат тўқимачилик саноатини чет эл пахтаси қарамлигидан озод қилиш, шу муносабат билан пахтачиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш вазифаси пахтачилик, сув хўжалиги бўйича катта миқдорда олий ва ўрта махсус малакали кадрларни талаб қилар эди. Шунинг хисобга олиб, қарорда Ўрта Осиёда пахтачилик ва ирригация бўйича мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрти ташкил қилиш вазифаси қўйилиб, Иттифок институтларида ирригатор-техник ходимлар тайёрлашни кучайтириш топширилган. Айрим ўқув юртларига яқин вақтда битирадиган агроном ва инженерларнинг асосий қисмини пахта ва сув хўжалиги муассасаларига ажратиб қўйиш вазифаси юклатилган.

Пахта етиштириш топшириғини амалга ошириш учун Меҳнат ва Мудофаа Совети пахта бўйича 1929-30 йилги назорат рақамлар тўғрисидаги СССР Олий халқ хўжалик кенгашига пахтачилик бўйича агрономия ходимлари, сув хўжалигига ирригаторлар, пахтачилик саноати учун инженерлар тайёрлаш учун Тошкент шаҳрида уч минг нафар талаба

⁴⁴ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 1086- йиғма жилд, 78-в.

⁴⁵ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 2641- йиғма жилд, 2-в.

ўқишга мўлжалланган олий ўқув юртини ташкил қилиш вазифаси топширилди. РСФСР ҳукуматига бу ўқув юртини ўқитувчи ходимлар билан таъминлашда ёрдам бериш вазифаси юклатилди. Пахтачилик ва ирригация бўйича мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари сонини кўпайтириш, Бош пахта қўмитасига бу институтларга моддий ёрдам кўрсатиш масъулияти юкланган. Шунингдек, Бош пахта қўмитасига институт ва техникумлар талабалари билан шартнома тузишни кенг қўллаш таклиф қилинган⁴⁶.

Бош пахта қўмитаси маълумотига кўра, Тошкентда Ўрта Осиё пахтачилик ирригация политехника институти очилиб, режа бўйича 3500 нафар ёшларни қабул қилиш мўлжалланган. 1930 йил 1 январгача 300 талаба қабул қилинган. Унда қуйидаги факультетлар ташкил қилинган: 1. Ишчи; 2. Пахтачилик-агрономия; 3. Сув хўжалиги; 4. Технология; 5. Колхоз-совхоз; 6. Қурилиш; 7. Механика⁴⁷. Олий ўқув юртлари ва техникумларининг 1500 нафар битирувчи талабалари билан пахта ва сув хўжалик ташкилотларида ишлаш тўғрисида шартнома тузилган⁴⁸.

Бош пахта қўмитаси ВКП(б) МКнинг 1929 йил 18 июль қарорида кадрлар тайёрлаш юзаси бўйича қўйилган вазифаларни бажариш учун қатор тадбирларни амалга оширган. 1930 йил октябргача пахтачилик учун 224 нафар раҳбар ходимлар, 837 нафар ўрта бўғин ходимлари, 44497 нафар қуйи бўғин ходимлари, жами 48600 нафар ходимлар тайёрланган ва улар ҳар хил курсларда қайта тайёрланган.

Пахта тайёрлаш, яъни контрактация қилинган хом пахтани пахтакор хўжаликлардан сотиб олиш кампанияси пахта ташкилотлари учун ўта муҳим тадбир ҳисобланган. Бу кампания жараёнида пахта сотиб олиш, уни пахта заводида тозалаш, пахта толасини марказ тўқимачилик фабрикаларига юбориш режаларини тўла бажариши ва амалга оширилиши

⁴⁶ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 1424- йиғма жилд, 15-в.

⁴⁷ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 1059- йиғма жилд, 29-в.

⁴⁸ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 1059- йиғма жилд, 29-в.

керак бўлган. Тегишли ташкилотлар ҳар йили пахта терими олдидан бу кампанияни амалга оширишга пухта тайёргарлик кўрган.

1930 йил 2-4 июлда ишчи-деҳқон инспекцияси ходимларининг пахта ташкилотлари вакиллари иштирокидаги Ўрта Осиё кенгашида 1930/31 йил мавсумида хом пахтани сотиб олишга тайёргарлик тўғрисидаги масала муҳокама қилинган⁴⁹. Кенгаш қабул қилган резолюцияда пахта сотиб олиш кампаниясини ўтказиш бўйича тегишли ташкилотларга қуйидаги таклиф ва тавсиялар берилган. Бу кампанияни ҳам партия, ҳам совет, ҳам жамоат ташкилотларининг тўла тайёргарлиги ва омманинг кенг жалб қилиниши орқали муваффақиятли равишда амалга ошириш мумкин бўлган. Бошланаётган пахта сотиб олиш кампаниясини ташкил қилиш асосига колхоз, кооперация ва камбағаллар жамоат ташкилотларини жипслаштирган пахтакор ташаббуси ва фаоллиги қўйилиши керак бўлган. Район ижроия қўмитаси ва қишлоқ советларида бу кампанияни жойларда амалга оширишга раҳбарлик қилувчи марказ бўлиши зарурлиги белгилаб қўйилган. Кампания даврида пахтакорларни ғалла ва саноат моллари билан етарли даражада таъминлаш чора-тадбирларини кўриш лозимлиги ҳам уқтирилган.

1930-1931 қишлоқ хўжалик йилида пахта сотиб олиш кампаниясига раҳбарлик қилиш учун Ўрта Осиё иқтисодий кенгаши ҳузурида Ўрта Осиё пахта сотиб олиш бўйича комиссияси ва жойларда пахта сотиб олиш бўйича вакилликлар ташкил қилинган эди. Бундай комиссия ва вакилликлар одатда ҳар йили тузилган. Фактлар шундан далолат берадики, пахта терими ва марказнинг тўқимачилик фабрикаларига жўнатиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўрилиб, қатъийлик билан амалга оширилган. Бу кампанияга алоқадор барча ташкилотлардан ўзларига юклатилган вазифани сўзсиз бажариш талаб қилинган. Ўз

⁴⁹ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 1775- йиғма жилд, 17-18 в.

вазифасини бажаришга масъулиятсизлик билан қараган раҳбарлар қатъий тарзда жазоланиб, эгаллаб турган лавозимларидан бўшатишган.

Контрактация қилинган пахта режасини бажармаган деҳқон хўжаликларига ҳам қатъий чоралар кўрилган. 1930 йил декабрь ойида Ўрта Осиё иқтисодий кенгаши контрактация қилинган пахтани ўз вақтида териб олиш ва пахта заводларига етказиб беришини таъминлаш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш тўғрисида пахта ташкилотларига телеграмма юборган¹. Унда, “Биринчидан, пахта топширмаган, шунингдек шунингдек 75 фоиздан кам топширган пахтакор хўжаликларни зудлик билан аниқлаш, сабабини очиб бериш, маъмурий чоралар кўриш йўли билан контрактация қилинган пахтани топширишга мажбур қилиш, намунали судлар ташкил қилиш буюрилсин. Иккинчидан, район ижроия кўмитаси ва қишлоқ совети раисларига ёмон ниятда пахта режасини бажармаган пахтакорларга контрактация қилинган пахта миқдоридан беш баробар кўп миқдорда жарима солиш. Учинчидан, бозор ва қишлоқларда пахта савдоси ман этилсин, савдогарлар кўлидаги пахта мусодара қилиниб, белгиланган нархларда ҳақ тўлансин. ... Олтинчи, ҳар бир хонадон терган пахтанинг қолдиғи ва ўсиб турган ғўзада қолган пахтаси текширилсин, дарров топширишга мажбур қилинсин, камбағал деҳқонлар пахтасини ташишга ёрдам қилинсин. Ҳисобга олинган пахтани топшириш учун жавобгарлик қишлоқ советларига юклансин, топширилишини назорат қилиш учун рўйхатлар етти кун ичида ширкатларга юборилсин. Бу тадбирларни амалга оширишга округларда фаоллар ва пахта ходимлари жалб қилинсин, ҳар бир ширкатга биттадан масъул ходим тайинлансин. Еттинчи, контрактация қилинган пахтанинг 60 фоизидан кам топширганларга ғалла бериш тўхтатилсин, 75 фоизгача топширганларга шартномада белгиланган ғалланинг 60 фоизи, 75 фоиздан ортиқ пахта

¹ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 1775- йиғма жилд, 425-в.

топширганларга тўла норма берилсин”,-дея алоҳида таъкидланган эди¹. СредазЭКОСО телеграммасини олгач, Бош пахта қўмитаси ва Пахта кооперацияси Бутуниттифоқ бюроси дарҳол барча пахта акционерлик жамиятлари ва республика пахта кооперацияси уюшмаларига фармойиш юборди². Фармойишда СредазЭКОСО топшириғини шарҳлаб тушунтириш билан бирга, барча кучлар режани 100 фоиз бажаришга, контрактация қилинган пахтани тўлиқ сотиб олишга жалб қилиниши зарурияти уқтирилган.

Камбағаллар мажлисларида қулоқ хўжаликларининг барча пахтани топшириши тўғрисида қарор қабул қилиш ва бой қулоқлар орасидаги қасддан пахта топширмаганларни судга бериш тўғрисида кўрсатма берилган. Совет органлари Иттифоқни пахта қарамлигидан озод қилиш учун курашни кучайтириб, пахтани мажбурий йўллар билан етиштириш, тайёрлаш усулларини қўллаган. Шундай усуллардан бири “қулоқ” хўжаликларига мажбурий пахта топшириш вазифасини юклаш бўлган. Бундай тадбирлар фақат пахта етиштиришни кўпайтириш учун эмас, советлар учун ундан ҳам муҳими “қулоқ”ларнинг тинкасини қуритиш, охир-оқибатда уларни тугатиш мақсадида амалга оширилган. Бу масала ўз навбатида давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети 1929 йил 13 декабрда “Қулоқ-бой хўжаликларининг белгиланган нормадаги пахта майдонини экишини таъминлашга таъсир қилиш чоралари тўғрисида” қарор қабул қилган.

Қарорда шундай дейилган: “Қишлоқ фуқароларининг умумий мажлисларига қишлоқ қулоқ-бой хўжаликлари бажариши қатъий, мажбурий бўлган қуйидагиларнинг миқдорини белгилаш ҳуқуқи берилсин:

- а) уларга тегишли суғориладиган ерларда пахта экиш;
- б) бу ерлардан пахтадан ташқари экинларни сиқиб чиқариш;

¹ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 1775- йиғма жилд, 425-в.

² ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 1775- йиғма жилд, 426-в.

в) ушбу қишлоқ учун қабул қилинган гектаридан топшириладиган пахтанинг контракция нормасига мувофиқ топшириладиган пахта ҳосили миқдори”¹.

Қарорда “қулоқларга топшириқни қишлоқ фуқаролари мажлиси белгилайди” дейилган эди, лекин амалда кимларни “қулоқ” қилиш, уларга топшириладиган пахта миқдорини совет органлари белгилаган, таклиф киритган ва мажлисда зўрлик билан тасдиқлатган.

Ҳукумат қарорининг кейинги бандларида қишлоқ советига унинг пахта майдони, сиқиб чиқариладиган ғалла экинлари майдони, топшириладиган пахта миқдори тўғрисидаги топшириқларидан бирортасини бажаришдан бош тортган “қулоқ” хўжаликларига маъмурий йўл билан жарима солиш ҳуқуқи берилган. Шунингдек, жаримани тўламаган тақдирда мол-мулкини мусодара қилиш, бу жазоларни бажармаган ҳолда тегишли зироат органлари олдига уларнинг ерини мусодара қилиш масаласини қўйиш, пахта бўйича топшириқни қасддан бажармаганларни “аксиниқилобчи” сифатида судга бериш ҳуқуқи берилган.

1930-1932 йилларда ҳам қулоқларни чеклаш ва тугатишга қаратилган партия-совет органлари қарорлари эълон қилинган. Бу қарорлар тўғрисида коллективлаштириш масаласига бағишланган параграфда муфассал тўхталиш мақсадга мувофиқ, шунинг учун бу ўринда “қулоқ”ларнинг белгилари тўғрисидаги йўл-йўриқларнинг фақат пахтачилик соҳаси билан боғлиқ томонларига эътибор бермоқ даркор. Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Совети 1930 йил 6 апрелда “Меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодекси тадбиқ этилиши лозим бўлган қулоқ хўжаликларининг белгилари ва шундай хўжаликларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида”ги қарорни қабул қилган. Қарорда “қулоқ” хўжаликларини аниқлаш қоидалари белгиланган. Қарорда “ўз пахта майдонининг ярмидан кам бўлмаган

¹ ЎзР МДА, 86-ф., 12-р., 5401- йиғма жилд, 379-в.

қисмига пахта экадиган... хўжаликларда бир мавсумда 150 кундан ортиқ ёлланма меҳнатдан фойдаланадиган хўжаликлар қулоқ хўжалиги ҳисобланади”, деб кўрсатилган¹. Табиийки пахта экини катта меҳнат талаб қиладиган экин ҳисобланади. Лекин, ўз ерига пахта эккан хўжаликлар доимий ёлланма меҳнатдан фойдаланганлари учун “қулоқ” ҳисобланган.

Ўрта Осиё бюроси 1930 йил 18 ноябрда “Пахта тайёрлашни жадаллаштириш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида” қарор қабул қилган². Қарорда қулоқ хўжаликларига пахта топшириш бўйича қатъий мажбурият берилган, уларга пахта топшириш муддатини қисқартириш ҳақидаги қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш райондаги “учлик” зиммасига юклатилган. Жумладан, “белгиланган муддатда пахта топширмаган қулоқ хўжаликлари жавобгарликка тортилсин”, деб таъкидлаган кўрсатма ҳам қарордан жой олган эди. Ўрта Осиё республикаларидаги ОГПУ ходимлари 1931 йил апрель ойидан 1 августгача 7739 нафар шахс, жумладан, Ўзбекистон бўйича 2792 нафар шахсни “аксилинқилобчи” тамғаси остида қамоққа олган³. Шулар орасида, шубҳасиз, пахта топшириш режасини “қасддан топширмаган”, дея “аксилинқилобчи” сифатида қатағон қилинган “қулоқ”лар ҳам бўлган.

Конимех тумани бўйича район молия бўлимининг маълумотига кўра 41 нафар, район кооперация уюшмаси маълумотига кўра 121 нафар “қулоқ” хўжаликлари бўлган. Пахта топшириш режасини бажармаганлиги учун 41 нафар “қулоқ” хўжаликлари ҳар хил муддатларга қамалган ҳамда пахта ва бошқа мулки мусодара қилинган. Қолган “қулоқ” хўжаликларининг кўп қисмининг иши терговда эди⁴.

¹ ЎЗР МДА. 837-ф., 8-р., 311- йиғма жилд, 80-в.

² Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка (1929-1955 гг.). Документы и материалы. – Ташкент: Шарқ, 2006. Т.1. - С. 402-403.

³ Шамсутдинов Рустамбек. Кишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б. 122-123.

⁴ ЎЗР МДА, 473-ф., 1-р., 2245- йиғма жилд, 338-в.

Иттифоқнинг партия, хўжалик (Средазбюро, Средаз ЭКОСО, Главхлопком) органлари деҳқонларни ҳам зўрлаш, мажбурлаш, алдаш йўллари билан пахта етиштириш ва уни арзон нархда сотиб олиш, тегишли равишда марказ кўрсатмаси асосида жўнатиш чораларини кўрдилар. Пахта мустақиллигини таъминлаш учун кураш йиллари совет ҳукумати пахтачиликни ривожлантиришни жадаллаштиришга катта миқдорда маблағ ажратди, пахта экин майдонларини кенгайтирди, пахта етиштиришни кўпайтирди, марказга ташиб кетиладиган пахта толаси миқдорини орттирди. Пахта хом ашёсининг ўсиш суръати ҳам йилдан-йилга ортиб борди.

Ўрта Осиёда етиштирилган пахта хом ашёси 1928 йилда 719,4 минг тоннани ташкил қилган бўлса, 1929 йилда 765,8, 1930 йилда 967,8 минг тоннани ташкил этган¹. 1928 йилга нисбатан ўсиш 1929 йилда 6,3 фоизни, 1930 йилда 26,4 фоизни ташкил этган. Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда етиштирилган пахта маҳсулотлари – пахта толаси (барчаси), линтер, пахта ёғи, пахта кунжараси, совун Россияга, ҳамда маълум миқдорда чет элга сотиш учун ташиб кетилар эди. Марказга пахта толаси юборишга пахта терими бошланиб, заводларда тозаланиши биланок киришилган. Одатда, тўқимачилик фабрикаларига пахта толаси ортилган вагонлар сентябрнинг иккинчи ярмидан бошлаб юборилган. 1929 йил 1 октябрга қадар марказга Андижон округидан 2229 тонна, Фарғона округидан 598 тонна, Тошкент округидан 216 тонна, Зарафшон округидан 154 тонна, Бухоро округидан 390 тонна, Ўзбекистон бўйича 3663 тонна пахта толаси жўнатилган².

1930 йилги пахта ҳосилидан фақатгина 16 сентябрдан 20 сентябргача бўлган муддатнинг ўзида марказга 3433 вагонда 41196 тонна пахта толаси жўнатиш режалаштирилган эди³. 10 октябргача эса 125561 тонна хом пахта

¹ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 1654- йиғма жилд, 25-в.

² ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 1471- йиғма жилд, 40-в.

³ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 2435- йиғма жилд, 19-в.

сотиб олинган. Шундан 21398 тонна пахта толаси марказга жўнатилган¹. (8- 9- иловалар) Иловаларда берилган маълумотга кўра Ўзбекпахта ташкилоти 1929 йил 20 декабрга қадар 489550 тонна пахта сотиб олган, шундан заводларда 296304 тонна хом пахта тозаланган ва тўқимачилик саноатига 92780 тонна пахта толаси юборилган. 1930 йилда Ўзбекистонда контрактация бўйича 957945 тонна, директив органларнинг қарори бўйича 1015422 тонна пахта сотиб олиш режалаштирилган эди. 1931 йил 10 мартгача 684886 тонна пахта сотиб олиниб. 10 мартгача марказга 158426 тонна пахта толаси жўнатилган эди.

Таъкидлаш жоизки, Ўрта Осиё пахтасидан фақат марказ тўқимачилик саноати учунгина эмас, балки чет элга экспорт қилиш учун ҳам фойдаланилган. Ўзбекистон ва бошқа Ўрта Осиё республикалари пахтасини чет элга сотиб орттирилган даромадни – валютани мамлакатда, асосан, Ўзбекистонда етиштирилган пахта ҳисобига Америкадан пахта сотиб олишдан тежалган валюта билан қўшиб ўша вақтдаги биринчи даражали вазифа ҳисобланган индустрия соҳасини ривожлантиришга сарфлаган.

1929 йилнинг ўзида Англия ва Германияга 350 минг пуд пахта толаси сотилган эди. 1930 йилда эса СССР Халқ хўжалик олий кенгаши қарори билан 2 млн пуд пахта экспорт қилиш белгиланган эди. Бош пахта кўмитасининг 1930 йил 23 декабрдаги махфий баённомасида шундай дейилган эди: “Директив органлар қарорига мувофиқ 2 млн пуд миқдорида пахта экспорт қилиш режаси бажариш учун қабул қилинсин. Кўрсатилган миқдордаги пахта 1931 йил 10 январга қадар жўнатилсин. Таъкидлансинки, режани бажариш бўйича ишлаётган 14 та завод... 5декабргача 500 минг пуд пахтани қайта ишлаган. Қолган 1500 минг пуд 10 январгача жўнатилиши керак... Экспорт режасини бажариш учун

¹ ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 2434- йиғма жилд, 38-в.

қўйидаги заводларни қўшимча жалб қилинсин: № 20, 21, 25, 26, 27, 28, 42, 49, 52, 53, 57, 55, 41, 68, 77 ва 109”¹.

Фақат пахта толасигина эмас, бошқа пахта маҳсулотлари – пахта ёғи, кунжара, совун, линтер пахта экспорт қилинган. Масалан, 1929/30 йилнинг биринчи ярмида, яъни 1929 йилнинг 1 октябридан – 1930 йилнинг 31 мартигача жами 6623,4 тонна пахта ёғи, 24833,7 тонна пахта кунжараси, 48,6 тонна совун, 1432,4 тонна линтер пахта экспорт қилинган². Бу маҳсулотлар маҳаллий аҳоли, совун заводлари ва ҳунармандлар совун корхоналари эҳтиёжи учун зарур бўлишига қарамай, экспорт қилишдан ташқари марказга ҳам ташиб кетилган. Масалан, 1929-30 йилнинг биринчи ярмида марказга 5848,1 тонна пахта ёғи, 4356,4 тонна линтер пахта жўнатилган.

Масалага хулоса тарзида шуни таъкидлаш лозимки, ВКП(б) МҚнинг 1929 йил 18 июлдаги “Бош пахта қўмитаси иши тўғрисидаги” қарори асосида пахтачиликни ривожлантиришни жадаллаштириш, Иттифок пахта мустақиллиги учун кураш бошланди. Пахта мустақиллигини таъминлашдан кўзланган мақсад Америка пахтасини сотиб олишга сарфланадиган валютани индустрлаштириш соҳасига жалб этиш бўлган. Биринчи беш йилликнинг (1929-1932 йиллар) асосий вазифаси ҳам совет ҳукумати белгилаганидек, мамлакатни индустрлаштириш сиёсатини амалга ошириш бўлган. Кўзланган сиёсат моҳиятидан келиб чиқиб ҳамма соҳада маблағларни тежаб, индустрлаштириш соҳасини жадаллаштиришга сарфланган. Табиийки, бу сиёсатдан пахтачилик соҳаси ҳам четда қолмаган. Иттифокда етиштириладиган пахта миқдорини кўпайтириш, Америкадан сотиб олинладиган пахта миқдорини йилдан-йилга камайтириш эвазига беш йиллик охирига бориб Иттифок пахта мустақиллигига асосан эришган. Пахта мустақиллиги учун курашда, айниқса, ўзбек деҳқонлари

¹ ЎзР МДА, 112-ф., 2-р., 118- йиғма жилд, 80-в.

² ЎзР МДА, 473-ф., 1-р., 1774- йиғма жилд, 1-в.

кўплаб азоб-укубатларни бошдан кечирганлар. Пахта ўзбек деҳқонларининг машаққатли меҳнати туфайли етиштирилар, лекин у давлат томонидан ўрнатилган арзон нархларда Бош пахта қўмитаси томонидан сотиб олиниб, тўқимачилик саноати эҳтиёжини қондириш ёки чет элларга экспорт қилиш учун марказ ихтиёрига берилиб, ташиб кетиларди. Шубҳасиз Иттифоқ бюджетини тўлдиришда пахтачилик соҳаси катта роль ўйнар эди.

Иттифоқ ҳукумати пахтачиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш учун сарф-харажат ва маблағни аямади. Пахта экин майдонларини кенгайтириш, пахта етиштиришни кўпайтириш мақсадида суғориш-ирригация қурилиши соҳасига катта миқдорда сармоя ажратди. Қатор янги каналлар қурилиб, эскилари таъмирланди, кўплаб ерларга сув чиқарилди, янги ерлар ўзлаштирилди, сув билан таъминланиш даражаси яхшиланди. Шу билан бирга, ирригация тармоқлари-магистрал канал, ариқлар, улардаги маҳаллий типдаги иншоотлар, сув ташламалари, сув тақсимловчи қурилмаларни тартибда сақлаш, таъмирлаш ишлари қишлоқ аҳолиси зиммасига юкланган эди. Бу қоида Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия қўмитасининг 1929 йил 13 февралдаги “Жамоат ирригация мажбурияти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ва жорий этиш ҳақида”ги қарори билан қонунлаштирилган эди. Кичик ирригация қурилишларидаги барча ишлар – ариқлар бошини тартибга солиш, ариқларни тозалаш, дамбалар қуриш ва бошқалар сувдан фойдаланувчи деҳқонларнинг бепул меҳнати ва қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари билан бажарилар эди.

ВКП(б) МҚ 1929 йил 18 июлдаги қарорида чигит экиладиган майдонларни кенгайтириш мақсадида пахтадан бошқа экинларни сиқиб чиқариш учун иқтисодий усулларида фойдаланиш тўғрисида топшириқ берган эди. Бу кўрсатмани бажара бориб Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари пахта экиш учун

яроқли бўлган суғориладиган ерлардан ғалла экинлари – буғдой, шоли, оқ жўхори, маккажўхори ва бошқаларни кескин камайтирди. Шу мақсадда пахтакор аҳолисига Россиядан ғалла, саноат маҳсулотлари етказиб бериб турилди. Якка деҳқон хўжаликларини пахта экишдан манфаатдор қилиш, кўпроқ пахта етиштириш учун чигит экилган майдонларни сув билан биринчи навбатда таъминлаш, қишлоқ хўжалик солиғини камайтириш тўғрисида ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Пахта мустақиллиги учун кураш йиллари, пахта майдонини ўстириш билан бирга пахта ҳосилдорлигини ошириш бўйича ҳам маълум ишлар амалга оширилди. Пахтачилик соҳасини механизациялаш ҳамда кимёлаштириш ишлари ривожлантирилди, соҳада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари ҳажми кенгайди, пахтанинг серҳосил, тезпишар навлари етиштирилди, семхозлар сони ва экин майдонлари кенгайтирилди. Пахтакор хўжаликлар, колхоз ва совхозларни тоза навли уруғлик билан таъминлаш ишари ҳажми ҳам йилдан-йилга кенгайиб ўсиб борди.

Иттифоқ ҳукуматининг пахта майдонларини кенгайитириш, пахта ҳосилдорлигини ошириш соҳасида зўрлик ва маъмурий буйруқбозлик билан амалга оширган чора-тадбирлари туфайли пахтадан олинадиган ялпи ҳосил миқдори йилдан-йилга ортиб борди. Пахта йиғим-терими, ҳосилни сотиб олиш пунктлари, ундан заводларга тозалаш учун топшириш жараёни, хом ашёнинг марказга жўнатилиши жараёнлари қаттиқ назорат остида амалга оширилган. Контрактация режасини бажармаган хўжаликлар тегишли жазога тортилган. Деҳқон хўжаликларининг пахтани яшириб қолишига қарши қатъий кураш олиб борилган.

Юқорида бир неча бор таъкидланган мана шундай мажбурий-зўравонлик йўли билан совет директив органларининг Ўзбекистонни СССРнинг асосий пахта хом ашё базасига айлантириш режаси бажарила борди. 1929 йил 18 июлдаги ВКП(б) МК қарори асосида биринчи беш

йиллик давомида марказнинг тўқимачилик саноати учун хом ашё базаси яратилди. Иттифоқнинг пахтачилик соҳасидаги АҚШга қарамлигига асосан барҳам берилди.

2.2. Зўравонлик ва тайзиқ асосида колхоз ва совхозларда пахта етиштиришнинг кўпайтирилиши.

XX аср 20 йиллари охрларида бошланган қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш сиёсати 30-йиллар бошига келиб ўзининг авж нуқтасига чиқди. Ўзбекистонда 1929 йилнинг 1 октябрга қадар деҳқон хўжаликларининг 3,4 фоизи колхозларга кирган бўлса, 1930 йилнинг 1 январида коллективлаштириш даражаси 10,8 фоизга етган¹. 1930 йил 5 январда ВКП(б) МК “Коллективлаштириш суръати ва колхоз қурилишига давлат томонидан ёрдам бериш тadbирлари тўғрисида” қарор қабул қилди². Қарорда ёппасига колхозлаштириш ва “қулоқ”ларни синф сифатида тугатиш сиёсати ўз ифодасини топган эди.

Ўзбекистонда ёппасига коллективлаштириш сиёсати энг аввал Фарғона, Андижон, Тошкент, Самарқанд каби округларда бошланди. Улар, асосан, пахта етиштирувчи районлар ҳисобланиб, ҳукумат томонидан трактор, машина, кредит билан анча яхши даражада таъминланган эди. 1930 йил бошида Андижон округининг Зеленский, Шахрихон, Норин, Жалалқудуқ районларида, Фарғона округининг Чуст ва Қува, Тошкент округининг Мирзачўл, Янгийўл, Паркент ва бошқа районларида партия ва совет органларининг сиқуви билан коллективлаштириш сиёсати кенг тус олди.

¹ Алимов И.А. Октябрь ва Ўзбекистонда колхоз тузумининг ғалабаси. - Тошкент: Ўзбекистон, 1987. - Б. 14.

² КПСС в резолюциях и решениях съездов, конференций и пленумов ЦК. Изд. 9. – М.: 1984. Т.5. - С. 72-75.

Иттифокда, жумладан, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ишига компартия органлари раҳбарлик қилган ва бу масалада совет хўжалик ташкилотларига тегишли кўрсатмалар бериб турган. Республикада колхоз қурилиши режасини ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон Компартияси МК Ижроия бюросининг комиссияси ташкил қилинган эди. Ўзбекистонда колхоз қурилиши режасини 1929 йил 24 ноябрда Ўзкомпартия МК нинг Ижроия бюроси кўриб чиқди ва тасдиқлади. Бу режа ВКП(б) ва совет ҳукуматинингнинг кўрсатмалари, топшириқлари асосида ишлаб чиқилган эди. Ижроия бюро қарорида жумладан шундай дейилган эди: “Беш йиллик истиқболи шундай мақсад кўяди: жорий хўжалик беш йиллигининг охирига бориб колхозларга шунча аҳолини жалб қилиш керакки, натижада колхоз ва совхозлар ишлаб чиқарган пахта толаси товар маҳсулоти 23,2 млн. пудга етказилсин, бу пахта товар маҳсулотининг 60 фоизини ташкил этади”³. 1930 йилнинг биринчи ярмида колхозларга тахминан 30 фоиз деҳқон хўжаликларини жалб қилиш вазифаси қўйилди. Иттифок ҳукуматининг кўрсатмаси билан колхоз қурилишининг юқорида белгиланган режалари янада жадаллаштирилди.

Ўзбекистон Компартияси МКнинг 1930 йил 12-15 январда бўлиб ўтган IV пленуми кузги экин кампаниясининг якуни ва баҳоргисининг вазифалари тўғрисидаги масалани муҳокама этди ва тегишли қарор қабул қилди. Қарорда кузги ва баҳорги экин кампаниясининг асосий мазмунини ижтимоий-техник қайта қуриш жараёнини жадал ривожлантириш, колхоз ва совхозларни сон ва сифат жиҳатидан янада ўстириш, қулоқларни синф сифатида тугатиш йўлини тутиш воситаси билан қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини янада ривожлантиришга қаратилган партиянинг умумий сиёсати белгиланди. Қарорда умуман қишлоқ хўжалигини ва унинг айрим муҳим тармоқларини янада ривожлантириш суръатларини белгиловчи

³ ЎзР МДА, 58-ф., 5-р., 757- йиғма жилд, 6-8 в.

асосий омил пахтачилик соҳасини жадал ривожлантириш зарурлиги тўғрисидаги ВКП(б) МҚ нинг директиваси эканлиги қайд қилинган эди.

Баҳорги экин кампаниясининг асосий вазифалари, жумладан, суғориладиган экин майдонини кенгайтириш, суғориладиган ерлардан сиқиб чиқариладиган ғалла экинлари фоизи, ирригация қурилиши режасининг бажарилиши ҳисобига экин майдони, жумладан, пахта майдонларининг ўсиши, пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигининг кўпайиши, лалми экин майдонининг, жумладан, пахта майдонларининг ўсиши аниқ тарзда белгиланган. Қарорда ушбу вазифаларни бажариш учун қишлоқ хўжалигини ижтимоий-техник қайта қуриш суръатини ўстириш ҳамда деҳқонларнинг батрак, камбағал ва ўрта ҳол қатламлари кучларини партия ва совет ҳокимияти белгилаган тадбирларни амалга оширишга сафарбар қилишга асосланиши белгилаб қўйилган эди.

Компартия бу соҳада қуйидаги аниқ вазифаларни ўз олдига қўяди: “а) колхозларни сон ва сифат жиҳатдан ўстириш, уларнинг экин майдонини, унда пахта майдони салмоғини орттириш, Ижроия бюрога колхоз қурилиши режасини анча орттириш томон қайта кўриб чиқиш вазифаси қўйилсин”⁴. Ушбу иқтибосдан кўриниб турибдики, январь пленуми МҚ нинг Ижроия бюросига колхоз қурилиши режасини анча кенгайтириш вазифасини юклаган эди.

Шу қарорнинг “Совхозлар ва колхозлар” деб номланган IV қисмида жумладан, шундай дейилган эди: “Колхозлар ўтган йиллардан фарқли ўлароқ, жорий йил режасида улкан ўринни ишғол қилади. Камбағаллар, шунингдек, ўрта ҳолларнинг колхозга интилиши бора-бора кучайиб бораётгани колхоз қурилиши режасини анча кенгайтиришни бутунлай реал қилиб қўймоқда”⁵.

⁴ Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК (1925-1986). В 4-х т. - Ташкент: Узбекистан, 1987. Т.1. - С. 500.

⁵ Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК (1925-1986). В 4-х т. - Ташкент: Узбекистан, 1987. Т.1. - С. 508.

Январь (1930 йил) пленумининг бу қарори асосида жойларда коллективлаштириш ишлари жадаллаштириб юборилди. 1930 йил 11 февралда 17 та район, шунингдек, Фарғона ва Андижон округлари “ёппасига коллективлашган районлар” деб эълон қилинди. 1930 йил 21 январда жорий йилнинг баҳорига қадар Ўзбекистон деҳқон хўжаликларининг 35 фоизини коллективлаштириш тўғрисида Марказком қарори қабул қилинди⁶. Бу қарорлар ва тадбирлар асосида республикада 1930 йил январ-феврал ойларида коллективлаштириш тез суръатлар билан олиб борилди.

Фарғона округ партия комитетининг 1930 йил 8 январдаги қарорида Қува, Чуст ва Поп районларини “ёппасига коллективлаштириш районлари” деб кўрсатилиб, қолган районларда ҳам колхоз қурилишини жадаллаштириш белгиланган эди. Партия органларининг сиқуви билан 20 февралга қадар Қўқон районида 96 та колхоз ташкил қилиниб, уларга 10471 хўжалик аъзо бўлган, 19920 гектар майдон, 3361 та от, 2825 бош буқа умумлаштирилган эди. Чуст-Поп районида 72 та колхоз бўлиб, уларга 12452 хўжалик аъзо бўлган, 16161 гектар майдон, 3460 бош от, 5085 бош буқа умумлаштирилган эди. Қува районида 20 та колхоз мавжуд бўлиб, 3114 хўжалик аъзо эди, колхозларда 4547 гектар майдон ва 1588 бош от ва буқалар умумлаштирилган эди. Қува ва Чуст-Поп районлари юз фоиз коллективлаштирилган эди⁷.

Қишлоқ аҳолиси 1930 йил январ-феврал ва март ойининг бошларида зўрлик йўли билан колхозга киритилганидан норози бўлиб, колхозлардан чиқа бошладилар. Деҳқонларнинг колхозга қарши ҳаракати ва колхозлардан чиқишининг сабаби уларнинг колхозга мажбур қилиб киритилгани, колхозга киришнинг ихтиёрийлик тамойили бузилгани бўлган. Коллективлаштиришнинг жадаллаштирилиши туфайли совет

⁶ Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК (1925-1986). В 4-х т. - Ташкент: Узбекистан, 1987. Т.1. - С. 513.

⁷ ЎзР МДА. 837-ф., 8-р., 329- йиғма жилд, 76-77 в.

органлари айрим қишлоқларда колхоз ташкил қилиб, қишлоқдаги хўжаликлар рўйхатини тузиб чиққан ва уларни сиртдан колхоз аъзоси қилган. Ўртаҳол деҳқонлар колхозга киришдан бош тортиб, улар зўрлик йўли билан колхозга аъзо қилинган. Бу соҳада йўл қўйилган маълум хатоларни Ўзкомпартия Марказкоми ҳам тан олган. Масалан, 1930 йил 26-28 апрелдаги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети V пленумининг “Коллективлаштириш ишида йўл қўйилган хатоларни тўғрилаш бўйича ВКП(б) МҚ қарорларининг бажарилиши тўғрисида”ги қарорида шундай дейилган эди: “Ўта шошма-шошарлик, коллективлаштиришнинг юқори суръатлари орқасидан қувиш январ-феврал ойларида оммавий ҳолат бўлиб қолди. Колхоз қурилиши ишида ихтиёрийлик тамойили бузилди. ... Бир қатор ташкилотлар ўртаҳол деҳқонларга қарши кураш, уларни колхозларга мажбурий равишда ёзиш (сайлов ҳукуқидан маҳрум қилиш, қамаш, ерини тортиб олиш, суғориш учун сув беришни, саноат моллари билан таъминлашни таъқиқлаш, қуролли кучларни қўллаш ва бошқалар) йўлига ўтиб олдилар”⁸.

Республикада партия ва совет органлари коллективлаштиришни жадаллаштиргани, деҳқонларни колхозга мажбур қилиб киритиш туфайли колхозлаштириш суръати тезлик билан ўсди. 1929 йил 1 октябридан 1930 йил 25 февралгача коллективлаштириш фоизи Жалалқудук районида 7,1 фоиздан 99,6 фоизга, шунга мувофиқ равишда Зеленский (Асака) районида 1,7 ва 90,5, Шаҳрихонда 26 ва 83,1, Пскентда 7,5 ва 92,4, Фарғонада 3,6 ва 77, Деновда 4,8 ва 82,8, Чуст-Попда 3 ва 71,9, Боғдод районида 0,4 фоиздан 89,5 фоизга ортган⁹. Ёппасига коллективлашган бошқа кўпгина районларда ҳам шундай ҳолат кузатилган. Коллективлаштиришни мажбурий жадаллаштириш билан бирга, ёппасига колхозлаштириш районларида

⁸ Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК (1925-1986 гг.). В 4-х т. – Ташкент: Узбекистан, 1987. Т.1. - С. 515.

⁹ Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Тошкент: Шарқ, 2003. - Б. 61.

кулоқларни синф сифатида тугатиш ишлари ҳам тезлаштирилди ва бу борада жиддий хатоликларга йўл қўйилди. Ноҳақ кулоқ қилишга қаршилик кўрсатганлар эса қамаб қўйилди. Бундай адолатсизлик, таҳқирлаш ва хўрлашга қарши кўпгина жойлардаги, қишлоқ аҳолиси совет ҳокимиятига қарши оммавий чиқиш ва исёнларни амалга оширган.

Мажбурий коллективлаштириш ва “кулоқ” қилишга қарши оммавий чиқишлар 1930 йил феврал-март ойларида Ўзбекистоннинг барча округларида содир бўлган. Жумладан, 10 мартда Андижон округининг Ойим, Қўрғонтепа, Андижон ва бошқа районларида коллективлаштиришга қарши оммавий чиқишлар бўлган. 19 та қишлоқ советлари вакиллари Андижон шаҳрига келиб, партия ва совет органларидан “колхозларни тарқатиб юбориш”, “колхозлар ва ҳақсизлар рўйхатини бериш”, “ҳақсизлар ҳуқуқларини тиклаш”, “қамоққа олинган кулоқларни озод қилиш”ни талаб қилганлар. 3 мартда Фарғона округидаги Чувара қишлоқ советида 150 кишилиқ оломон томонидан колхоз ташкил қилаётган вакиллардан иккитаси калтакланган. Қишлоқ совети раиси қочиб қутулган. Оломон Тоғай қишлоғига борганда 500-600 кишига кўпайган. 5 та қишлоқда барча колхоз аъзолари рўйхатлари ёқиб юборилган. Ўзбекистон Республикаси бўйича 1930 йилнинг феврал-март ойларида колхозлаштиришга, советларга қарши оммавий чиқишлар, ғалаёнлар 105 марта содир бўлган, уларда 47153 киши иштирок этган. Энг кўп оммавий чиқишлар Андижон округида бўлган. Феврал-мартдаги 37 та чиқишда 10 мингга яқин деҳқонлар иштирок этган¹⁰.

Деҳқонларнинг мажбурий коллективлаштиришга қарши норозилик ҳаракатлари кучайган даврда республикада колхозлар ва уларнинг аъзолари сони кескин равишда камайган. Жиддий ҳолатни ҳисобга олиб, совет ва қишлоқ хўжалик ташкилотлари бунга жавобан тегишли сиёсий ва иқтисодий чора-тадбирлар кўрдилар. Жумладан, деҳқонлар орасида колхоз

¹⁰ Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш... - Б. 140-154.

тузилмасининг афзаллик жиҳатларини тушунтиришга ҳаракат қилинди. Колхоз аъзолигига қабул қилишда маълум равишда ихтиёрийлик тамойилига амал қилиниб, колхозчиларга нисбатан фақат расмийлик билан муносабатда бўлишга нисбатан чек қўйилди. Шунинг билан бирга колхозчиларни ўз меҳнатларидан манфаатдор қилиш учун баъзи иқтисодий усуллардан кенг фойдаланила бошланди. Шубҳасиз, яна зўровонлик усули янгича шаклда давом этди.

Совет органлари томонидан кўрилган чора-тадбирлар туфайли тарқалиб кетган кўплаб колхозлар қайта тиклана бошлади. Масалан, колхозлар сонининг камайиши энг авжига чиққан вақт, 1930 йил 1 апрелида Тошкент округида 369 та колхоз бўлиб, ундаги аъзолар сони 29571 нафарга тушиб қолган эди. 1930 йил 20 апрелга келиб эса округдаги колхозлар сони 419 тага, аъзолари 35300 тага етган¹¹. Ўзбекистонда коллективлаштирилган хўжаликлар 1930 йилгача 3,4 фоизни ташкил қилган бўлса, 1932 йилда 74,9, 1933 йилда 77,5 фоизни ташкил қилган¹².

ВКП(б) МҚнинг Бош пахта комитети иши тўғрисидаги қарорида коллективлаштиришни тезлаштириш ва колхоз-совхозларда пахта майдонини умумий экин майдонининг 30 фоизига етказиш вазифаси қўйилган эди. Партиянинг бу топшириғини бажариш учун совет ҳукумати ва Бош пахта кўмитаси колхоз тузумини жадаллаштириш, уларда пахта майдонларини кенгайтириш тадбирларини кўрди.

Марказнинг кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳам республикада пахтачиликни жадал ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири қишлоқ хўжалиги соҳасини коллективлаштириш деб билган. 16-20 октябрда бўлиб ўтган пленумда “Пахта дастурини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган

¹¹ Сплошная коллективизация сельского хозяйства Узбекистана (1930-1932 гг.). Сборник документов. –Ташкент: 1980. - С.36.

¹² Ибрагимова А.Ю. Победа ленинского кооперативного плана в Узбекистане (1929-1933 гг.) – Ташкент: Фан, 1969. – С.167.

социалистик қайта қуриш вазифалари тўғрисида”ги масала муҳокама қилингани юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Пленум қабул қилган қарорда ҳам мазкур фикр аниқ равишда таъкидланган эди. Унда жумладан, шундай дейилган эди: “Қишлоқ хўжалигини социалистик қайта қуришсиз, йирик совет хўжаликлари тузмасдан, камбағал ва ўртаҳол якка хўжаликларни коллективлаштирмай туриб... пахтачилик бўйича партия қўйган вазифаларни бажариб бўлмайди”¹³.

Ўрта Осиё республикалари партия топшириғини ортиғи билан бажаришга ҳаракат қилган. 1930 йил 6 майда ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси “Пахтакорларга ва пахтакор колхозларга солиқ солиш ва қарз беришда имтиёзлар бериш тўғрисида” қарор қабул қилган.

Қарорда колхозларни пахта экишдан, пахта топшириш режасини орттириб бажаришдан манфаатдор қилиш учун қуйидагилар белгиланган:

“1. Пахта экиш режасини ортиғи билан бажарган колхозларга контракция қилинган режадан ташқари эккан ҳар бир гектари 2 баробар аванс (қарз) билан таъминлансин.

2. Шу районга белгиланганига нисбатан колхоз экин даромади нормасини икки баробар қисқартириб, пахтакор колхозларга қишлоқ хўжалик солиғи камайтирилсин.

3. Савдо халқ комиссариати вакили экин режани 13 фоиздан ортиқ бажарган колхозларга якка хўжаликка нисбатан тансиқ моллар билан орттирилган мукофотлаш нормаси ўрнатсин.

4. Пахта топшириш режасини контракт мажбуриятига нисбатан 5 фоиздан ортиқ топширган колхозларнинг барча топширган пахтасига махсус орттирилган нарх белгилансин”².

Пахтакор колхозларга шу каби бошқа имтиёзлар ҳам жорий этилган. Марказий экин комиссияси, округ ва район ижроия комитетларига ушбу

¹³ Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК (1925-1986 гг.) В 4-х т. – Ташкент: Узбекистан, 1987. Т.1. – С.464.

² Правда Востока, 12 мая 1930 г.

қарорни барча колхозлар ва пахтакорларга етказиш вазифаси топширилган.

1930 йилда Ўзбекистон совхозлари 29263 гектар ерга пахта эккан бўлиб, колхозлардаги ер ҳажми 295435 гектар, якка хўжаликларда 588460 гектарни ташкил этган¹. Республика умумий пахта майдонининг 35 фоизини колхоз ва совхоз тузилмалари ташкил қилган.

Колхозлар сони ортиши билан бир вақтда уларда пахтанинг салмоғи, экин майдонлари миқдори бўйича ва ҳосилдорлиги бўйича ҳам анча ортган. Бундан табиийки, совет кооператив хўжалик раҳбарияти ва Бош пахта кўмитаси ҳам манфаатдор эди. Улар колхозларга пахта экиш, унинг майдонини кенгайтиришга ёрдам бериб, бундай ҳолатдан манфаатдор қилишга ҳам ҳаракат қилдилар. Шунинг учун асосий пахтакор районларда колхозлар, асосан, пахтачилик соҳаси билан шуғулланганлар. Масалан, Андижон округида 94 фоиз, Фарғона округида 72 фоиз колхозлар пахтачилик билан банд бўлган².

Шундай қилиб, ВКП(б) МҚ ва совет ҳукумати топшириғи билан республика партия ва совет органлари колхоз қурилишини жадаллаштириб, ва уларнинг пахта етиштиришдаги улушини анча орттиришга эришдилар. Натижада, Ўзбекистонда колхоз-совхозларнинг пахта тайёрлашдаги улуши 1929 йилдаги 2,25 фоиздан 1930 йилда 23 фоизга ўсди³.

Колхозлар, якка хўжаликларнинг пахта майдонлари, пахтанинг ҳосилдорлиги юқори партия ва совет органлари томонидан ҳар йили белгилаб қўйилар эди. Ўзкомпартия МК нинг 1932 йил 20-25 январда бўлиб ўтган пленумида 1932 йилда пахта экин майдонини 1044 минг гектарга, ҳосилдорликни гектаридан 9,3 центнерга етказиш вазифаси

¹ ЎзР МДА, 775-ф., 1-р., 267- йиғма жилд, 353-в.

² Узбекистанская правда. 25 мая 1930.

³ Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. В 4-х т. – Ташкент: Узбекистан, 1987.Т.1. - С. 549.

топширилган¹. Шу топшириқ асосида район ва колхозларнинг пахта етиштириш режалари тузилиб, йилдан-йилга пахта тайёрлашда колхоз ва совхозларнинг салмоғи ортиб борган. 1932 йилга келиб колхоз ва совхоз тузилмалари асосий пахта етиштирувчилар бўлиб қолган. Пахта маҳсулоти оғишмай ўсиб борганлигини архив маълумотлари ҳам тасдиқлайди. (10-илова).

Республика колхоз-совхозлари 1929 йилда 550518 тонна пахта етиштирган бўлса, 1932 йилда 760955 тонна, 1933 йилда 803294 тонна пахта топширилган. Жами етиштирилган пахта ҳосилида колхоз ва совхозлар ҳиссаси 1929 йилда 6,7 фоизни ташкил этган бўлса, 1932 йилда уларнинг ҳиссаси 84,9 фоизга етган².

Шундай қилиб, Ўзбекистонда 1930 йил январидан бошлаб партия ва совет ташкилотларининг саъйи-ҳаракатлари билан коллективлаштириш жадал суръатлар билан ўсди. Ўнлаб районлар “ёппасига коллективлашган районлар” деб эълон қилинган. Бу районларда “қулоқлар”ни синф сифатида тугатиш чоралари кўрилди. Камбағал деҳқонлар ўз хоҳишлари билан колхозларга кирса ҳам ўртаҳол деҳқонлар ўз ерлари, от-хўкиз, деҳқончилик асбоб-ускуналарини колхоз бўлинмас фондига топшириб унга аъзо бўлишни хоҳламас эдилар. Ўртаҳол деҳқонлар ҳам, мажбуран колхозларга аъзо қилинди. Совет ҳокимияти томонидан айрим жойларда ўртаҳол деҳқонларга қарши кураш олиб борилди, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш, қамаш, тегишли ерларини тортиб олиш, сув, озиқ-овқат билан таъминлашдан маҳрум қилиш, қуроли куч ишлатиш билан кўрқитиш каби йўллар билан колхозларга аъзо қилдилар. Колхозга киришнинг ихтиёрийлик тамойили инобатга олинмай инсон ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинди.

¹ Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК (1925-1986). В 4-х т. – Ташкент: Узбекистан, 1987. Т.1. - С. 567.

² Социалистическая реконструкция хлопководства. -М-Л.: Госиздат стандартизация и рационализации. 1934. - С. 13.

1930 йилнинг бошида “қулоқ”ларни синф сифатида тугатиш жараёни ҳам жадал тус олди. Бу масалада аниқ қонун-қоидалар ишлаб чиқилмагани, “қулоқ”лаштиришни амалга оширувчиларда йўриқнома ва тажрибанинг йўқлиги сабаб кўплаб қонунбузарликларга йўл қўйилди. Кўпгина ўртаҳол ва камбағал деҳқонларга ҳам “қулоқ” тамғаси босилиб, уларнинг аксарияти сургун қилинди. Коллективлаштириш ва қулоқлаштириш ишидаги партия-совет ташкилотларининг бошбошдоқлиги, ўзбошимчалиги деҳқонларнинг колхоз тузуми, совет ҳокимиятидан норозилигига сабаб бўлган. Қишлоқ аҳолиси мажбуран ташкил қилинган колхозларга, асоссиз “қулоқ” қилишга қарши оммавий чиқишлар, исёнлар ташкил қилган. Аҳолининг сунъий ташкил қилинган колхозларга қарши чиқиши совет органларининг колхозлаштириш сиёсатини ўзгартиришга, коллективлаштиришни жадаллаштиришдан колхоз тузишнинг ихтиёрийлик тамойилига ўтишга олиб келди. Лекин, мазкур ҳолат кўпга чўзилмай, коллективлаштириш жараёни янада жадаллаштирилди.

Деҳқонларни колхозларга жалб қилиш мақсадида колхозчиларга маълум имтиёзлар берилган. Натижада, колхозлар ва уларнинг аъзолари сони тезлик билан ўсди. Республика партия органлари топшириғи билан колхозларнинг пахта экин майдонлари ва етиштирган ҳосили йилдан-йилга ортиб борди. Биринчи беш йиллик охирига келиб колхоз ва совхозларнинг республикада тайёрланган пахтанинг асосий қисмини топширишига эришилди. Якка хўжаликлар сони ва уларнинг республикада етиштирилган пахта ҳосилдорлиги улуши кескин равишда камая борди. Стратегик хом ашё ҳисобланмиш, саноат ва ҳарбий соҳада ҳам муҳим аҳамият касб этган пахтачиликни ривожлантириш борасида совет давлати бундан кейин ҳам ўз ички сиёсатининг муҳим бўғини сифатида муносабатда бўлди.

III. БОБ. ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИНИНГ ДЕҲҚОНЛАР ҲАЁТИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

3.1. Республика қишлоқ хўжалигида пахта монокультурасининг авж олиши

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини бутун советлар мамлакатида бўлгани каби ёппасига коллективлаштириш натижасида 30-йиллар бошига келиб республикада колхоз тузуми ғалаба қозонди. 1932 йилда республиканинг 72 фоизи деҳқон хўжаликлари колхозларга бирлашди. Ўнлаб совхозлар ташкил қилинди. Ҳокимият органлари колхоз ва совхозлар билан иқтисодий муносабатда зўравонлик усулини қўлладилар. Давлат қишлоқ меҳнаткашларига қанча ерга пахта ва бошқа экинлар экиш, етиштирилган маҳсулотни қандай нарх билан топширишни белгилаб берди.

Иттифоқ ҳукумати Ўзбекистон шароитида, асосан, пахта етиштиришга эътибор бериб, суғориладиган ерларга аксарият пахта экиш, бошқа экинларни эса сиқиб чиқариш ҳолатини юзага келтиришга урғу берар эди. Ҳар йили қанча ерга пахта экиш ва пахта толаси етиштиришни фақатгина марказ ҳукумати белгилаб берар эди. Россия тўқимачилик саноатининг хом ашёга талабини тўла қондириш учун марказ Ўзбекистоннинг пахта етиштириш режасини йилдан-йилга орттириб борди. Бу ўз навбатида, пахта экин майдонларининг ўсиши, пахта яккаҳокимлигининг авж олишига олиб келди.

1933 йил февралда бўлиб ўтган Ўзкомпартия МК нинг VI пленумида, республикадаги айрим районлардаги бир қатор колхозларда пахта монокультураси авж олиб, уларда 90 ва ундан ортиқ фоиз майдонда пахта етиштирилганлиги, районларда эса бу кўрсаткич 85 ва ундан ортиқ фоизни

ташкил этганлиги таъкидланган эди¹⁴. Пленум пахта монокултурасига берилиш кучайиб кетганлиги боис бу борадаги хатоларни тузатиш баҳонаси билан пахта майдонларини қисқартиришга қарши курашиш кераклигини уқтириб ўтди. Пленумнинг бу кўрсатмаси пахта экин майдонлари қисқартиришни чеклаб янада пахта яккаҳокимлигига кенг йўл очиб берди.

Ўзбекистон шароитида неча гектар ерга пахта экиш режаси шубҳасиз Иттифоқ ҳукумати томонидан белгилаб берилар эди. Ўзкомпартия МКнинг биринчи котиби А.Икромов Ўзкомпартия МКнинг VI пленумидаги “Тўрт йиллик пахта учун кураш якуни ва 1933 пахта йилининг навбатдаги вазифалари” мавзусидаги маърузасида бу ҳусусида жумладан шундай деган эди: “Иттифоқ ҳукумати Ўзбекистон олдига келгуси баҳорда суғориладиган ерларда 910.000 реал гектарга пахта экиш вазифасини қўйди. Режа берилган, режа бутунлай ҳаққоний ва биз уни бажаришимиз зарур. Тўла экилмаслик аниқланганда биз раҳбар ходимларни кўзбўямачилиги учун, партия ва ҳукуматни алдаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортамиз”¹⁵.

Республика раҳбари А.Икромовнинг юқоридаги маърузасидан кўриниб турибдики, пахта экин майдони ҳар йили, жумладан, 1933 йилга ҳам Иттифоқ ҳукумати томонидан белгилаб берилган. Бу топшириқни республика партия ва совет органлари зўравонлик йўли билан амалга оширганлар. Пахта етиштириш бўйича топшириқни бажармаган раҳбар кадрлар қаттиқ жазоланганлар. Колхоз ва совхозларга қанча ерга пахта экиш тўғрисидаги топшириқ юқори партия, совет органлари томонидан белгилаб берилган. Марказ талаби ва топшириғи билан республикада пахта майдонлари ва ялпи ҳосил ҳажми йил сайин ортиб борган. 1928 йилда республикада пахта майдонлари 530 минг гектарни ташкил қилган

¹⁴ Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. В 4-х т. - Ташкент: Узбекистан, 1987. Т.1.- С.593.

¹⁵ Акмал Икромов. Избранные труды. В 3-х т. - Ташкент: Узбекистон, 1974. Т.3. - С. 230.

бўлса, 1933 йилга келиб унинг майдони 880 минг гектарга етди. Пахта майдонининг йилдан-йилга ортиб бориши натижасида териб олинган пахта миқдори ҳам ўсиб борди. Агар 1931 йилда давлатга 709 минг тонна пахта топширилган бўлса, 1932 йилда бу рақам 759 минг тоннани, 1933 йилда эса 803 минг тоннани ташкил қилган¹. Партия ва совет органлари зўрлик ва тазйиқ йўли билан колхозларнинг республика пахтасининг асосий қисмини етиштиришига эришди. 1933 йилда колхозлар ялпи пахта маҳсулотининг 85 фоизини, совхозлар эса 5 фоизини берди. Натижада, колхоз ва совхозлар суғориладиган ерларга асосан пахта экиб, монокультура етиштирувчи хўжаликларга айланиб қолдилар. А.Икромов 1935 йил 5 январдаги Ўзкомпартия МКнинг III пленумидаги “1934 йилдаги пахта тайёрлаш якуни, колхозларни мустаҳкамлаш ва баҳорги экин мавсуми вазифалари тўғрисида” мавзусидаги маърузасида колхозларнинг экин режасида пахта 70-75 фоизни, якка хўжаликларда эса 25-30 фоизни ташкил этганлигини кўрсатиб ўтган эди².

Пахта майдонлари тўғрисидаги А.Икромов томонидан келтирган рақам ва расмий маълумотлар амалда ундан кўра юқорироқ бўлган. Бу ҳақда эса бошқа маълумотлар ҳам гувоҳлик беради. Ўзкомпартия МКнинг 1934 йил 10 январдаги VI партия съездига берилган ҳисоботда, “Ҳозир Ўзбекистонда 80 фоиздан ортиқ пахта экилган районлар йўқ. Шунга қарамай, айрим районларда колхозлар борки, улар ўзига хос монокультурали ҳисобланади. Олтинкўл районини олиб кўринг, у ерда 92-93 фоиз майдонига пахта эккан колхозлар сўзсиз бор, ваҳоланки район бўйича пахта майдони умуман 81 фоизни ташкил этади ”³,-дея таъкидлаган таъкидлаган эди. Компартия Марказий Комитети ҳисоботидаги далиллардан маълум бўладики, мавжуд колхозларнинг “экин майдонини 90 фоизи ва ундан ортиғига пахта экилса яхши эмас, лекин 80 фоиз бўлса

¹ Акмал Икромов. Избранные труды. Т. III. - С. 421-422.

² Ўша манба. - С.110.

³ Отчет ЦК КП (б) Уз. VI парткурултаю 10 января 1934 г. – Ташкент: Узпартиздат, 1934. - С. 13-14.

бўлаверади”, деган фикр билдирилган. Ваҳоланки, илмий-тадқиқот ташкилотларининг тавсияси бўйича қишлоқ хўжалигида ғўза экинлари майдони 60 фоиздан ошмаслиги керак эди. Шундагина, тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш, алмашлаб экиш мумкин бўлган.

Совет ҳукумати тўқимачилик саноатини янада ривожлантириш, пахта хом ашёсига бўлган талабни тўла қондириш мақсадида Ўрта Осиё республикаларида, айниқса, Ўзбекистонда пахта етиштириш ва экин майдонини йилдан-йилга кенгайтириб борди. Бунинг натижасида республиканинг суғориладиган экинлари орасида пахта майдонининг улуши қисқармади. Совет ҳукуматининг Ўзбекистонда пахта етиштиришни кўпайтириш бўйича кўрган чора-тадбирлари туфайли 1934-1936 йилларнинг ўзида республикада пахта ялпи ҳосили ва ҳосилдорлиги янада ўсиб, унинг қиймати икки баробарга ортди. (11- илова). Ушбу маълумотлар бўйича 1934-1936 йилларда республикада пахтанинг ялпи ҳосили 720 минг тоннадан 1452,6 минг тоннага ўсган. Бу ўсиш, асосан, пахта ҳосилдорлигининг ўсиши ҳисобига содир бўлди. Ҳосилдорлик 1934-1936 йилларда гектаридан 8,2 центнердан 16,36 центнерга ортган.

Иловадан ҳосилдорликнинг ўсишини, айниқса, айрим районлар, округлар, воҳалар бўйича яққол намоён бўлади. Масалан, Самарқанд округи районларида 1933-1936 йилларда пахта ҳосилдорлиги 5,5 центнердан 12,5 центнерга ўсган. Шу даврда Хоразм округида пахта ҳосилдорлиги 5,8 дан 11,5 центнерга, Тошкент округи районларида 7,2 дан 16,2 центнерга республиканинг асосий пахтакор ҳудуди ҳисобланган Фарғона водийсида 12,9 дан 21,6 центнерга ортган. Айрим районлар бундан ҳам юқори ютуқларни қўлга киритган. 1933-1936 йилларда пахта ҳосилдорлигини Ургут районида 4,2 дан 20,8 центнерга, Жомбой районида 7,7 дан 17,4 центнерга, Самарқанд районида 8,1 дан 19,5 центнерга, Норин районида 10 центнердан 19,5 центнерга етган¹. 1936 йилда юзлаб колхозлар ва айрим

¹ ЎзР МДА, 90-ф., 8-р., 1302- йиғма жилд, 4-5-в.

районлар гектаридан 25 центнердан ортиқ пахта бердилар. Избоскан райони 10300 гектар майдонининг ҳар гектаридан 30,3 центнердан пахта етиштириб, жами 31254 тонна пахта топширди. Андижон райони эса гектаридан 28,4 центнер ва жами 55338 тонна пахта топширган. Ленин райони гектаридан 27,6 центнер ва 61301 тонна пахта берган. Наманган райони гектаридан 27,2 центнер ва 34453 тонна пахта етиштирган. Уйчи райони гектаридан 26,2 центнер ва жами 24664 тонна пахта йиғиб олган¹.

Пахта ҳосилдорлигининг йил сайин ўсиши, пахта тайёрлаш режасининг ортиғи билан бажарилишига сабаб Иттифоқ ҳукумати томонидан Ўзбекистонга катта миқдорда минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик техникаси етказиб берилгани, кадрлар тайёрлашга, ирригация қурилишларига, пахта экин майдонини орттиришга алоҳида эътибор берилгани ҳисобланади.

1936 йилда пахтага солинган минерал ўғит миқдори икки баробарга яқин ортди. 1935 йилда 310 минг тонна минерал ўғит солинган бўлса, 1936 йилда пахтага 560 минг тонна минерал ўғит ишлатилган. Шу даврда минерал ўғитдан фойдаланилган пахта экин майдони 422 минг гектардан 740 минг гектарга ўсган. Пахтага маҳаллий ўғитлар солиш миқдори ҳам анча ўсган. 1935 йилда 372 минг гектар ерга ўғит солинган бўлса, 1936 йилда 544 минг гектарга солинган². Шу билан бирга, ўғитдан тўғри фойдаланиш, ўғитни солиш техникаси яхшиланди. 30-йилларда пахтачиликда минерал ўғитларни қўллаш, четдан ташиб келиш кенгаймади. 1939 йилда Ўзбекистонга азот ва фосфор ўғитлари 499 минг тонна, 1940 йилда эса 496 минг тонна ташиб келтирилган холос³. Бу кўрсаткичлар 1936 йилдагидан ҳам анча кам миқдорни ташкил қилади.

XX аср 30-йилларида иттифоқ ҳукуматининг топшириғи билан Туркистон уруғчилик станцияси ва тажриба станцияларида пахта

¹ ЎзР МДА, 90-ф., 8-р., 1302- йиғма жилд, 7-в.

² ЎзР МДА, 90-ф., 8-р., 1302- йиғма жилд, 16-в.

³ ЎзР МДА, 90-ф., 8-р., 4756- йиғма жилд, 8-в.

ҳосилдорлигини ошириш, узун толали пахта етиштиришни кўпайтириш, кўп тола берадиган пахта навини етиштириш мақсадида пахта уруғчилиги масалалари бўйича кенг миқёсда селекция ишлари олиб борилди. Бу соҳадаги ишлар, айниқса, СССР Халқ Комиссарлар Советининг 1934 йил 29 августдаги “Пахта соҳасида уруғчилик ишларини яхшилаш бўйича тадбирлар тўғрисида”ги¹ қароридан кейин янада кенг тус олди.

Маълумки, 20-йилларда Ўзбекистон пахта далаларида асосан, пахтанинг “Навроцкий” нави экилар эди. 1933-1940 йилларда пахтанинг етакчи навлари селекционерлар С.С.Кенаш етиштирган “Колхозчи” (8517) ва П.В.Магилников етиштирган “Ўзбекистон” (36М2) бўлган². Пахтанинг 8517 нави Навроцкийдан пахта ҳосили 5-10 фоиз, толаси 10-20 фоиз, хом пахтадан олинадиган тола миқдори 3-4 фоиз юқори бўлган ва толанинг узунлиги 31-32 мм ташкил қилган. Пахтанинг янги серҳосил навлари уруғини кўпайтириш учун колхоз ва совхозларда уруғлик хўжалик бригадалари ташкил қилинди. Пахта тозалаш заводларида уруғлик чигитни текшириш учун уруғлик лабораториялари очилди. Кўрилган чора-тадбирлар уруғлик материалнинг яхшиланишини таъминлади.

Янги пахта навларининг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши унинг сифатини яхшилашга ёрдам қилди. Масалан, республикада пахта толаси узунлиги 30 мм бўлган навлари 1933 йилда 92,2 фоиз, 31-33 мм лиси эса 4,4 фоиз экин майдонига экилган бўлса, 1936 йилда юқоридагига мувофиқ 36,7 ва 48,4, 1939 йилда 3,5 ва 76,8 фоизга экилган³. Демак, 1933-1939 йилларда қисқа, ўрта толали пахта навларини экиш қисқарган ва узун толали навларнинг экин майдонлари кенгайган.

Селекционер олимларнинг пахтанинг серҳосил ва кўп тола берадиган навларини етиштириши республикада тайёрланадиган пахта миқдорини ўстиришга катта ҳисса бўлиб қўшилди. Шунинг учун иттифоқ ҳукумати

¹ Борьба за хлопок. 1934. -№ 6-7. - С. 88-91.

² ЎзР МДА, 90-ф., 8-р., 1302- йиғма жилд, 23-24-в.

³ История развития хлопководства в Узбекистане. –Ташкент: 1983. - С.95.

республикада пахта уруғчилигини ривожлантириш учун зарур чора-тадбирларни кўрган.

Республикада пахта етиштиришни кўпайтириш, деҳқончилик ишларини бажариш муддатини қисқартириш, агротехник тадбирларни кенгайтиришда қишлоқ хўжалигини трактор-механизация таъминотини яхшалаш, машина-трактор станцияларини ташкил қилиш ҳал қилувчи роль ўйнади. Давлат пахта ҳосилдорлигини ошириш, унинг миқдорини кўпайтириш мақсадида МТСларга йилдан-йилга кўплаб тракторлар ва бошқа деҳқончилик ускуналарини етказиб берган. Натижада, қишлоқ хўжалигини механизациялаш жараёни йил сайин ўсиб борган. Буни Ўзбекистонда МТСлар сонининг кўпайиб борганлигадан ҳам кўрса бўлади. Масалан, 1929 йилда 4 та МТС бунёд этилган бўлса, 1930 йилда 25, 1931 йилда 19, 1932 йилда 19, 1933 йилда 5, 1934 йилда 15, 1935 йилда 25 та МТСлар ташкил қилинган эди. Тузилган МТСлар сонининг ўсиб бориши билан бирга, МТСларнинг трактор парки ҳам ривожланиб борди. 1935 йилда МТСларда тракторлар миқдори 6247 тадан 12298 тага кўпайган. Тракторлардан ташқари, МТСларда 1935 йилда 7988 та плуг, 2309 та культиватор, 1371 пахта сеялкаси ва бошқа деҳқончилик ускуналари мавжуд эди¹.

МТСлар деярли барча колхозларга хизмат кўрсатар, колхоз далаларини натурал ҳақ эвазига ишлаб берар эди. Бу ҳақнинг миқдорлари давлат томонидан ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланарди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, трактор, плуг ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларининг МТСларда, яъни давлат қўлида тўпланиши колхоз ва деҳқонларга мулк қилиб берилмагани техникани деҳқонлардан ажратиб қўйди. Деҳқонлар қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарининг эгаси бўлаётган бўлмаганлар. Шунинг учун деҳқон механизаторлар МТС ихтиёридаги техникага кўпинча лоқайдлик, бефарқлик билан муносабатда бўлганлар.

¹ ЎзР МДА, 90-ф., 8-р., 1551- йиғма жилд, 136-140-в.

Дехқонлар техникани кўп ҳолларда “ўзиники” деб қарамадилар, натижада МТСдаги мавжуд техникани асраб-авайлаб сақламай, ишлатмадилар, техник воситалар тезда бузиб, ишдан чиқар эди.

Иттифоқ ҳукумати кўрган чора-тадбирлар туфайли республикада йилдан-йилга МТСлар ва уларда тракторлар сони ортиб борди. 1933 йилда Ўзбекистонда 72 та МТС ва ҳар бир МТСда ўртача 56 тадан трактор бўлган. Шунга мувофиқ 1934 йилда 87 ва 86, 1935 йилда 112 ва 92, 1936 йилда 136 ва 101, 1937 йилда 163 та МТС ва ҳар бир МТСда ўртача 112 та трактор бўлган¹. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, 1933-1937 йилларда МТСлар сони 72 тадан 163 тага ортган, МТСлардаги тракторлар сони 4032 дан 18256 тага ўсган.

Иттифоқ ҳукумати Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш, пахта ҳосилини кўпайтириш мақсадида катта миқдорда қишлоқ хўжалик техникасини етказиб берган. Буни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1936 йил 10-13 июлдаги VI пленумининг “Пахтага яна ишлов бериш, пахта терими ва тайёрлашни ўтказиш тўғрисида”ги қарорида ҳам кўриш мумкин. Қарорда жумладан, шундай дейилган эди: “Пахтачиликни янги техника билан таъминлашдаги Иттифоқ ҳукуматининг жуда катта ёрдами (Ўзбекистон колхозлари пахта далаларида бу йил баҳорда бултургидаги 1756 универсал трактори ўрнида 3137 та, ўтган йилги 941 трактор сеялкаси ўрнида 2337 та, бултурги 1497 культиватор ўрнига бу йил 3085 та ишлади) механизациялашган ишлар кўламининг ғоят зўр ўсишини таъминлади”².

1940 йилга келиб республикадаги МТСлар сони 189 тага етди. Тракторлар сони 1938 йил 1 январда 18355 тани ташкил қилган бўлса, 1940 йил 1 январига бориб уларнинг сони 19637 тага етди.

¹ История механизации хлопководства в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1985. - С. 69.

² Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК (1925-1986). В 4-х т. – Ташкент: Узбекистан, 1987. Т.1. - С. 673.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида механизация даражасининг ривожланиши деҳқончилик ишларини бажариш муддатини қисқартириб, унинг ҳажмини кенгайтирди. 1935 йилда пахта экиладиган ерларни ҳайдаш маълум даражада механизациялашган бўлса, 1936 йилда пахтани экиш ва культивация қилиш (культиватор билан ерни юмшатиш) ишларини механизациялашда катта муваффақиятларга эришилди. (12- илова).

Мазкур иловада берилган рақамлар республика бўйича ўртача кўрсаткичлар бўлиб, айрим районларда бу кўрсаткичлар янада юқори бўлган. Масалан, Мирзачўл районида ер ҳайдаш 93,5 фоизга, экиш 76 фоизга, культивация 90,2 фоизга механизациялашган эди. Биринчи ва иккинчи Балиқчи МТСида ер ҳайдаш 71,3 фоизга, экиш 49,5 фоизга, культивация 85,8 фоизга механизациялашган эди¹. Республикада пахта бўйича тракторлар ёрдамида бажарилган асосий ишлар ҳажми йил сайин ортиб борди. 1937 йилда пахта майдонларини ҳайдаш (кузги шудгор ва бошқа қайта ҳайдалганлар йиғиндиси) 2472760 гектар, экилган пахта 379931 гектар, культивация қилинган пахта майдони 1626571 гектар бўлган бўлса, 1940 йилда тракторлар ёрдамида пахта майдонини ҳайдаш 2508698 гектар, экилган пахта 572637 гектар, культивация қилинган пахта майдони 2477012 гектарни ташкил этган². Пахта бўйича асосий ишларни механизациялашда катта ютуқларга эришилган 1936 йилга нисбатан 1940 йилда колхозларда тракторлар ёрдамида пахта экиш 2,5 маротабадан ортиқ, пахтани культивация қилиш 3 каррадан зиёд ортиган. Пахтачиликда механизациянинг кенг қўлланилиши пахта ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосилининг ўсишига катта ҳисса қўшди.

Иттифоқ ҳукумати Ўзбекистонда пахта экин майдонлари, унинг ялпи ҳосилини кўпайтириш мақсадида ирригация қурилишига йил сайин катта миқдорда маблағ ажратган. Жумладан бу соҳага 1929-1932 йилларда 234

¹ ЎзР МДА, 90-ф., 8-р., 1302- йиғма жилд, 25-в.

² ЎзР МДА, 90-ф., 8-р., 4756- йиғма жилд, 84-в.

млн.рубль, 1933-1937 йилларда эса 444,1 млн. рубль ажратилган¹. Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, давлат томонидан республиканинг сув хўжалик ташкилотларига иккинчи беш йилликда биринчи беш йилликка нисбатан қарийб икки баробар кўп маблағ ажратилган. Иккинчи беш йиллик давомида катта ҳажмдаги ирригация-мелиорация ишлари амалга оширилган.

Ўзбекистонда 1929-1937 йилларда суғориш ишларини кенг кўламда олиб борилганлиги туфайли пахта майдонлари ва унинг ялпи ҳосили йил сайин ортиб борди. Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети раиси Й. Охунбобоевнинг 1938 йил 17 февралдаги Ўзбекистон стахановчи ирригация ходимлари кенгашида қилган маърузасида шундай дейилган эди: “Иккинчи беш йиллик ичида Ўзбекистонда пахта майдони кўпайди, ҳосилдорлик ҳам ортди. 1928 йилда республикада пахта майдони 550 минг гектар эди, 1937 йилда 884 минг гектарга етди. 1928 йилда 517 минг тонна пахта ҳосили олинган эди, 1937 йилда республикада 1 млн. 400 минг тоннага яқин пахта берди. Хуллас, Ўзбекистон шу давр ичида пахта майдонини бир ярим ҳисса кўпайтирди, пахта ҳосилини эса уч баробар орттирди”². Пахтачилик соҳасида эришилган ютуқлардан кўриниб турибдики, партия ва совет ҳукумати биринчи ва иккинчи беш йилликларда бутун ирригация тизимини техник жиҳатдан яхшилаб, ишга солиб, далаларга машина билан сув чиқариб, кам сувли районларнинг сув билан мўл таъминланишини ташкил этиш йўли билан пахта майдонини кенгайтирган.

1938 йили ирригация қурилиш ишларида халқ ҳаракати бошланди. Бу ҳаракатни Фарғона водийси колхозчилари бошлаб берди. Дастлаб 1938 йил баҳорида Поп райони деҳқонлари ўз қўллари билан 9 км ли Лангар каналини қурдилар. 1939 йил мартда деҳқонлар ташаббуси билан 32 км ли

¹ Мамедов А.М. Развитие ирригации в Узбекистане. – Ташкент:Фан, 1967. - С.161.

² Охунбобоев Й. Танланган асарлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1976. - Б. 384-385.

Лоғон канали 17 кун ичида қурилиб битирилди. 1939 йил августда Катта Фарғона канали қурилиши бошланди. Унда 160 минг колхозчилар қатнашди. 45 кунда ичида Ўзбекистон ҳудудида 270 км узунликдаги канал қурилиб ишга туширилди¹.

Фарғоналик колхозчилар ташаббуси республиканинг бошқа вилоятларига ҳам тез ёйилди ва шундай халқ қурилишлари кўплаб районларда амалга оширилди. 1940 йилда Шимолий Фарғона, Жанубий Фарғона, Тошкент каналлари ҳам халқ қурилиши усуллари билан бунёд этилди. Каналларнинг қурилиши ва бошқа ирригация-мелиорация иншоатларининг барпо этилиши янги ерларни ўзлаштиришга, пахтакор районларни сув билан таъминланишини яхшилашга ёрдам берди. Давлат томонидан суғориш соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар республика вилоятларида суғориладиган экин майдонини кенгайтириш имкониятини берди. Республика колхозларининг суғориладиган экин майдони 1938-1940 йилларда 204,7 минг гектар, жумладан, 1938 йилда 72,9 минг гектар, 1939 йилда 55,9 минг гектар, 1940 йилда 75,9 минг гектарга кўпайди².

1938-1940 йиллардаги халқ ирригация қурилишлари натижасида янги ерлар ўзлаштирилди, мелиорация ишлари туфайли ботқоқлик ерлар қуритилди. Ирригация-мелиорация иншоатлари қурилиши натижасида суғориладиган ерлар майдони кенгайди. Шунини таъкидлаш жоизки, олдинги йилларда суғориладиган ерлар, асосан, пахта майдонларини кенгайтириш учун фойдаланилар эди. 1937 йилга келиб пахта яккаҳокимлиги авжга чиқди. Дала экинлари таркибида пахтанинг улуши республика бўйича 75 фоиз, айрим вилоятларда эса 80 фоиздан ортиқ бўлган. Республикада биринчи, иккинчи беш йилликлар мобайнида алмашлаб экиш усулига деярли эътибор берилмади. Натижада, тупроқ

¹ Мамедов А.М. Развития ирригации в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1967. - С.164-167.

² ЎзР МДА, 90-ф., 8-р., 4756-йиғма жилд, 1-в.

қатлами таркиби бузилди. Лекин, кейинчалик олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан алмашлаб экиш усулига аҳамият берила бошланди. 1938 йилдан бошлаб пахтанинг улуши ва экин майдонлари ҳажми қисқара бошлади. Беда ва чорва озуқа экинлари майдони эса нисбатан ўсди. Буни қуйидаги маълумотлардан ҳам кўриш мумкин бўлади. Шу даврга келиб қишлоқ хўжалик экинлари таркибидаги пахта майдонлари ҳажми 1937-1940 йилларда 74,9 фоиздан 62,3 фоизга қисқарди, шунга мувофиқ ғалла 8,8 ва 8,8 чорвага бериладиган ем-ҳашак 12,8 ва 24,4, беда 12,5 ва 24,1, сабзавот-полизчилик экинлари майдони 1,9 фоиз ва 3,1 фоизни ташкил этди¹. Келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, кўрсатилган йилларда ем-ҳашак майдонлари 12,8 фоиздан 24,4 фоизга ўсиб, беда майдонлари ҳам 12,5 фоиздан 24,1 фоизга ортган. Пахта экин майдонлари ҳажми эса шу даврда 74,9 фоиздан 62,3 фоизга қисқарган. Ушбу рақамлар шундан далолат берадики, пахта яккаҳокимлигига республика бўйича тўла барҳам берилмаган. Лекин, бир вақтнинг ўзида алмашлаб экишга ҳам эътибор кучайтирилди. Беда экин майдонлари барча экинлар майдонларининг деярли 25 фоизини ташкил қилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, республиканинг асосий пахтакор вилоятларидан бири бўлган Фарғона вилоятида 1937-1940 йилларда суғориладиган ерлар майдони ўсиб борган, лекин пахта майдонлар ҳажми нисбатан камайган. Республика кўрсаткичларидан фарқли ўлароқ, Фарғона вилоятида экинлар таркибида пахтанинг улуши анча юқори бўлган. (13-илова). Унга кўра Фарғона водийсида 1937-1940 йилларда суғориладиган экин ерлари 42,3 минг гектарга ўсган. Пахта майдонлари эса 41,3 минг гектарга камайган. Экинлар таркибида пахта улуши республика бўйича 1937 йилда 74,9 фоиз бўлган бўлса, Фарғона водийсида 80,9 фоизни ташкил қилган. Демак, пахтанинг улуши Фарғона водийсида республиканикидан 6 фоиз юқори бўлган. 1940 йилда пахтанинг улуши

¹ ЎЗР МДА, 90-ф., 8-р., 4756- йиғма жилд, 2-в.

республика бўйича 62,5 фоиз бўлган бўлса, Фарғона водийсида 72,5 фоиз бўлган, яъни кўрсаткич 10 фоизга юқори бўлган.

1937 йилда республикада пахта монокультурасининг энг юқори даражаси Бухоро вилоятида кузатилган. Ўша йили Бухородаги 238,7 минг гектар ернинг 206,3 минг гектарига, яъни 86,4 фоизига пахта экилган. Кейинги йилларда пахта экин майдонлари ва унинг улуши камайиб борган. 1940 йилда вилоятдаги 280 минг гектар суғориладиган экин ерларининг 195,9 минг гектарига, яъни 70 фоизига пахта экилган¹.

Республика бўйича пахта монокультурасининг ривожини айрим колхозлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Фарғона водийсининг барча колхозлари, жумладан, Пахтаобод районидаги Киров номли колхоз ҳам пахтакор хўжалик бўлган. 1938 йилда олдинги йиллардагидек колхоздаги экин майдонининг асосий қисмига пахта экилган. Пахта экиб бўлмайдиган ерларга эса шоли экишган. (14- илова) Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, колхозларнинг пахтакор бригадаларига бириктирилган экин майдонларининг ўртача 85 фоизига пахта, 15 фоизига беда экилган. Колхознинг умумий экин майдони 431 гектар бўлса, шундан 310 гектар ерга пахта экилган. Колхознинг экин майдони таркибида пахтанинг улуши 72 фоизни ташкил этган. 1938 йилда Фарғона водийси умумий экин майдони таркибида пахтанинг улуши 77 фоизни ташкил этишини ҳисобга олинса, юқорида мисол қилиб олинган Киров номли колхозда пахтанинг улуши нисбатан кам бўлган эди. Лекин, алмашлаб экиш талабларидан келиб чиқиб ёндашилганда, бу колхозда ҳам пахтанинг улуши 12 фоизга юқори бўлган. Демак, бу хўжаликда ҳам водийнинг бошқа хўжаликларида бўлгани сингари пахта яккаҳокимлиги ҳукмронлик қилган.

Масалага хулоса тарзида шуни таъкидлаш жоизки, 1929-1932 йилларга келиб СССР асосан пахта мустақиллигига эришди. Бироқ, урушдан олдинги беш йилликларда Иттифоқ бўйича

¹ ЎЗР МДА, 90-ф., 8-р., 4756- йиғма жилд, 8-в.

индустрлаштиришнинг, жумладан, тўқимачилик саноатининг ўсиши пахта хом ашёсига бўлган талабни оширди. Шундан келиб чиқиб, иттифоқ ҳукумати маҳаллий шароит билан ҳисоблашмай, Ўзбекистонга янада кўпроқ пахта ҳосилини етиштириш тўғрисида топшириқлар берган. Бу эса колхозларни барча суғориладиган ерларда пахта экишга мажбур қилиб, пахта яккахокимлиги даражасини янада авж олдирган.

Мамлакат директив органлари пахта ҳосилдорлигини ўстириш, унинг ялпи ҳосилдорлигини кўпайтириш учун Ўзбекистонга катта миқдорда қишлоқ хўжалик техникаси, имконият даражасида минерал ўғитлар етказиб берган. Шунингдек, пахта уруғчилигини яхшилаш чораларини кўрган. Колхоз ва совхозларга раҳбар ходимлар, тегишли мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор берилиб, ирригация-мелиорация ишлари, суғориладиган экин майдонлари ҳажми кенгайтирилган. Мазкур кўрилган чора-тадбирлар пахта етиштиришни кўпайтириш, унинг марказга ташиб кетиш мақсадида амалга оширилган бўлса ҳам, умуман олганда қишлоқ хўжалик соҳасида объектив равишда ижобий роль ўйнаган. Хўжаликлар пахта далаларида замонавий трактор, плуг, сеялка, культиватор ва бошқаларнинг қўлланиши ерни ҳайдаш, пахта экиш, ғўзага ишлов бериш муддатини қисқартириб, унинг сифат даражасини яхшилади, ҳосилдорликни оширди. Пахтачиликда минерал ва органик ўғитларнинг кенг қўлланилиши, пахта уруғчилигида янги серҳосил, узун толали навларнинг яратилиши, ҳосилдорликнинг ўсишида ҳал қилувчи омил бўлган. Иттифоқ ҳукумати ирригация қурилиши учун ажратиладиган маблағ миқдорини орттириб, янги ерларни ўзлаштиришни кенгайтириб борди. 1938 йилдан бошлаб республикада ирригация қурилишларида халқ ҳаракати авж олди. Кўпгина канал, ариқлар қурилди ва суғориладиган ерлар майдон ҳажми кенгайди. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш, химиялаштириш, мелиорациялаш соҳасида амалга

оширилган ишлар нафақат пахтачилик балки бутун қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, шубҳасиз ижобий аҳамиятга эга бўлган.

Ўзбекистонда пахта ялпи ҳосилини оширишни тугал мақсад қилиб олган совет органлари юқоридаги тадбирларни, асосан, пахтакор районлар хўжаликларида қўллаб, барча суғориладиган ерларда асосан пахта экишга урғу берди. Натижада, колхозларда пахта экин майдонлари йил сайин кенгайиб бориб, пахта монокультураси даражаси авж олди. 1933-1934 йилларда республикадаги колхозларда пахтанинг улуши 80-90 фоизга етган. Илмий-тадқиқот муассасаларининг тавсиялари ва алмашлаб экиш талабидан келиб чиқиб, кейинги йилларда беда майдонини кенгайтириш, пахта майдонини қисқартириш чора-тадбирлари кўрилди. Монокультура даражасини пасайтиришга қисман эришилди. Лекин бу иллатдан тадқиқ қилинаётган даврда ва урушдан кейинги йилларда ҳам тўла қутулиш имконияти бўлмади. Иттифок ҳукуматининг Ўзбекистондан доимий равишда меъёридан ортиқча пахта етиштиришга урғу қилиши ва марказга ташиб кетиши юқорида қайд қилинган ҳолатнинг асосий сабаби бўлган.

3.2. Ўзбекистон халқ хўжалигида озиқ-овқат муаммосининг юзага келиши

Ўзбекистон миқёсида ёппасига коллективлаштириш жараёни 1932 йил га келиб асосан тугалланди. Табиийки, колхоз тузумининг таркиб топиши узок муддат давом этадиган ҳолда салбий оқибатларга олиб келувчи тузилма сифатида юзага келган эди. Қишлоқ хўжалигида колхоз тузумининг ғалабаси натижасида маъмурий-буйруқбозлик тузуми янада чуқур илдиз отди. Бундан аввалроқ мавжуд бўлган якка хўжаликларда пахта экин майдонлари ва ҳосилини кўпайтириш учун иқтисодий усуллар қўллаш, пахта экин майдонларини солиқлардан озод қилиш, аванс бериш, саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан бепул ёки арзон нархда

таъминлаш ишлари бу даврга келиб барҳам топди. Колхоз тузуми ғалаба қозонгандан кейин партия ва совет органлари томонидан колхозларда экин майдонининг қанча фоизига пахта ва бошқа экинлар экиш режасини белгилаб бериш тартиби қарор топди. Республикада коллективлаштиришнинг амалга оширилиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг мустамлакачилик характердаги йўналишини кучайтиришга, унинг бир томонлама, пахтачилик хом ашёси соҳаси бўйича ривожланишига кенг йўл очиб берди.

Иттифоқ ҳукумати Ўзбекистонни асосий пахта хом ашёси базасига айлантириш сиёсатини амалга ошириб, колхоз ва совхозларни асосий пахта етиштирувчи хўжаликларга айлантирди. Натижада, 1933 йилга келиб колхоз ва совхозлар республикада етиштирилган пахтанинг 90 фоизини бера бошлаган¹. Колхоз ва совхоз хўжаликлари асосан пахтачилик билан шуғулланиб, бошқа соҳалар, жумладан ғаллачиликка етарли эътибор беришга имконият йўқ даражада эди. Бунинг натижасида республика аҳолисини тегишли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда қатор қийинчиликлар юзага кела бошлади.

Ўзбекистонда ёппасига коллективлаштириш жараёни бошланганда деҳқонлар колхозларга киришни, ўз ери, чорваси, ишчи ҳайвонларини умумлаштиришни хоҳламаганлар. Дастлабки вақтларда қишлоқ аҳолиси колхозларга мажбуран аъзо қилинган. Бундай зўравонликка жавобан деҳқонлар ўз чорваларини сотиб пул қилишган, бошқа йўли бўлмаса ёппасига сўйиб истеъмол қилишган. Айрим чорвадор хўжаликлар, айниқса водийда чорвасини қўшни давлатларга ҳайдаб ҳам олиб ўтиб кетган. Чорвачиликнинг биринчи беш йилликдаги ҳолати тўғрисида республика ҳукумати раиси Ф.Хўжаев “Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг вазифалари” номли мақоласида шундай деб ёзган эди: “Ўзбекистон чорвачилик хўжалиги биринчи беш йилликда ўсмади, хаттоки талофат

¹ Икрамов А. Избранные труды. В 3-х т. – Ташкент: 1974. Т.3. – С.423.

кўрди... Қишлоқнинг капиталистик элементлари бизга қарши ва бизнинг чорвачилик хўжаликларини яхшилашга қаратилган тадбирларимизга қарши ғаразли кураш олиб борди. Биринчи навбатда бизга қарши бу кураш ҳайдаб олиб кетишда, ваҳшийларча йўқ қилишда намоён бўлди”².

Коллективлаштиришнинг дастлабки йилларида деҳқонлар чорвани колхозга топширмаслик, умумлаштирмаслик мақсадида ёппасига молни сўйиб юборганлиги туфайли республикада чорва туёғи сони кескин даражада камайиб кетди. Буни 1931-1934 йилларда республикадаги чорвачиликнинг аҳволи ҳақидаги маълумотлар яққол кўрсатади. Ф.Хўжаев 1935 йил январда Ўзбекистон ССР ҳукуматининг ЎзССР советларнинг V съездида берган ҳисоботида чорвачиликнинг ҳолати таҳлил қилган эди: (15- илова)

Маълумотларга кўра чорвачиликдаги 1931 йилдаги ҳолат 1934 йилда ҳам тикланмаган. 1931-1932 йилларда эса барча турлари бўйича уй ҳайвонлари сони камайган. 1933-1934 йилларда эса моллар айрим турларининг камайиши давом этган. Чорвачилик республика қишлоқ хўжалигининг қолоқ тармоғи эканлиги ва тикланиш жараёнининг жуда секин боришига асосий сабаб республика раҳбариятининг мазкур кўрсатмаси билан асосий эътиборни пахтачиликка қаратиб, чорвачиликка аҳамият бермаганида бўлган.

Лекин, бир вақтнинг ўзида Иттифок ҳукуматининг кўрсатмаси билан республика ҳукумати колхозларда чорвачиликни ривожлантириш ҳамда тери, жун топширишга, қоракўл етиштиришни кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор бера бошлади. Чорвадор хўжаликлар ҳам колхозларга бирлаштирилиб, чорвадор колхозлар ташкил қилина бошланди. “Қулоқ” хўжаликларидан мусодара қилинган, колхозчиларнинг умумлаштирилган от-хўкизларидан колхозларда жамоа чорвачилиги шакллантирилди. Шу йўл билан колхоз чорвачилиги барпо қилинди. Колхоз чорвалари асосида

² Правда Востока. 26 февраля 1933 г.

1931 йилдан бошлаб республика колхозларида колхоз чорва-товар фермалари (КТФ) ташкил қилина бошланди. 1933 йилда республика чорвасининг 51 фоизи колхоз, совхоз ва КТФларда етиштирилар эди³. Кейинги йилларда бу жараён ўсиб борди.

Чорванинг колхоз ва совхозларда умумлаштирилиши, чорвачилик хўжаликларининг тугатилиши, умуман олганда, чорвачиликнинг ривожланишида салбий роль ўйнади. Чорвани эгасиз қилиб қўйди. Колхоз товар фермаларида хизмат қилаётган чўпонлар моллар “меники эмас”, колхозники деб чорвага бепарво қарар, уни ривожлантириш учун бор қобилятини ишга солмас эди.

1934 йил июнда ВКП(б) МКнинг пленуми 1934-1935 йилларда Ўрта Осиё республикаларида чорвачиликни ривожлантириш режаси тўғрисида қарор қабул қилди. Пленум 1934-1935 йилларда Ўзбекистонда 3739 та КТФ ташкил қилишни, совхозлар КТФ га чорва моллари сотишни таклиф қилган. Ҳар бир КТФ да ўртача 300 та қўй, 10-15 та қорамол, 30-40 та туя бўлиши белгиланган эди. Шунингдек, қарорда чорвачиликнинг ем-хашак базасини кенгайтириш тадбирларини кўриш топширилган эди. Шу билан бирга, 1934-1935 йилларда республикада чорвасиз хўжаликларни тугатиш зарурлиги кўрсатилган эди⁴.

Ушбу қарор табиийки туб жой аҳолиси манфаатидан келиб чиқиб эмас, биринчи навбатда, марказ манфаати нуқтаи-назаридан қабул қилинган эди. Иттифоқ директив органларининг Ўрта Осиёда, жумладан, пахтакор республика ҳисобланган Ўзбекистонда чорвачиликни ривожлантиришдан кўзлаган мақсади марказ енгил саноатини тери ва жун билан тўла таъминлаш бўлган. Республика қишлоқ хўжалиги идоралари чорвачиликни ривожлантириш бўйича тегишли чоралар кўрди. Бунинг натижасида секин-аста чорвачиликда ҳам силжиш юз берди. 1933 йил

³ Ходжаев Ф. Избранные труды. В 3-х т. – Ташкент: Фан, 1973. Т. 3. - С.230.

⁴ Бюллетень сельского хозяйства Узбекистана. 1934. - №7. - С. 3-4.

июлидан 1936 йил июлигача чорва миқдори 3542 минг бошдан 5380 минг бошга ортган. КТФлар сони 1933-1935 йилларда 781 тадан 4737 тага, улардаги чорвалар сони 502 минг бошдан 1292 минг бошга кўпайган⁵.

ВКП(б) МКнинг 1934 йил июнь пленумининг Ўрта Осиё республикаларида чорвачиликни ривожлантириш режаси тўғрисидаги қарорида колхоз ва совхозлардагина эмас, колхозчилар ва якка деҳқон хўжаликларида ҳам чорвани кўпайтириш мақсадида чорвасиз хўжаликларни тугатиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган. 1934 йилда фақат 33 фоиз колхозчилар хўжалигида сигир ва бузоқ бўлган. 1935 йилда сигирсиз колхозчиларга мол олиб бериш масаласида бир оз ишлар амалга оширилган бўлса ҳам, умуман олганда, бу соҳа анча оқсаб қолган эди. 1936 йил 1 январга 50,8 фоиз колхозчиларнинг сигир ва бузоқлари бўлмаган, 35,9 фоиз колхозчилар эса бутунлай чорвасиз эди⁶.

Иккинчи беш йилликда чорвасиз колхоз аъзоларини қора моллар билан таъминлаш борасида маълум ишлар амалга оширилган. Иттифокдан чорва, жумладан, зотдор моллар олиб келиб, колхоз ва совхозларга берилган. Чорвадор совхозлар КТФ га ва улар ўз навбатида, колхозчиларга чорва ҳайвонларини сотар эдилар. Шу йўл билан уларни чорва билан таъминлаш чоралари кўрилган. 1936-1937 йилларда колхозчиларга 461,2 минг бош ҳайвон берилган. Жумладан, 16,7 минг бош қорамол, 436,9 минг бош қўй ва эчки, 7,6 минг бош чўчқа берилган⁷. Лекин, бу билан муаммо ҳал бўлмаган эди.

1937 йил 1 январга келиб Ўзбекистон бўйича халқ хўжалик ҳисобининг маълумотида кўра сигирсиз колхозчилар сони 297998 хўжалик бўлган. Бу кўрсаткич колхозчи хўжаликларнинг умумий сонига нисбатан

⁵ Правда Востока. 20 июня 1937 г.

⁶ ЎзР МДА, 90-ф., 8-р., 1551- йиғма жилд, 140-в.

⁷ ЎзР МДА, 837-ф., 32-р., 129- йиғма жилд, 121-126-в.

42,5 фоизни ташкил этган. 1938 йил 1 апрелдаги маълумотга кўра 125075 нафар сугирсиз колхозчилар бўлганлиги таъкидланган эди⁸.

Юқоридаги маълумотлардан шу нарса аён бўладики, иккинчи беш йилликнинг охири ва учинчи беш йилликнинг бошларида республикада моли бўлмаган ва умуман чорвасиз хўжаликлар сони анчагина бўлган. Ўзбекистонда колхозчи, якка деҳқон хўжаликлари чорвачилиги ҳам колхоз ва совхозлар чорвачилиги ҳам жуда секин тикланмоқда эди. (16- илова). 1938 йилга келиб ҳам чорванинг биронта тури бўйича 1928 йилдаги даражага етилмаган эди. Ваҳоланки, 1928 йилда республика чорвалари сони 1917 йил Октябрь тўнтаришидан олдинги чорвалар сонидан деярли икки баробар кам бўлган. Шу даврда қўй ва эчкилар сони бир ярим баробар кам эди. Отлар, туялар, эшаклар сони ҳам 1938 йилда 1928 йилдаги даражага бормаган эди. Шу йилларда республикада пахтанинг ялпи маҳсулоти деярли уч марта ортган ҳолда чорванинг сони аксинча камайган эди. 1934–1938 йилларда чорвачиликда ўсиш бошланган бўлса ҳам 1928 йилдаги ҳолатга ета олмаган эди. Бундай аҳволнинг сабаби эса юқорида таъкидланганидек иттифоқ ҳукумати томонидан пахтачиликка катта аҳамият берилгани ва чорвачиликка етарли эътибор берилмагани бўлган.

Чорвачилик аҳволининг таҳлили шуни кўрсатадики, ёппасига коллективлаштириш республика чорвачилиги соҳасига катта зиён етказган. Оммавий коллективлаштириш йилларида чорвачилик йилдан-йилга орқага кетиб борган. Кейинги йилларда чорвачиликда бўлган қисман силжишлар аҳволни бартараф этмай, 1940 йилга келиб ҳам деярли ўзгаришсиз қолган эди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири ғаллачилик ҳисобланган. Ғалла-дон экинлари пахтачилик сингари қадимий деҳқончилик экини ҳисобланар эди. Ўзбек халқи қадимдан ғаллачилик

⁸ ЎзР МДА, 90-ф., 8-р., 6341- йиғма жилд, 16-20 в.

билан шуғулланиб келган. Табиийки, ғалла кундалик ҳаёт учун зарур озиқ-овқат, ризқ-рўз ҳисобланган. Мамлакатда ўрта асрлар даврида суғориладиган ерларнинг асосий қисми ғалла экинлари – буғдой, арпа, маккажўхори ва бошқалар билан банд бўлган. Суғорма деҳқончиликда ғалла етиштириш кафолатланган, лалми деҳқончиликда ёмғир бўлса, ғалла бўлган, ёмғир бўлмаса, буғдой-арпалар ўсиб унмаган. Бу ҳолат халқни очарчиликка олиб келиши мумкин бўлган. Деҳқонлар тўплаган асрий тажриба ғалла экинларини суғориладиган ерларда экиш мақсадга мувофиқлигини исботлаган.

20-йиллар охири – 30 йиллар бошига келиб ўтказилаётган коллективлаштириш сиёсати натижасида ҳамда, “пахта мустақиллиги учун кураш” қобиғи остида кўплаб суғорма ерлар пахта экиш учун тортиб олиб бера бошланди. Буғдой эса лалми ерларга экила бошланди. Бу ерларда ҳосил кам бўлиб, у ҳам кафолатланмас эди. Натижада, республикада буғдой етиштириш тармоғи тобора камайиб, четдан келадиган ғаллага қарамлик ортиб борган.

Ўша даврдаги Республика раҳбарияти Ўзбекистон ўзининг озиқ-овқат базасига эга бўлиши зарурлигини яхши тушунган. Масалан, Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети раиси Ф.Хўжаев 1933 йил 26 февралда “Правда Востока” газетасида эълон қилинган “Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг вазифалари” номли мақоласида бу ҳақда шундай ёзган деб эди: “Шуни унутмаслик керакки, ғаллачилик ҳам биз учун катта аҳамиятга эга. Биз лалми ерларда қанча кўп буғдой, арпа, жўхори эксак, озиқ-овқат базамизни шунча кўп мустаҳкамлаймиз. Албатта, ўзимизнинг ғалламиз бизга етмайди. Бизни Иттифоқ ғалла билан таъминлайди, лекин биз ўзимизда пахта экилмайдиган, лалми ерларда қанча кўп ғалла экинлари эксак, шунча яхши бўлади”⁹. Мақоладан келтирилган кўчирмадан кўриниб турибдики, Ф.Хўжаев “Ўзбекистон ўзининг озиқ-овқат базасига эга

⁹ Ходжаев Ф. Избранные труды. В 3-х т.- Ташкент: Фан, 1973. Т.3. - С.444.

бўлиши керак”, деган фикрда бўлган. Шунинг учун лалми ерларда ғалла экиш лозим дейилган. Бу таклиф ўша давр советлар сиёсатида, яъни ғалла экинларни суғориладиган ерлардан сиқиб чиқариш ва пахтага бўшатиб бериш сиёсати мазмун-моҳиятидан келиб чиққан. Коммунистик мафкура зўравонлиги шароитида республика манфаатни иттифоқ манфаатидан устун қўйишнинг ўзи таъқиқланган доиралардан бири бўлган.

Совет ҳокимияти ташкил бўлган дастлабки йиллардан бошлаб пахтачиликни тиклаш ва ривожлантириш жараёнига алоҳида аҳамият берилган. Урушдан олдинги беш йилликларда пахта яккаҳокимлиги авж олиб, монокультура ҳукмронлиги озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, ғаллачиликни ривожлантириш имкониятларини чеклаб қўйди. Марказнинг пахта етиштиришни йилдан-йилга орттириб бориш тўғрисидаги топшириқ ва қарорларига асосланиб республика партия ва совет органлари пахтачиликни ривожлантиришга, пахтакор колхозларнинг моддий- техника базасини мустахкамлашга алоҳида эътибор берган.

Ҳукумат томонидан ғаллакор колхозларга етарли аҳамият берилмай, улар ўз навбатида янги қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминламаган, агротехника ютуқлари жорий этилмаган. Натижада, ғаллачилик соҳаси қишлоқ хўжалигининг қолоқ тармоғига айланиб қолган. Бу ҳолатни ўша даврдаги республика раҳбарияти ҳам тан олган. Масалан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А.Икромов 1934 йил 8 февралда республика ғалла агротехникаси конференциясида сўзлаган нутқида ғаллачиликнинг орқада қолганини қайд этиб шундай деган: “Очиқ айтиш керакки, биз республикаимиз ғалла хўжалигини кам билганмиз ва кам биламиз. Биз, яъни партия ва совет ходимлари, жумладан, Зироат халқ комиссариати раҳбар ходимлари пахтачилик техникасини эгаллаганимиз даражасида бўлса ҳам ғалла хўжалиги техникасини эгалламадик... Қишлоқ хўжалигида бизнинг ишимиз ҳозиргача бир томонлама бўлди: биз бирмунча пахтага берилиб кетдик,

аслида эса пахта билан ишлашни ғалла хўжалигини мустаҳкамлаштириш билан бирга қўшиб олиб бориш керак эди”¹⁰.

А.Икромов нутқидан кўриниб турибдики, партия, совет, хўжалик раҳбар кадрлари асосий эътиборни пахта етиштиришга қаратиб, ғаллачиликка тегишли аҳамият бермаган. Ана шу конференцияда Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Й.Охунбобоев “Ўзбекистонда дон хўжалигини ривожлантириш тўғрисида” мавзусида маъруза қилган ва республика ғаллачилигининг аҳволини қуйидагича баҳолаган: “Бизда дон колхозлари сушт ҳаракат қиладилар. Кўпинча уларнинг ишлари бутунлай ёмон. Маҳаллий партия, шўро ташкилотлари дон колхозларини мустаҳкамлашга етарли даражада диққат қилмай, кўпроқ пахтакор колхозларга диққат берадилар. Биз пахта экилатурган ерларда техникага ва машина билан ишлашга катта аҳамият бердик. Дон районларимизнинг пахта районларимиздан паст бўлиши ва орқада туришига яна бир мунча сабаблар бор. Бизнинг дон районларимиздаги колхозларимиз ва якка хўжалик деҳқонларимиз машинага ўтишда, агрономия билимидан фойдаланишда жуда ҳам сушт ишлайдилар”¹¹.

Маърузадан келтирилган парчадан кўриниб турибдики, Йўлдош Охунбобоев республика ғаллачилигидаги аҳвол салбий ҳолатда эканини таъкидлар экан, мавжуд ҳолатнинг сабабларини, биринчидан, партия ва совет ташкилотлари пахтачиликка асосий эътиборни қаратиб, ғаллачиликка аҳамият бермаганлигида, иккинчидан, дон хўжалигида механизацияга ва агротехника ютуқларига эътибор берилмаганлигида, деб ҳисоблаган.

Й.Охунбобоев ғаллакор колхозлар қоқоқлигининг сабаблари ҳақидаги фикрини ривожлантириб, маърузада яна қуйидагиларни такилдлаган эди: “...Дон колхозларининг орқада ва пастда туриши

¹⁰ Икромов А. Избранные труды. В 3-х т. - Ташкент: Узбекистан, 1974. Т.3. - С. 267.

¹¹ Охунбобоев Й. Танланган асарлар. –Тошкент: Ўзбекистон, 1976. - Б.335.

марказнинг ёки районнинг ёрдами етмаганлигидан эмас, балки колхозчиларимизнинг ўзлари шу ишга яхши аҳамият беришга қизиқмаганликларидандир... Колхозларга берилган плугни ишлатувчи қаерга олиб бориб ишлатган бўлса, иши битгандан кейин ўша ерга ташлаб кетганича, занг босиб ёта беради”¹². Бу ерда Йўлдош Охунбобоев колхознинг асосий камчилигини кўрсатиб ўтиб, колхозчиларнинг колхоз мулкига ўз мулки сифатида қарамагани, колхоз “давлат мулки”, дея бепарволик қилгани, техникани яхши сақлаб ишлатмаганини кўрсатган.

Ғаллачилик соҳасидаги қоқоқликнинг асосий сабабини А.Икромов ҳам, Й.Охунбобоев ҳам ўз чиқишларида қайд этилмаган. Табиийки, бунинг боиси ўша даврда совет ҳукуматининг Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида пахтачиликка устувор аҳамият бериб ғаллачиликка иккинчи даражали тармоқ деб қарагани ҳисобланади.

Ғаллачилик соҳаси республикада қоқоқ ҳисобланиб, ғаллакорларнинг турмуш даражаси оғир бўлган. Бу ҳолатга республика раҳбари Акмал Икромов ҳам юқоридаги нутқида тўхталиб, ғаллакорлар турмуш даражасининг пастлигини таъкидлаб ўтган эди. У бу ҳусусда жумладан шундай деган эди: “Пахтакорлар съездларида биз колхозчиларни ипак чопонларда, колхозчи аёлларни атлас ва ипак кўйлакларда кўрган эдик. Ҳозирги конференцияда аёллардан вакиллар йўқ, эркаклар бўлса бутунлай бошқача кийинган. Ушбу конференция делегатларидан тўқ колхоз ҳаёти ҳозирча кам сезилмоқда”¹³.

Марказнинг кўрсатмаси билан ғалла экинларининг суғориладиган ерлардан лалми ерларга сиқиб чиқарилиши ғаллакор колхозларнинг қоқоқлиги ва ғаллакорлар турмушининг оғирлигига асосий сабаб бўлган. Ғаллакор колхозларни мустаҳкамлашдан кўра пахтакор колхозларга кўпроқ эътибор берилишини Й.Охунбобоев ҳам 1934 йил 5 февралда

¹² Охунбобоев Й. Танланган асарлар. –Тошкент: Ўзбекистон, 1976. - Б.335.

¹³ Икромов А. Избранные труды. В 3-х т. – Ташкент: Узбекистан, 1974. Т.3. - С. 268.

Ўзбекистон ғаллакорлари кенгашида қилган маърузасида қайд этган. У жумладан шундай деган эди: “Бизнинг маҳаллалардаги партия ва шўро идоралари ва бошқа ишчилар ҳам дон районларидаги ташкилотларимиз, гарчи районнинг асосий экини дон бўлса-да, шу районда бўлган озгина пахтага дондан кўра кўпроқ аҳамият беришадилар. Мен бунинг билан пахтага аҳамият бериш керак эмас демайман, балки ҳар қайсисида ўз йўли билан катта-катта раҳбарликни ва катта-катта ёрдамларни бериш керак”¹⁴.

Озиқ-овқат танқислиги охир-оқибатда бу соҳага маълум эътиборни юзага келтирди. Учинчи беш йиллик даврига келиб республикада ғаллачилик соҳасига ҳам маълум аҳамият берилди бошланди. (17- илова). Маълумотларга кўра 1932-1937 йилларда буғдой ва арпанинг экин майдони 26 фоизга ўсган бўлса, учинчи беш йилликнинг фақат икки йилида, яъни 1938-1939 йилларида шу экинлар майдони 28 фоизга ортган.

1937 йилдан бошлаб ғалла экин ерларига, асосан, селекция йўли билан олинган уруғлар ва яхшиланган маҳаллий навлар экилади бошланди. Улар тез пишар ва қурғоқчилик, сувсизликка бардош берадиган, ҳосили олдинги навсиз уруғликларга нисбатан 20-30 фоиз кўп бўлган. 1939 йилда тоза навли уруғлар 990,4 минг гектар ерга экилган¹⁵.

Учинчи беш йилликда ғаллачилик хўжаликларининг моддий-техника базаси ҳам мустаҳкамлана бошланди. Иккинчи беш йиллик бошида ғаллакор хўжаликларда 9 та МТС бўлган бўлса, учинчи беш йилликнинг бошида уларнинг сони 35 тага етди. Уларда 2121 та трактор ва 1177 та комбайнлар бор эди. Бундан ташқари, майда қишлоқ хўжалик машиналари бевосита колхозлар ихтиёрида бўлган. 1938 йили уларда 76798 та плуг 10541 та борона, 203 та сеялка ва бошқа техника бўлган¹⁶.

1933-1940 йиллар мобайнида маълум ишлар олиб борилганлигига қарамай, Ўзбекистонда ғаллачилик қишлоқ хўжалигининг илғор тармоғига

¹⁴ Охунбобоев Й. Танланган асарлар. - Тошкент: Ўзбекистон, 1976. - Б. 336-337.

¹⁵ Сельское хозяйство Узбекистана за 15 лет. – Ташкент: 1939. - С. 152.

¹⁶ Аминова Р.Х. Победа колхозного строя в Узбекистане (1933-1941 гг.). – Ташкент: Фан, 1981. - С. 175.

айланмади. Ғаллачиликнинг 1940 йилдаги ҳолати ҳақидаги маълумотлар унинг 1913 йилдагига нисбатан бирмунча орқада эканидан, пахтачилик эса анча илгарилаб кетганлигидан далолат берар эди. Республикада ғалла экинларининг ҳосилдорлиги 1913 йилда гектаридан 6,6 центнерни ташкил этган бўлса, 1940 йилда 4,1 центнер бўлган, яъни биринчи жаҳон урушидан олдинги даражанинг 62 фоизини ташкил қилган холос¹⁷. Ғалла экинларининг ялпи ҳосили ҳам ўша даврда анчагина кам бўлган. (18-илова)

1913 йилда ғалла ҳосили 1032 минг тоннани ташкил этган бўлса, 1940 йилда фақат 601 минг тонна ғалла етиштирилган. Шунга мувофиқ шоли 210 ва 126 минг тонна, буғдой 547 ва 273 минг тонна етиштирилган. Асосий ғалла экини – буғдой 1940 йилда 1913 йилдаги даражанинг фақат 50 фоизини ташкил қилган.

Шу давр мобайнида пахта ялпи ҳосили эса икки ярим баравардан ортиқ ўсган. юқоридаги далиллар шуни кўрсатадики, совет ҳукумронлиги даврида асосий эътибор пахтачилик соҳасини ривожлантиришга қаратилиб, ғаллачиликка кам аҳамият берилган. Шунинг учун ғаллачилик совет ҳокимияти йилларида қишлоқ хўжалигининг иккинчи даражали тармоғи деб ҳисобланган. Республика раҳбар ташкилотларининг асосий эътибори техника, минерал ўғитлар, пул маблағлар пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган. Пахтадан ортиган ишлаб чиқариш воситалари ғаллачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларига ишлатилган. Натижада ғаллачилик соҳаси орқада қолган эди.

Совет ҳукуматининг Ўзбекистонни марказнинг пахта хом ашё базасига айлантириш сиёсати, мажбурий коллективлаштириш ва кулоқлаштириш каби чора-тадбирлари деҳқонларнинг қашшоқланишига олиб келди, озиқ-овқат маҳсулотлари танқислигини вужудга келтирди. Ёппасига коллективлаштириш жараёнида камбағал ва ўртаҳол деҳқонлар

¹⁷ Аминова Р.Х. Победа колхозного строя...- С. 177.

ишчи ҳайвонларининг умумлаштирилишини хоҳламаганлар. Дехқонлар, шунингдек “қулоқ” қилинган ўзига тўқ хўжаликлар бозорларда чорва моллари нархи 2-3 барабар пастлаб кетганлиги сабабли сота олмай, чорва молларини қўшни давлатларга ҳайдаб олиб кетган ёки сўйиб истеъмол қилишган. Натижада коллективлаштириш туфайли чорвачилик кейинчалик ҳам тўғрилаб бўлмайдиган даражада талофат кўрган. Ёппасига коллективлаштириш йиллари уй ҳайвонларининг барча турлари сони боши жиҳатидан камайиб кетган.

XX аср 30-йилларида Ўзбекистондаги чорвачилик аҳволининг таҳлили шундан далолат берадики, 1938 йилда чорвалар сони ёппасига коллективлаштиришдан олдинги, яъни 1928 йилдаги даражага етмаган. Ваҳоланки, коллективлаштиришдан олдин ҳам чорва сони октябр тўнтаришидан олдинги чорва сонидан икки баробар кам бўлган. Бундай аҳволнинг асосий сабаби Иттифок ҳукуматининг “пахтачиликни биринчи даражали иш” деб, чорвачиликни “иккинчи даражали тармоқ” деб қараганида бўлган.

Шундай ҳолат қишлоқ хўжалигининг ғаллачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик каби тармоқларида ҳам мавжуд эди. Иттифок ҳукумати Ўзбекистонни марказнинг асосий пахта хом ашё базасига айлантириш мақсадини амалга ошириб, ғалла экиладиган суғориладиган ерларни ҳам пахта экиш учун ажратишни зарур деб ҳисоблаган. Марказ кўрсатмасини бажариш учун республика раҳбарияти пахта экиш учун яроқли суғориладиган ерлардан буғдой, арпа, жўхори, маккажўхори, шоли каби экинларни сиқиб чиқаришга бош бўлган. Ғалла экинлари лалми ерларга сиқиб чиқарилган. Бу ерларда эса ғалла ҳосилдорлиги, табиийки, кам бўлган. Шу билан бирга, ғаллачилик колхоз ва совхозлари техника ва машиналар билан етарли даражада таъминланмаган. Бу соҳада илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган, агротехника ютуқлар жорий қилинмаган, тадқиқ қилинаётган даврда ғаллачилик республикада қишлоқ

хўжалигининг қолоқ тармоғи бўлиб қолган. Ўзбекистонда 1940 йилда 1913 йилга нисбатан пахта етиштириш 3 бараварга яқин ўсган бўлса, ғалла маҳсулотлари икки баробарга яқин камайган. Натижада, Ўзбекистон бутун совет даврида ғаллага қарам бўлиб қолган. Ўзбекистонда пахта якка ҳокимлигининг ўсиши натижасида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг камайиши деҳқонлар ҳаётига салбий таъсир қилди. Чорва сонининг 1940 йилда биринчи жаҳон урушидан олдингига нисбатан 2-3 баробар камлиги гўшт ва сут маҳсулотларининг етишмаслигини вужудга келтирган. Сигир, қўй-эчкиси йўқ қишлоқ аҳолиси гўшт, сут маҳсулотларини тўйиб истеъмол қила олмас эди. Ғалла танқислиги туфайли эса деҳқонларга нон, гуруч, жўхори каби озиқ-овқат маҳсулотлари етишмас эди. Пахтакорлар машаққатли меҳнат эвазига пахта етиштириб, марказни пахта билан таъминлаган. Пахтакорларнинг оғир меҳнатига яраша тегишли даражада турмуш кечирмаслигининг асосий сабаби-республика қишлоқ хўжалигида Иттифоқ ҳукумати томонидан амалга оширилган мустамлакачилик, пахта якка ҳокимлиги ва коллективлаштириш сиёсати бўлган.

ХУЛОСА

Совет ҳукуматининг аввал Туркистон ўлкасида, кейин Ўзбекистонда амалга оширган иқтисодий сиёсати марказ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда мустамлакачилик характерида бўлган. Октябр тўнтаришининг дастлабки кунларидан бошлаб қишлоқда ер национализация қилинди, мулкдорлар синфининг ер-мулки мусодара қилина бошланди. Мусодара қилинган ерларда колхоз, коммуналар тузилиб, деҳқонлар ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналаштирила бошланди. Советларнинг Туркистондаги иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши Туркистонни метрополиянинг асосий пахта хом ашё базасига айлантириш бўлган. Совет ҳукумати марказ тўқимачилик саноати учун хом ашё базасини яратиш, Иттифокнинг пахта мустақиллигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда пахтачилик соҳасини тиклаш ва ривожлантириш борасида кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширди. Бу чора-тадбирлар табиий равишда марказ манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши билан бирга, ўлкада пахтачилик соҳасини ривожлантиришда объектив равишда ижобий роль ҳам ўйнади. Советлар мамлакатада юзага келган илғор фан ва техника ютуқларини Ўзбекистон пахтачилиги соҳасига жорий қилиниши унинг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди.

Ўзбекистонда мавжуд суғорма деҳқончилик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачилик соҳасининг ривожланишининг асоси ҳисобланган. Суғориладиган ерлар, лалми ерлардан фарқли ўлароқ, об-ҳаво шароитининг қандай бўлишидан қатъий назар, пахтадан барқарор юқори ҳосил олишни таъминлайди. Суғориш тизими билан пахтачилик соҳаси бир-бири билан бевосита боғлиқ эканлигини ҳисобга олиб, Россия империяси ҳукумати каби совет ҳукумати ҳам ирригациянинг тараққиётига алоҳида эътибор берди. Совет

ҳукумати ирригация-мелиорация ишларини юксалтиришда аввало метрополия манфаатини ҳисобга олиб, марказ ихтиёри бўйича тўқимачилик саноатига кўпроқ пахта етказиб бериш мақсадида ғамхўрлик қилган.

Совет ҳукумронлиги даврида ёзилган кўплаб тарихий характердаги адабиётларда, асарларда Иттифоқ ҳукуматининг ирригацияни ўстиришдан назарда тутилган асл мақсади табиийки ўз аксини топмаган. Бу асарларда компартия ва совет ҳукуматининг “ёрдами”, “ғамхўрлиги натижасида Ўзбекистонда ирригация юксак даражада раванқ топди”, “пахта етиштириш юксалди”, “халқ фаровонлиги ўсди”, деб масаланинг моҳияти кўрсатилар эди. Аслида, ирригация соҳасида амалга оширилган ишлар пахта ҳосили етиштиришни кўпайтириш ва уни марказга ташиб кетиш, тўқимачилик саноати эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида амалга оширилган эди.

Тадқиқ қилинаётган даврда Республика ирригация тарақққиёти уч босқични босиб ўтди. Биринчи босқичи ирригациянинг тикланиш даврини, яъни 1917-1928 йилларни ўз ичига олади. Иккинчи босқич ирригациянинг юксалиш даврини, яъни 1929-1938 йилларни ўз ичига олади. Ниҳоят, учинчи босқич ирригациядаги халқ ҳаракати даврини, яъни 1939-1940 йилларни ўз ичига олади. Иккинчи босқичда биринчига нисбатан, учинчи босқичда иккинчига нисбатан ирригация ишлари анча юқори даражада ривожланган эди.

Ўзбекистонда ирригация ривожининг биринчи босқичида қизил армиянинг истиқлолчиларга қарши кураши туфайли вайрон бўлган ирригация тармоқларини тиклаш чора-тадбирлари кўрилди. Совет давлати ирригацияни тиклашдан манфаатдор бўлгани учун давлат бюджетидан имконият даражасида маблағ ажратиб турди. Шу билан бирга, ариқларни лойқадан тозалаш, каналларни таъмирлаш ишлари деҳқонларга мажбурий йўл билан меҳнат мажбуриятини бажартириш орқали амалга оширилган.

Ирригацияни тиклаш даврида суғориладиган экин майдонларини кенгайтириш, пахтачиликни тиклаш мақсадида ирригация иншоотларини таъмирлаш кенг йўлга қўйилди. Бу даврнинг энг катта сув хўжалик объекти Зарафшон дарёсидаги Роботхўжа темир бетон тўғонининг қурилиши бўлди. Бу тадбир туфайли Самарқанд областининг суғориладиган ерларига сув олиш даражаси енгиллашди. Йирик каналлар, сув тўғонлари, дамбалар ҳар йили таъмирланиб турган. Каналлар бошига сув тақсимловчи иншоотлар қурилди, борлари эса қайта таъмирланди. Бир-бирига параллель каналлар, ариқлар тугатилди, натижада сувнинг ортиқча буғланиши ва фильтрациясининг олди олинди. Бу даврда сув хўжалик қурилишларидаги ер қавлаш ишлари, асосан, қўл меҳнати, кетмон ва замбил ёрдамида бажарилган. Ўзбек деҳқонларнинг машаққатли меҳнати туфайли 1928 йилга келиб ирригация тармоқлари асосан тикланди ва суғориладиган ерлар майдони биринчи жаҳон урушидан олдинги даражага етди.

Ўрганилаётган даврнинг иккинчи босқичи – 1929-1937 йилларда совет ҳукумати республиканинг барча вилоятларида ирригация-мелиорация соҳасида маълум ишларни амалга оширган. Пахта экиладиган майдонларни кенгайтириш мақсадида янги канал, насос станциялари ва бошқа сув иншоотлари қурилди. Коллективлаштириш натижасида якка хўжалик шароитидаги майда экин майдонлари йириклаштирилди. Бу ўз навбатида суғориш тизимларини реконструкция қилишни талаб қилган. Шу туфайли кўпгина ирригация-суғориш тармоқлари қайта қурилиб, суғориш имконияти оширилган. Экинларни сув билан таъминлаш ишини ривожлантириш учун каналлар, гидроиншоотлар – акведук, шлюзлар қурилди, эскилари таъмирланди. Қорадарё, Кампирравот гидроузели, Асака ташламаси ва бошқа сув иншоотлари бунёд этилди. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ботқоқ ерларнинг захини қочириш

мақсадида коллектор-дренаж шахобчалари қурилиб, сувдан режали фойдаланиш бошланган.

Ирригация-мелиорация қурилишининг кенгайиши ва ундан фойдаланишни ташкил қилиш ишлари янги малакали кадрлар тайёрлашни тақозо қилар эди. Гидротехниклар курслари, сув хўжалик техникумлари, қишлоқ хўжалик институтлари ва Ўрта Осиё давлат университетида ирригация-мелиорация факультетлари очилиб, сув хўжалиги учун кадрлар тайёрланган. Ирригация-мелиорация ишлари натижасида пахта ва бошқа экинларнинг сув билан таъминланиши даражаси ўсиб, яхшиланган ва пахта ҳосилдорлиги 1933-1937 йилларда гектаридан 8,7 центнердан 16,1 центнергача ортган. Ҳосилдорликнинг ўсиши ҳисобига пахтанинг ялпи ҳосили ҳам деярли икки баробар ўсган.

Ирригация-мелиорация ишларининг учинчи босқичи - 1938-1940 йиллар тарихга “Ирригацияда халқ ҳаракати” номи билан кирган. Бу ҳаракат Поп райони колхозчиларнинг 1938 йилда 15 км ли Анҳор каналини қуришидан бошланган. Шундан кейин 1939 йил баҳорида ҳашар йўли билан Исфайрамсой билан Шоҳимардонсойни уловчи 32 км ли Лоғон канали 17 кунда қурилган. Бу ҳаракат барча вилоятларга ҳам ёйилди. 1939 йилнинг биринчи ярмида республика бўйича 46 та майда каналлар қазилган эди. 1939 йилнинг август-сентябр ойлари 45 кун ичида 270 км ли Катта Фарғона канали қуриб битказилган. 1940 йилда Шимолий Фарғона канали, Жанубий Фарғона канали, Тошкент канали ва бошқа кўпгина каналлар қурилди. Мазкур ирригация иншоатлари колхозчи-деҳқонларнинг машаққатли меҳнати эвазига бунёд этилган эди. Ушбу қурилишлар совет органлари томонидан “халқ ташаббуси”, “ҳаракати” деб ташвиқот қилинган. Аслида эса колхозчиларни партия ва совет раҳбар идоралари мажбурий йўл билан қурилишларга олиб чиққан.

Каналлар ва бошқа ирригация иншоатларининг колхозчилар ёрдамида қурилиши туфайли юз минглаб гектар янги ерлар ўзлаштирилиб,

эски суғориладиган ерларнинг сув билан таъминланиш даражаси яхшиланган ва натижада пахта экин майдонлари ҳажми кенгайган.

Совет ҳукуматининг Ўзбекистонда ирригация-мелиорация бўйича амалга оширган чора-тадбирлари марказнинг манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган бўлса ҳам, ўлкада ирригациянинг, шу билан бирга, пахтачиликнинг тараққиётида объектив равишда ижобий роль ҳам ўйнаган. Совет давлатидаги илғор фан ва техника ютуқлари ирригация-мелиорация қурилишига жорий қилингани унинг юксалишига ижобий равишда таъсир кўрсатган.

Пахтачилик соҳасинини ривожлантиришда уни механизациялаш жараёни муҳим роль ўйнайди. Шунинг ҳисобга олиб, совет ҳукумати Ўзбекистонга янги типдаги деҳқончилик қуролларини етказиб беришга алоҳида аҳамият берган. НЭП туфайли Россия қишлоқ хўжалик машинасозлик саноати тикланиб, плуг, сеялка ва бошқа техника ускуналарини юбориш йилдан-йилга ортиб борди. Россиядан ва хорижий мамлакатлардан Туркистонга келган янги техникани синаш ва пахтачиликка мослаш учун 1924 йилда Тошкентда машина синаш станцияси ташкил қилинган. Унинг асосида 1931 йилда Қовунчи посёлкасида Ўрта Осиё пахтачиликни механизациялаш ва электрофикациялаш станцияси барпо қилинган. Бу станцияда янги техникани синаш билан бирга, уни такомиллаштириш, пахтачиликка мослаш ва янги техника яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Ўрганилаётган даврда Ўзбекистонда пахтачиликка мослашган қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарила бошланди. 20-йилларда маҳаллий корхоналарда, ҳунармандчилик устахоналарида деҳқончилик асбоблари – кетмон, белкурак, ўроқ кабилар ишлаб чиқарилган бўлса, 1931 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик машиналари заводи ишга тушиб, сеялка,

культиватор, плуг ва бошқа деҳқончилик қуроллари билан пахтачилик соҳасини таъминлай бошлади.

XX аср 20-йилларида пахтачиликда тракторлар ишлатилиш қўлланила бошланди. Тракторларнинг пахтачиликда ишлатилиши пахта майдонларини тез ва сифатли ҳайдаш, пахтани ўз вақтида, кечикмай экиш имкониятини яратиб берди. Бу эса ўз навбатида пахтадан юқори ҳосил олиш, ялпи ҳосилни кўпайтиришга шароит яратди. Совет ҳукумати Ўзбекистонда пахта етиштиришни кўпайтириш, механизациялаш даражасини кучайтириш мақсадида машина-трактор станциялари тизимини ташкил қилган. Қўрилган чора-тадбирлар пахтачиликнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган. Шу билан бирга, барча қишлоқ хўжалик техникасининг МТСларда, давлат ташкилотларида жамланиши деҳқонларни бу ишлаб чиқариш воситасидан бегоналаштирди.

Бош пахта кўмитаси пахта ҳосилдорлигини ошириш, ялпи ҳосилини кўпайтириш мақсадида XX аср 20-йилларининг ўрталаридан бошлаб пахта далаларига минерал ўғит солиш даражасини кенгайтирди. Деҳқонларга ўғит тарқатиш ҳажми тез суръатлар билан ўсди. 20-йилларда пахта далаларида чет элдан келтирилган минерал ўғитлар ҳам ишлатилган. XX аср 30-йилларининг бошидан Бош пахта кўмитасининг таклифи билан Иттифокда минерал ўғит ишлаб чиқариш ва уни чет элдан келтириш даражаси ортган. Пахта экин майдонларига минерал ўғит солиш даражаси 30-йилларнинг ўртасига келиб 20-йиллар ўртасига нисбатан бир неча баробар ўсган. Қишлоқ хўжалигига марказдан етказиб берилаётган минерал ўғитлар миқдорининг ортиши ва пахта экин майдонига ишлатишнинг ўсиши улардан самарали фойдаланишни ташкил қилишни талаб қилди. Минерал ўғитлар нобудгарчилигига қарши кураш олиб борилди. Минерал ўғитларидан фойдаланишни механизациялаш чоралари кўрилди. “Ташсельмаш” заводининг конструкторлари ерга минерал ўғит соладиган сеялка яратиб, ундан деҳқончиликда кенг фойдаланилган.

Қишлоқ хўжалигида кимёлаштиришни қўллаш соҳасидаги кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишда ҳам маълум ишлар амалга оширилди. Пахтачилик соҳасини химиялаштириш бўйича қўрилган амалий чоралар пахта ҳосилдорлигини оширишда муҳим роль ўйнади.

Совет ҳукумати пахтачиликни юксалтириш, пахта ҳосилини ва сифатини орттириш мақсадида бу соҳада илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш учун кенг шароитлар яратиб берган. 20-30-йилларда Ўзбекистонда Туркистон селекция станцияси, СоюзНИХИнинг марказий селекция ва Фарғона қишлоқ хўжалик тажриба станциялари, марказий селекция станциясининг Пахталикўлдаги филиали ва бошқаларда пахтанинг янги навлари устида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Бу илмий марказларларда машҳур совет селекционерлари Г.С.Зайцев, Е.А.Навроцкий, М.М.Бушуев, С.С.Канаш, Р.Р.Шредер, А.И.Автономов ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб борган ва пахтанинг янги навларини яратганлар. XX аср 20-йилларининг иккинчи ярмида пахта уруғчилиги соҳасидаги ишлар ҳажми анча ривожланди ва тоза навли уруғлар тури яратилди. Пахтачиликни тиклаш даврида пахта далаларида пахтанинг “Навроцкий”, “Триумф Навроцкий”, 182, 169 навлари экилган.

XX аср 30-йилларида пахта селекцияси ва уруғчилиги соҳасида маълум ишлар амалга оширилди. Бунга 1929 йил 18 июлдаги “Бош пахта кўмитаси тўғрисида”ги қарор тўртки бўлди. Бу даврда кам ҳосил берадиган пахта навлари юқори ҳосил берувчи ва узун толали навлар билан алмаштирилган. Селекционер олимлар Г.С.Зайцев, С.С.Канаш ва бошқалар узун толали серҳосил ва кўп тола олинадиган пахта навларини яратдилар. 30-йилларда С.С.Канаш кашф қилган “8517” пахта нави асосий нав ҳисобланган. А.И.Автономов, С.С.Канаш, Г.И.Гаврилов ва бошқалар пахтанинг тезпишар навини ижод қилдилар. Л.В.Румшевич бир неча вилтга чидамли пахта навларини кашф қилган. Л.В.Румшевичнинг машҳур тезпишар ва вилтга чидамли 108-Ф пахта нави Фарғона тажриба

станциясида 1937-1940 йилларда яратилган ва урушдан кейин ишлаб чиқаришга жорий қилинган. Селекционер олимлар томонидан пахтанинг серхосил, кўп тола олинадиган, узун толали ва вилтга чидамли навларининг яратилиши пахта ҳосилини кўпайтиришда, сифатини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Таъкидлаш жоизки, совет тузуми ташкил бўлган дастлабки йиллардан бошлаб ўлкада марказнинг пахта хом ашё базасига айлантириш сиёсатини олиб борган. Октябрь тўнтаришининг биринчи йиллари деҳқонларнинг пахта захиралари мусодара қилиниб, зўравонлик йўли билан тортиб олинган ҳолда марказга жўнатилган эди. 20-йиллар бошларида янги иқтисодий сиёсат жорий қилингандан кейин, совет органлари иқтисодий усуллар қўллаб пахтачиликни тезда тиклаш, пахта хом ашёсини кўпайтириш ва Иттифок тўқимачилик марказларига юбориш чораларини кўрди. НЭП туфайли марказнинг тўқимачилик саноати ривожланди ва пахтага бўлган талаби ортди. Буни ҳисобга олган ҳолда Иттифок директив органлари тўқимачилик саноатини янада ривожлантириш учун пахта хом ашёси билан таъминлашни кўпайтириш вазифасини олға сурди. Шу мақсадда ВКП (б) МК 1929 йил 18 июлда “Бош пахта кўмитасининг иши тўғрисида” қарор қабул қилди. Қарорда Иттифок ҳукумати ва унинг тегишли ташкилотлари олдида СССРнинг пахта мустақиллигини таъминлаш учун барча зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юкланган эди.

Шу даврда пахта мустақиллигини амалга ошириш, пахтачиликни механизациялашни кенгайтириш учун Тошкентда “Ташсельмаш” заводи бунёд этилди. Пахтакор колхоз ва совхозларни замонавий техника билан таъминлаш ишига алоҳида эътибор берилди. Хўжаликларнинг пахта далаларида замонавий трактор, плуг, сеялка, культиватор ва бошқаларнинг қўлланиши ерни ҳайдаш, пахта экиш, ғўзага ишлов бериш муддатини қисқартирди, сифатини яхшилаб ва ҳосилдорликни орттирди.

Пахтачиликда минерал ва органик ўғитларнинг кенг қўлланилиши ва янги серхосил, узун толали пахта навларининг яратилиши ҳосилдорликнинг ўсишида ҳал қилувчи омил бўлган. Қишлоқ хўжалик техникумлари, институтлари сонининг ортиши ва мутахассис кадрларнинг кўпайиши пахтачиликда агротехника ютуқларини қўллашга кенг имкониятлар очиб берди. Иттифок ҳукумати ирригация қурилиши учун ажратиладиган маблағ миқдорини орттириб, янги ерларни ўзлаштиришни кенгайтириб борди. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш, химиялаштириш, мелиорациялаш соҳасида амалга оширилган ишлар пахтачиликни ривожлантириш, пахта хом ашёсини кўпайтириш, Иттифок пахта мустақиллигини рўёбга чиқариш мақсадида амалга оширилган бўлса ҳам объектив равишда ижобий роль ўйнаган. Иттифок ҳукумати томонидан кўрилган кенг миқёсдаги чора-тадбирлар натижасида, 1932 йилга келиб СССР чет эл пахтасига қарамликдан қутулиб, пахта мустақиллигига эришишига имконият яратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, пахта мустақиллигини қўлга киритиш учун совет ҳукумат ҳар йили пахта сотиб олиш кампанияси жараёнида иқтисодий усуллар билан бирга зўравонлик йўллари, жазо чораларини ҳам қўллаган. “Қулоқ” хўжаликларига катта миқдорда пахта экиш режаси топширилган. Белгиланган режадаги пахтани муддатида топширмаган “қулоқ”лар қамалган, пахта ва бошқа мулки мусодара қилинган. Пахтани ўз вақтида топширмаган деҳқонлар ғалла ва саноат моллари билан таъминлашдан маҳрум қилинган. Шартномада олган мажбуриятига нисбатан кам пахта топширган ёки қасддан пахта топширмаган деҳқонларга жазо чоралари кўрилган. Пахта топшириш режаси, одатда, юқори бўлган. Бу режани “қулоқ”, ўртаҳол, камбағал хўжаликлар бажара олмаган. Ўзбек пахтакорларининг машаққатли меҳнати туфайли метрополия пахта қарамлигидан озод бўлди. Ўзбекистон

Иттифоқ тўқимачилик саноатини пахта хом ашёси билан таъминловчи ўлка бўлиб қолди.

Совет ҳукумати ташкил бўлган дастлабки йиллардан бошлаб, якка деҳқон хўжаликларини кооперативларга, колхозларга бирлаштириш сиёсатини олиб борди. Лекин, асрлар давомида якка хўжалик юритиб одатланган деҳқонлар колхозларга бирлашишни хоҳламадилар. Совет ҳукумати томонидан 20-йиллар давомида деҳқонларни кооперативлаштиришга тайёргарлик қилинди, оддий кооперацияларга бирлаштирди, ер-сув ислохотлари жараёнида мусодара қилинган ерларда колхозлар тузиб, камбағал деҳқонларни аъзо қилдилар, уларга катта имтиёзлар бериб, кооператив бўлиб ишлашга аста-секин ўргатилди.

20-йиллар охирлари – 30-йиллар бошида амалга оширилган коллективлаштириш сиёсати Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тарақиётига салбий даражада таъсир этди. Маъмурий-зўравонлик усуллари натижасида якка хўжаликларга, ўрта ҳол деҳқон қатламига кескин зарба берилди.

Пахтакор районларда коллективлаштириш сиёсати 1932 йилга келиб асосан, якунланди. Республикада етиштирилган пахтада колхоз ва совхозлар улуши йилдан-йилга ортиб борган. 1932 йилда уларнинг улуши 85 фоизни ташкил қилган. Қишлоқ хўжалигининг коллективлаштирилиши, колхоз ва совхозларнинг ерларида, асосан, пахта етиштирилиши Иттифоқнинг пахта мустқиллигига эришишида муҳим аҳамият касб этди.

СССРда индустрлаштиришнинг амалга оширилиши ва тўқимачилик саноатининг ўсиши пахтага бўлган эҳтиёжини оширди. Бу эса марказнинг асосий пахта хом ашё базаси бўлган Ўзбекистонда пахта тайёрлаш режасининг ортишига олиб келди. Колхоз тузумининг ғалабаси қишлоқда маъмурий–буйруқбозлик тизимини мустаҳкамлади. Якка деҳқон хўжаликлари ғалла ва бошқа озиқ-овқат экинлари суғориладиган ерлардан сиқиб чиқарилди. Колхоз, совхозларда барча суғориладиган ерларга пахта экиш талаб қилинди. Натижада, 30-йилларда республика экин

майдонининг 80-90 фоизи пахта билан банд бўлди. Пахта якка ҳокимлиги шаклланди.

Ўзбекистоннинг табиий иқлим шароити пахта етиштиришга мос ҳисобланиб, бу ерда қадимдан пахта экилганлиги туфайли маҳаллий аҳоли катта тажрибага эга бўлган. Шуларни ҳисобга олган ҳолда совет ҳукумати Ўзбекистонни метрополиянинг пахта хом ашё базасига айлантиришни ўзининг стратегик вазифаларидан бири деб ҳисоблаган. Бу мақсадни амалга ошириш учун барча зарур чора-тадбирларни амалга оширган. Совет ҳукумати шу мақсадда Бош пахта кўмитаси, Ўрта Осиё сув хўжалик бошқармаси, Туркистон ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалик кооперацияси уюшмаси, жумладан, Ўзбекистон пахта кооперацияси уюшмаси каби пахта иши билан шуғулланадиган ташкилотларни ташкил қилган. Совет ҳукумати пахта экин майдонларини кенгайтириш учун ҳар йили ирригация ишларига катта миқдорда маблағ ажратган. Янги каналлар қурилган, эскилари таъмирланган, сувсиз ерларга сув чиқарилиб, янги ерлар ўзлаштирилган. Пахта экиладиган майдонларни кенгайтириш учун қўлланган яна бир восита – бу пахта экиш учун яроқли суғориладиган ерларда ғалла экинлари экишни кескин камайитириш бўлган. Буғдой, шоли, оқ жўхори, маккажўхори ва бошқа экинлар суғориладиган ерлардан лалми ерларга сиқиб чиқарилган. Якка деҳқон хўжаликларини пахта экишдан манфаатдор қилиш учун чигит экилган майдонларни сув билан биринчи навбатда таъминлаш, пахта экинидан олинадиган солиқни камайитириш, пахтакор хўжаликларга қарз, озиқ-овқат маҳсулотлари бериш каби чора-тадбирлар кўрилган. Бу тадбирлар пахта экин майдонининг кескин ортишига олиб келди.

Пахтачиликни жадал ривожлантириш йиллари пахта хом ашёсини кўпайитириш мақсадида Бош пахта кўмитаси пахта ҳосилдорлигини ошириш соҳасида ҳам маълум ишларни амалга оширди. Пахтачиликни механизациялаш, химиялаштириш жараёни ривожлантирилди.

Пахтачиликда илмий-тадқиқот ишлари ҳажми кенгайди, унинг серҳосил, тезпишар навлари яратилди. Уруғчилик соҳаси ҳам тараққий этиб, уруғчилик хўжаликлари сони ва экин майдонлари кенгайди. Пахтакор хўжаликлар, колхоз ва совхозлар тоза навли уруғлик билан таъминланди. Бу кўрилган чора-тадбирлар пахта ҳосилдорлигининг ўсишида ҳал қилувчи роль ўйнади.

Совет ҳукумати томонидан амалга оширилган тадбирлар мажмуи натижасида пахта экин майдонлар ҳажми кенгайди, унинг ҳосилдорлик даражаси кескин ортди. Бунинг оқибатида республикада пахта етиштириш катта миқдорда ўсди. 1940 йилда Иттифокда етиштирилган пахтанинг 63 фоизини Ўзбекистон бериб, республика Иттифокнинг асосий пахта хом ашё базасига айланди.

Совет ҳукумати аграр соҳада Россия империяси мустамлакачилик сиёсатини янгича усул ва шаклда амалда давом эттирди.

Ўзбекистон пахтаси марказга, асосан, енгил ва мудофаа саноатларининг эҳтиёжини қондириш учун юборилган. Пахта толаси ва пахта маҳсулотлари – пахта ёғи ва бошқаларнинг бир қисми экспорт учун Иттифокнинг ташқи савдо ташкилотларига жўнатилар эди. Пахта ва унинг маҳсулотларидан тушган даромад Иттифок ҳукумати хазинасини бойитарди.

Тадқиқ қилинаётган даврда Ўзбекистонни метрополиянинг пахта хом ашё базасига айлантириш мақсадида Иттифок ҳукумати томонидан пахтачиликни юксалтириш соҳасида кенг миқёсда чора-тадбирлар кўрди. Натижада, республикада пахтачилик юксак даражада тараққий этди. 30-йилларда республикадаги барча суғориладиган ерларнинг 80-90 фоизига пахта экилди ва етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ҳам шунча қисми пахтага тўғри келиб, бу кўрсаткичлар пахта яккаҳокимлиги авж олганлигидан далолат беради. Ўзбекистонда Иттифок ҳукумати томонидан пахтачиликнинг зўр бериб ривожлантирилишида марказ манфаатлари

биринчи ўринда туриб, маҳаллий халқнинг эҳтиёж ва талаблари тўла инкор этилган эди. Ўзбекистонни Иттифоқнинг пахта хом ашё базасига айлантирилиши ва бунинг оқибатида пахта монокультурасининг шаклланиши республикада озиқ-овқат маҳсулотлари танқислигини келтириб чиқарди. Пахта якка ҳокимлигининг авж олиши натижасида ғалла экинлари суғориладиган майдонлардан лалми ерларга сиқиб чиқарилди. Чорва боқиладиган яйловлар миқдори ва ем-хашак тайёрлаш ҳажми кескин қисқарди. Бунинг оқибатида озиқ-овқат маҳсулотлари – ғалла, шоли, сабзавот, мева, сут, гўшт каби маҳсулотларни етиштириш камайди. Ўзбекистонда 1940 йилда биринчи жаҳон урушидан олдингига нисбатан пахта етиштириш 3 баробарга яқин ўсган бўлса, ғалла маҳсулотлари икки баробарга камайган. Натижада, Ўзбекистон совет ҳукумронлиги даврида Иттифоқ ғалласига қарам бўлиб қолди. Ғаллачилик, чорвачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирувчи тармоқлар қолоқлигининг асосий сабаби, совет ҳукумати юритган қишлоқ хўжалигидаги мустамлакачилик сиёсати пахтачиликни ривожлантириш ва Ўзбекистонни иттифоқнинг асосий пахта хом ашё базасига айлантиришга қаратилиб, озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрловчи соҳаларга иккинчи даражали деб эътибор берилмагани, марказ манфаатлари юқори қўйилиб, ўзбек халқининг манфаати инкор этилганида эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари.

1.1. Каримов И.А. Дехқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 72 б.

1.2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларини чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 269 б.

1.3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1–жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.

1.4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2–жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.

1.5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5–жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.

1.6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 31 б.

1.7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.

1.8. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10–жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 408 б.

1.9. Каримов И.А. Ватанчимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожлантириш-бизнинг олий мақсадимиз. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Ҳалқ сўзи, 2008. 6 декабрь.

1.10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

2. Архив ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви

2.1. 9–ф. СССР Халқ Комиссарлар Совети қошидаги Ўрта Осиё иқтисодий кенгаши.

2.2. 17–ф. Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Комитети.

2.3. 25–ф. Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Совети.

2.4. 29–ф. Туркистон Республикаси Зироат халқ комиссариати.

2.5. 36–ф. Туркистон Республикаси Миллий ишлар бўйича халқ комиссариати.

2.6. 44–ф. Туркистон Республикаси “Қўшчи” уюшмаси Марказий комитети.

2.7. 86–ф. ЎзССР Марказий Ижроия Комитети.

2.8. 88–ф. ЎзССР Давлат режа комиссияси.

2.9. 90–ф. ЎзССР Зироат халқ комиссариати.

2.10. 111–ф. Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Совети қошидаги Туркистон пахта комитети.

2.11. 112–ф. СССР Бош пахта комитетининг Ўрта Осиёдаги вакили бошқармаси.

2.12. 215–ф. Туркистон Республикаси Зироат халқ комиссариати қошидаги Сув хўжалик бошқармаси.

2.13. 473–ф. СССР Зироат халқ комиссариати қошидаги Бош пахта комитети.

2.14. 775–ф. Бутуниттифок қишлоқ хўжалик ва ўрмон хўжалиги ишчилари касаба уюшмасининг Ўрта Осиё бюроси. 15.837–ф. ЎзССР Халқ Комиссарлар Совети.

Андижон вилояти давлат архиви

2.15. 230–ф. Андижон уезд-шаҳар Ижроия комитетининг ер-сув бўлими.

Фарғона вилояти давлат архиви.

2.16. 121 –ф. Фарғона вилояти ижроия комитети.

2.17. 127– ф. Фарғона вилояти ер бўлими.

3. Хужжатлар ва материаллар тўпламлари

3.1. Икромов Акмал. Избранные труды. В 3-х т. – Ташкент: Узбекистан, 1974. Т.3. – 450 с.

3.2. Бюллетень первой экономической конференции среднеазиатских республик (Туркестанской, Бухарской и Хорезмской), – №1. 6 март 1923 г.

3.3. Декреты Советской власти. – М.: 1974. Т.1,7,10.

3.4. Заготовка хлопка в СССР. Справочник о Средней Азии. –Ташкент: 1948. –26 с.

3.5. Йўлдош Охунбобоев. Танланган асарлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1976. – 479 б.

3.6. Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК (1925–1986). В 4-х Т. – Ташкент: Узбекистан, 1987. Т.1. –726 с.

3.7. КПСС в революциях и решениях съездов, конференций и пленумов ЦК. Изд. 9. – М., 1984. Т.5.

3.8. Отчет о деятельности Главного хлопкового комитета за время с 1 июля 1922 г по 1 июля 1923 г. – М., 1924.

3.9. Отчет ЦК КП (б) Уз, VI парт курултая 10 января 1934г. – Ташкент: Узпартиздат, 1934.

3.10. Сельское хозяйство Узбекистана за 15 лет. – Ташкент: 1939. – 184 с.

3.11. Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917–1926 гг) Сборник документов. – Ташкент: Фан, 1962. 795 с.

3.12. Сплошная коллективизация сельского хозяйства Узбекистана (1930-1932 гг). Сборник документов. – Ташкент: Фан, 1980. –372 с

3.13. Тайны национальной политики ЦК РКП. Стенографический отчет секретного IV совещания ЦК РКП, 1923 –М., 1992.

3.14. Узбекистан за XV лет. – Ташкент, 1939. – 122 с.

3.15. Деятельность компартии и советского правительства по восстановлению хлопководства в Туркестане (1917-1924 гг.) – Ташкент: Узбекистан, 1986. – 296 с.

3.16. Деятельность компартии и советского правительства по восстановлению хлопководства в Узбекистане (1925–1937гг.) – Ташкент: Фан, 1990. – 317 с.

2.17. Хлопководство Узбекистана за 50 лет. – Ташкент: Узбекистан, 1967. – 455 с.

2.18. Ходжаев Файзулла. Избранные труды. В 3 – х Т. Ташкент, 1978. Т.3. – 552 с.

4. Вақтли матбуот

Журналлар.

4.1. Борьба за реконструкцию сельского хозяйства.

4.2. Борьба за хлопок, 1934.

4.3. Бюллетень сельского хозяйства Узбекистана, 1937.

4.4 Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана.

4.5. Хлопковой дело, 1922–1927, 1929.

Газеталар.

4.1. Иштирокиюн, 1918.

4.2. Наша газета, 1918.

4.3. Известия комиссариата земледелия Туркестанской автономной республики, 1919.

- 4.4. Экономическая жизнь, 1921.
- 4.5. Туркестанская правда, 1923.
- 4.6. Правда Востока, 1927–1940.
- 4.7. Қизил Ўзбекистон, 1927–1939.
- 4.8. Узбекистанская правда, 1930.
- 4.9. Халқ сўзи, 2008.

5. Фойдаланилган адабиётлар

- 5.1. Абдуллаев А. Пахта яккахокимлиги: оқибат ва сабоқлари (1917–1991 йй.) – Тошкент: Истиқлол, 2006. – 136 б.
- 5.2. Абдунабиев А.Т. Борьба КПСС за увеличение орошаемых земель (на примере Голодной степи). – Ташкент: Узбекистан, 1966. – 240 с.
- 5.3. Абдунабиев А.Т. Из истории развития ирригации в Советском Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1971. – 204 с.
- 5.4. Алимов И.А. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида социалистик ўзгаришлар – Тошкент: Ўзбекистон, 1972, – 21 Б.
- 5.5. Алимов И.А. Узбекское дехканство на пути к социализму (социально-экономические преобразования в узбекском кишлаке в 1921-1925 гг.). – Ташкент: Узбекистан, 1974. – 238 с.
- 5.6. Алимов И.А. Октябрь ва Ўзбекистонда колхоз тузумининг ғалабаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1987. Б.14
- 5.7. Алламурадов Д. Роль Советов в развитие хлопководства. – Ташкент: Узбекистан, 1980. – 160 с.
- 5.8. Аминова Р.Х. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане (1917–1920 гг.). – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1963. –344 с.
- 5.9. Аминова Р.Х. Аграрные преобразования в Узбекистане в годы перехода Советского государства к НЭПу. – Ташкент: Наука, 1965. –346 с.

5.10. Аминова Р.Х. Аграрные преобразования в Узбекистане на – кануне сплошной коллективизации (1925-1929 гг.). – Ташкент: Фан, 1969. – 345 с.

5.11. Аминова Р.Х. Осуществление коллективизации в Узбекистане (1929-1932 гг.). – Ташкент: 1977. – 312 с.

5.12. Аминова Р.Х. Победа колхозного строя в Узбекистане (1933–1940 гг.). – Ташкент: Фан, 1981. - 292 с.

5.13. Аминова Р.Х. Коллективизация в Узбекистане: как это было? // Коммунист Узбекистана, 1989. - № 9;

5.14. Аминова Р.Х. История совхозов Узбекистана. 1917–1960 гг. Опыт, проблемы, уроки. – Ташкент: Фан, 1993.– 248 с.

5.15. Аминова Р.Х. Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1995.-85 с.

5.16. Ахунов А. Проблемы преодоления торможения и развития научно–технического прогресса в сельском хозяйстве Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1990. – 230 б.

5.17. Батурин С.И. Советская ирригация Узбекистана – всенародное творение. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1954;

5.18. Бенедиктов И. Колхозное строительство в Узбекистане. – М.: Госиздат, 1930. 134 с.

5.19. Вахабов М.Г. Формирование хлопково – промышленного комплекса в Узбекистане. – Ташкент: Узбекистан, 1981. –139 с.

5.20. Вахабов М.Г. Партийное руководство развитием хлопково – промышленного комплекса в Узбекистане. – Ташкент: Узбекистан, 1985. – С.214.

5.21. Воскобойников Э., Ершов В.В. и др. Советский Узбекистан в борьбе за развитие хлопководства (1918–1948 гг.). – Ташкент: Госиздат УзССР, 1949. –82 с.

5.22. Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917–1937 гг. – Ташкент: Фан, 1992. – 160 с.

5.23. Голованов А.А., Саидов И.М. Дехканство Узбекистана на историческом повороте второй половины XIX–первой трети XX вв. Самарканд: Сам ГУ. 2007. – 383 с.

5.24. Гулямов Я., Набиев Р., Вахабов М. История Узбекской ССР. – Ташкент: Фан, 1958. – 655 с.

5.25. Давыдов А.М. Аграрные преобразования и формирование социалистического землепользования в Узбекской ССР. – Ташкент: Наука, 1965. – 270 с.

5.26. Джамалов О.Б. Развитие материально-технической базы колхозов Узбекистана. – Ташкент: 1959. – 211 с.

5.27. Джумабаев Ф.Б. Трудящиеся Узбекистана в борьбе за развитие хлопководства (в годы первых пятилеток). – Ташкент: Узбекистан, 1973. – 258 б.

5.28. Демидов А.П. Экономические очерки хлопководства. – М.: Госиздат, 1926. – 36 с.

5.29. Ерзин Э.Х. Возникновение и начало деятельности специализированной хлопководческой кооперации в УзССР (1926–1927 гг.). // Научные труды ТашГУ. Вып.212, Исторические науки. Кн. 42. – Ташкент: 1962.

5.30. Ефанов Е. Д. Земельная реформа в Андижанском уезде (1925–1926 гг.). – Ташкент: Изд-во акционерного общества «Туркпечать», 1926.

5.31. Заготовка хлопка в СССР. Справочник о Средней Азии. – Ташкент: Издательство, 1948. – С.26.

5.32. Зелькина Е. Земельная реформа в Узбекистане. – Ташкент: Узгосиздат, 1925.

5.33. Зелькина Е. Очерки по аграрному вопросу в Средней Азии. – М.: Изд-во Комакадемии, 1930.

5.34. Ибрагимова А.Ю. Победа ленинского кооперативного плана в Узбекистане (1929-1933 гг.). – Ташкент: Фан, 1969. – 192 с.

5.35. Игамбердиев Р. Осуществление ленинских идей об орошении и освоении Голодной степи. – Ташкент: 1969.- 179 с.

5.36. Игамбердиев Р.С., Раззаков А.А. История мелиорации в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1978. – 180 с.

5.37. Икромов А. Итоги земельно-водной реформы и перспективы ее закрепления. Самарканд–Ташкент: Узгосиздат, 1926. –54 с.

5.38. Икрамов А. Итоги хлопкозаготовок 1934 года. – Ташкент: Узпартиздат, 1935.-55 с.

5.39. Икрамов А. Итоги борьбы за хлопок за 4 года и очередные задачи хлопкового 1933 го. – первого года второй пятилетки. //Икрамов А. Избранные труды. – Ташкент: Узбекистан, 1974. Т. 3. – С. 193–245.

5.40. Ирригация Узбекистана. В 4-х томах. /Я.Т.Гулямов, К.И.Лапкин, А.М.Мамедов и др.; Гл.ред. А.С.Садыков. – Ташкент: Фан, 1975. Т.1. –352 с.

5.41. История народного хозяйства Узбекистана. Т.1. – Ташкент: Изд. Ан УзССР, 1962. –390 с.

5.42. История развития хлопководства в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1983. -264 с.

5.43. История развития механизации хлопководства в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1985. – С.55.

5.44. История Узбекской ССР в 4-томах. – Ташкент: Фан, 1967. Т.III. – 708 с.

5.45. История Узбекской ССР. В 4-х тома. – Ташкент: Фан, 968. Т.IV. – 584 с.

5.46. Исхаков Ю.М. Развитие хлопководства в Узбекистане. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1960. – 288 с.

5.47. Иткин А. Хлопководческая кооперация на фронте социалистической реконструкции хлопководства. – Ташкент: Госиздат. 1931. – 71 с.

5.48. Карасев И. На путях к производственному кооперированию хлопководческих хозяйств. // Хлопковое дело, 1929. – № 4. – С.

5.49. К социализму минуя капитализм. Исторический опыт по социалистическому строительству в Средней Азии и Казахстане в 1917–1937 гг. – М.: Политиздат, 1974. – 431 с.

5.50. Кунакова Л.З. Земельно–водная реформа в Узбекистане (1925–1926 гг.). – Фрунзе: Изд–во «Мектеп», 1967.

5.51. Кунакова Л.З. Земельно–водная реформа в Ферганской долине (1925–1926 гг.). – Ош: Изд–во Госпединститута, 1962;

5.52. Ланкин И.Л. Колхозы в хлопководческой кооперации// Хлопковое дело, 1929. – №11–12.

5.53. Любимов И.Е. Вопросы хлопковой политики и практики (критические заметки). // Хлопковое дело. – 1920. – №3–4. – С. 99.

5.54. Мамедов А.М. Русские ученые и развитие ирригации Средней Азии. – Ташкент: Узбекистан, 1965. – 164 с.

5.55. Мамедов А.М. Развитие ирригации в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1967. – С.161, 164–167, 197.

5.56. Материалы по районированию Туркестана. Вып. II. 1924, С.148.

5.57. Мусаев. Н. Ўрта Осиё деҳқончилиқ маданияти ва аграр муносабатлар тарихидан (Тош даври охирларидан – XX аср бошларига қадар). – Тошкент: Фан, 2005. – 235 б.

5.58. Нагин В.О. О положении хлопководства в Туркестане (докладная записка о поездке в Туркестан). // Хлопковое дело. – 1922. – №1. – С. 20–23.

5.59. Непомнин В.Я. Исторический опыт строительства социализма в Узбекистане (1917–1937 гг.). – Ташкент: Госиздат УзССР, 1960. – 382 с.

5.60. Непомнин В.Я. Очерки по истории социалистического строительства в Узбекистане (1917-1937 гг). – Ташкент: 1967. –382 с.

5.61. Новиков М.П. Борьба Компартии Туркестана за разрешение земельного вопроса и восстановление хлопководства. – Ташкент: Фан, 1966. – 144 с.

5.62. Охунбобоев Й. Пахтанинг юқори ҳосили учун. – Тошкент: ЎзССР қишлоқ хўжалик давлат нашриёти, 1940. – 40 б.

5.63. Охунбобоев Й. Пахта проблемаси ҳақида. //Охунбобоев Й. Танланган асарлар. – Тошкент: Узбекистон, 1976 – Б.284–292.

5.64. Очерки хозяйственной жизни Туркесреспублики. – Ташкент: Нашриёт, 1920.

5.65. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917–1924 й.й.). ўқув кўлланма. – Тошкент: Университет, 2002. –167 б.

5.66. Раззаков А. Из истории борьбы трудящихся Туркестанской АССР за восстановление хлопководства (1917–1924 гг). – Ташкент: Госиздат УзССР, 1957. –128 с.

5.67. Раззаков А. Борьба трудящихся Узбекистана за достижение хлопковой независимости СССР. – Ташкент: Фан, 1968. – 270 с.

5.68. Раззоқов А. Ўзбекистонда пахтачилик тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. 302 б.

5.69. Рахимов К.Р. Хлопководство Узбекистана за 25 лет. – Ташкент: Госиздат, 1949. –88 с.

5.70. Ризаев Г. Аграрная политика советской власти в Узбекистане. – Ташкент: Узбекистан, 1967. – 187 с.;

5.71. Ризаев Г. Краткий очерк земельно–водной реформы в Узбекистане. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1947. – 46 с.

5.72. Ризаев Г. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1957. –266 с.

5.73. Ризаев Г. Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 1978. – 194. с.

5.74. Ризаев Г. Аграрная политика советской власти в Узбекистане. – Ташкент: Узбекистан, 1967. - 187 с.;

5.75. Рогожин Н.П. Кооперация в хлопковом деле за четыре года (1924/25–1927/28 гг.). // Хлопковое дело, 1927. – № 9–10 –с.

5.76. Рудзутак Я. Выступление на 2–м съезде трудовых кооперативов дехкан-хлопкоробов Туркестана в феврале 1920 г. // Народное хозяйство Туркестана, 1920. – №4. – С. 32-33.

5.77. Рыскулов Т. Очерки хозяйственной жизни Туркестана. – М.: 1924. – 128 с.

5.78. Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана. Часть I. 1917–1919 гг. – Ташкент: 1925.

5.79. Саидалиев С.С. Борьба за осуществление ленинского кооперативного плана в Узбекистане. – Ташкент: Узбекистан, 1970.

5.80. Саидов И.М. Роль рабочего класса в социалистическом развитии узбекского кишлака (1929–1941 гг.) – Самарканд: СамГУ, 1989 с.

5.81. Саидов И.М. Проблемы взаимоотношений рабочего класс и дехканства Узбекистана в ходе аграрных преобразований в 30–годы. Самарканд: Суғдиёна. 1993. –203. с.

5.82. Саидов Х. Борьба за осуществление ленинских идей в развитии советского хлопководства. – Ташкент: Фан, 1966. -115 с.

5.83. Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). – М.: 1921.

5.84. Сельское хозяйство Узбекистана за 15 лет. – Ташкент: Сельхоз госиздат. 1939. С. 52, 152.

5.85. Социалистическая реконструкция хлопководства. – М–Л.: Госиздат стандартизация и рационализация, 1934. – С. 13

5.86. Среднеазиатский государственный университет к десятилетнему юбилею Октябрьской революции. – Ташкент: 1927. 52 с.

5.87. Талипов Р. Агропромышленная интеграция в хлопководстве. – Ташкент: Узбекистан, 1979. – 180 с.

5.88. Тарих – шоҳидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 464 б.

5.89. Татибаев С. Исторический опыт построения социализма в Каракалпакии (1917–1941 гг.) – Нукус: 1971. – 190 с.

5.90. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – Ташкент: Шарқ, 2000. – 672 с.

5.91. Ўзбекистон тарихи (1917–1993 йиллар). – Тошкент: Ўқитувчи, 1994.

5.92. Ўзбекистон тарихи (олий ўқув юртларининг номутассислик факультетлари талабалари учун дарслик. – Тошкент: ЎАЖБНТ маркази, 2003. – 775 б.

5.93. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 688 б.

5.94. Хлопководство Узбекистана за 50 лет. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1967. – С.23-24.

5.95. Ходжаев Ф. О важнейших задачах нашего строительства. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1934. – 120 с.

5.96. Ходжаев Ф. Узбекистан на подъеме. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1936.

5.97. Хожибоев Р. Ер ислохоти нима учун керак. – Фарғона: Фарғона обком партияси қошидаги ер комиссияси нашри, 1926.

5.98. Ходжаев Э. История орошения и освоения Голодной степи (1917 – 1970 гг.). – Ташкент: Узбекистан, 1975. – 194 с.

5.99. Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 368 б.

5.100. Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоатлаштириш, кулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Тошкент: Шарқ, 2003. -544 б.

5.101. Шамсутдинов Ф. Ирригация Узбекистана за 25 лет. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1949.- 119 с.

5.102. Шарипов А. Победа колхозного строя в Бухарской области. – Ташкент, Госиздат УзССР, 1958.- 96 с.

5.103. Юферьев В.И. Хлопководство в Туркестане. Л., 1925. С.16.

5.104. Юферьев В.И.. Очерки по экономике хлопкового хозяйства. – М.: 1929.

6. Диссертация ва авторефератлар

6.1. Абдуллаев А.Н. Хлопковая монокультура в Узбекистане и её последствия (1917-1991 гг). Автореф. дисс...докт.ист. наук. – Ташкент, 2010. - 51 с.

6.2. Конданов Б. Большевики в Туркестане. 1917-1922 гг.: Доктрина и реальность. Автореф.дисс.... докт.ист.наук. - М., 1994. – 52 с.

6.3. Кулиев Х. Складывание экономических и духовных основ тоталитарного строя в Туркестане (1917-1924 гг). Автореф.дисс.... канд.ист.наук. – Ташкент: 1998.

6.4. Набиев Ф. Проблемы и противоречия социальной политики в Туркестане (1917-1924 гг.). Автореф.дисс... докт.ист.наук. – Ташкент: 1995.

6.5. Озерова Н. Дехканство Туркестана в условиях перехода к НЭПу (1921-1924 гг.). Автореф.дисс.... канд. ист.наук. – Ташкент, 1997. -185 с.

6.6. Саидов И.М. Рабочий класс в аграрных преобразованиях Узбекистана (1929-1941 гг.) дисс... докт. ист. наук. – Тошкент., 1992. 47 с.

6.7 Сарыбаев М.К. Политика хлопковой монокультуры Советской власти в Каракалпакистане и ее последствия (1917-1990 гг.). Автореф.дисс... докт.ист.наук. – Ташкент, 2008.- 47 с.

6.7. Хайдаров М. Централизаторская политика Советской власти в Туркестане и ее последствия (1917-1924 гг.). Автореф.дисс... канд.ист.наук. – Ташкент, 1998. –с.